

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

*ИЛМИЙ – ТАҲЛИЛИЙ*  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية التحليلية

*SCIENTIFIC – ANALYTIC*  
**BULLETIN**



## Таҳрир хайъати:

Абдуллаев Р.В.  
(бош муҳаррир)

Мамадалиева Н.С.  
(масъул котиб)

Абдуллаев А.Б.

Абдуҳалимов Б.А.

Акмалов Ш.И.

Алимов А. А.

Аъзамхўжаев С. С.

Иброҳимов Н.И.

Исломов З.М.

Мансуров А.Д.

Очилдиев А.С.

Уватов У.М.

Ҳасанов А.А.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
<b>З. Исломов.</b> Мустақиллик ва Имом Бухорий илмий мероси .....	4
<b>Д. Зияева.</b> XIX аср охири – XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари .....	8
<b>А. Кадиров.</b> Европа ва ислом маданияти тарихига бир назар .....	12
<b>О. Мавлонов.</b> АҚШга исломнинг кириб келиши ва ривожланиш даврлари .....	15
<b>Д. Мирзалиева.</b> “Чоҳ эгалари” воқеасидан олинадиган сабоқлар.....	21
<b>Ф. Бобожонова.</b> Бухорода мадраса таълими тарихидан.....	24
<b>А. Сафаров.</b> Ибн Синонинг илмий меросида баъзи методологик жиҳатлар .....	28
<b>Г. Юнусова.</b> Абдулқодир Гилоний инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида .....	32
<b>Г. Наврўзова, Э. Зоиров.</b> Маҳдуми Аъзам баёнидаги қалб борлиғи.....	35
<b>М. Ҳошимхонов.</b> Машраб ижодига мутасаввифлар таъсири.....	38
<b>С. Жамалов.</b> Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий асарлари хусусида .....	42
<b>И. Остонақулов.</b> Рожий Марғиноний – фақиҳ ва шоир .....	44
<b>З. Джалилов.</b> Некоторые особенности религиозности населения в современном Казахстане.....	47
<b>Ш. Раҳматуллаев.</b> Опыт экономических преобразований в Узбекистане в условиях глобализации .....	53
<b>З. Қодирова.</b> Жаҳон молиявий инқирози шароитида Форс кўрфази араб мамлакатларининг иқтисодий муаммолари .....	57
<b>И. Мирзиётов.</b> Баркамол авлод – келажакимиз таянчи.....	60

## СЎЗ БОШИ

Мустақиллигимизнинг 18 йили давомида республикамиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Халқ маънавияти ва маърифатини юксалтириш мақсадида янги иншоотлар, коллеж ва лицейлар, ёшлар марказлари бунёд этилди. Айниқса, бу йил ўзининг 2200 йиллигини нишонлаётган азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида амалга оширилган ободончилик ишлари, барпо қилинган маъмурий ва маиший бинолар, жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар, таълим муассасалари ҳукуматимиз ва халқимиз фидокорона меҳнатининг самарасидир. Шу ўринда мустақилликнинг илк кунлариданок ҳукуматимиз томонидан миллий маънавиятимизни тиклаш ва юксалтириш масаласига жиддий эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида осори атиқаларимиз қайта дунёга келмоқда, шўролар даврида бирёқлама ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган буюк аллома ва адибларимизнинг маънавий мероси тадқиқ этилмоқда. Тадқиқотчи ва олимларимизнинг бу борадаги изланишлари монография, рисола ва илмий мақолалар шаклида нашр этилмоқда.

Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий Ахборотининг ушбу сониди ҳам миллий ва жаҳон маънавий хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган ноёб асарлар яратган буюк алломаларимизнинг илмий меросига доир мақолалар ўрин олган. Уларда мустақиллик йилларида улуғ муҳаддисларимиз илмий меросининг ўрганилиши ва қатор асарлар нашр этилиши тўғрисида маълумот берилган. Айни пайтда уларнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган китоб ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, марғилонлик фақиҳ ва шоир Рожий Марғинонийнинг қозикалон сифатидаги фаолияти ва унинг тасаввуфий шеърлари тўғрисида мулоҳазалар билдирилган.

Шу билан бирга, бюллетень саҳифаларида Маҳдуми Аъзам баёнидаги қалб борлиғи, Абдулқодир Гилонийнинг инсон ҳаётининг мазмуни ва, ниҳоят, жаҳон молиявий инқироzi шароитида Форс кўрфази араб мамлакатларининг иқтисодий муаммолари, “Чоҳ эгалари” воқеасидан олиндиган сабоқлар, XIX аср охири – XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари хусусидаги мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

**БОШ МУҲАРРИР**



Имом Бухорий таваллудининг  
1199 йиллигига бағишланади

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ИМОМ БУХОРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мустақиллик буюк аллома аждодлари-мизнинг илмий-маънавий меросини таржима ва тадқиқ этиш, уларни том маънода илмий ўрганиш борасида оламшумул ишларни амалга ошириш имкониятини берди. Буни айниқса асрлар давомида қўл урилмаган қўлёзма меросимиз дурдоналарини ўрганиш каби хайрли соҳада кўриш мумкин. Тарихимизда дунёга танилган шундай зотлар ва бебаҳо дурдона асарлар мавжудки, уларни узок муддат ўрганиш ҳамда юртдошларимизни улар билан таништириш имконияти бўлмади.

Мана шундай буюк аллома зотлардан бири Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий саналади. Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий меросини айнан мустақиллик йилларидагина ҳолис ўрганишга кенг имконият яратилди. Бу хайрли ишлар 1990 йили Шамсуддинхон Бобохонов томонларидан “ал-Адаб ал-муфрад” асарининг кўп нусхада чоп этилиши билан бошланди. 200000 нусхада нашр этилган ушбу асар тез фурсатда кенг жамоатчиликка тарқалди. Нашрга асарнинг бир қисмигина киритилган бўлса ҳам илмий доираларда у ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бу нодир асар бўйича изланишлар мунтазам давом этмоқда. Жумладан, “ал-Адаб ал-муфрад” биринчи нашрига киритилмаган қисмларини тўлдирилган ҳолда 2006 йили Мовароуннахр нашриётида 2000 нусхада тўлиқ чоп этилди<sup>1</sup>. Нашрдаги кейинги қисмларнинг таржимаси Нуъмон Абдулмажид томонидан амалга оширилган. Китобга Асрор Самаднинг нашр ҳақидаги кириш сўзи, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Эътиқодга бахшида умр” номли катта ҳажмдаги тарихий-фалсафий бадиаси ҳамда марҳум Шамсуддин Бобохоновнинг “ал-Адаб ал-муфрад” нинг биринчи нашрида берилган Имом Бухорий ва унинг “ал-Адаб ал-муфрад” асари ҳақидаги мақоласи

<sup>1</sup> Қаранг: Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Таржимонлар Ш.Бобохонов, Н.Абдулмажид.Т.: Мовароуннахр, 2006.

киритилган. Маълумки, “ал-Адаб ал-муфрад” ўзига хос таркибий тузилишга эга. Шу нуқтаи назардан замонавий китобхон асардан фойдаланишда маълум қийинчиликларга учрайди. Юқоридаги ҳолатни енгиллаштириш мақсадида асардаги бир-бирига яқин мавзудаги ҳадисларни бирлаштирган ҳолда 2008 йили “ал-Адаб ал-муфрад” таркибидаги одоб-ахлоққа оид ҳадислардан сайланма нашр этилди<sup>2</sup>. Шарқшунос К.Комилов масъул муҳаррирлиги остида нашр этилган юқоридаги китобда ўқувчини одоб-ахлоқ меъёрлари билан зийнатлантириш мақсадида асардан олинган сайланма ҳадислар келтирилган. Рисолани тузишда такрор келган ривоятлар бир марта зикр этилган, турли ўринларда келган ривоятлар бир мавзу остида жамланган, мавзулар йириклаштирилган. Шунингдек, барча ҳадислар тартиб рақами билан кетмакетлик асосида берилган.

Олимнинг “ал-Адаб ал-муфрад” асарига бағишланган энг сўнгги тадқиқотлардан бири Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Одоблар ҳазийнаси” асари ҳисобланади. Асар Имом Бухорий таржимаи ҳолига оид кириш қисми билан бошланган. Унда олимнинг асарлари, уларнинг қисқача тавсифи ҳақида маълумот берилган. Нашрнинг ўзига хослиги шундаки, унда дастлаб асар аслиятининг ўзи ўзбек тилидаги таржимаси билан берилган. Таржимадан сўнг матннинг батафсил шарҳи келтирилган<sup>3</sup>.

1998 йили Ўзбекистонда Имом Бухорий йили кенг нишонланди. Шу йили Юртбошимиз ташаббуслари билан Самарқандда алломанинг ёдгорлик мажмуаси мисли кўрилмаган тез ҳамда маҳобатли суратда бунёд этилди. Маҳаллий миллий меъморчилик санъати анъаналари асосида бунёд этилган мажмуа ҳозирги кунда ватандошларимиз ва айниқса ислом маданиятининг бебаҳо дурдонаси сифатида чет эллик меҳмонларнинг севимли зиёратгоҳига айланди. Аксарият юртдошларимиз муқаддас ҳаж зиёратига боришдан аввал ушбу муқаддас маскан

<sup>2</sup> Қаранг: Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад (Одоб-ахлоққа оид ҳадислар. Сайланма). Тузувчилар: З.Исломов, А.Ғ.Абдуллаев. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

<sup>3</sup> Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар ҳазийнаси. Имом ал-Бухорий “Ал-Адаб ал-муфрад” китобининг шарҳи. 3 жузлик. Т.: Шарқ, 2008–2009.

ни зиёрат қилишни анъанага айлантирдилар. Айнан шу йили Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан кўплаб тадбирлар ва халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, бир қатор илмий аҳамиятга молик муҳим нашрлар амалга оширилди. Булар жумласига ўзбек, рус, араб, инглиз тилларида чоп этилган “Асрлар қаъридан таралган зиё” номли альбомни киритиш мумкин. Ушбу альбом кенг китобхонларга Имом Бухорий шахсияти, унинг бой илмий-маънавий мероси ҳақида кенг қамровли маълумот берадиган манба вазифасини ўтади. Шу ўринда 1997 йили “Қомуслар бош таҳририяти” томонидан Имом Бухорий шоҳ асари “ал-Жомеъ ас-саҳих” – “Ишонарли тўплам”нинг чоп этилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Тўрт жилдда ўзбек тилида чоп этилган бу асар Ўзбекистон илмий жамоатчилиги, ҳадисшунослиги ҳамда манбашунослигининг улкан ютуқларидан бўлди. Арабчадан Зокиржон Исмоилов, Музаффар Набихон ўғли, Бахтиёр Набихон ўғли, Раҳматилла Обидов, Абдуллоҳ Абдуғани таржимаси, академик Неъматилла Иброҳимов ва Мирзо Кенжабек таҳрири остида чиқарилган китоб ўзбек китобхони учун ажойиб туҳфа бўлди. 2008 йил ушбу асарнинг Шайх Абдулазиз Мансуров таҳририда икки жилдлик нашри амалга оширилди. Маълум тўлдиришлар билан амалга оширилган бу нашр Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов кириш сўзи билан бошланган. Юқоридаги нашрлар Имом Бухорийнинг айнан асарлари таржималари билан боғлиқ.

Юртимизда олимнинг асарлари тадқиқи ва таҳлилига бағишланган илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда. Республикамизда, хусусан, Тошкентда Имом Бухорий илмий мероси бўйича бир қатор диссертациялар ёзилди ва ҳимоя қилинди. У.Уватовнинг “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига турган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)” мавзусидаги ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси<sup>4</sup>, Б.Эшонжоновнинг “IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом

<sup>4</sup> У.Уватов. “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига турган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т.:2004.

*Научное наследие великого хадисоведа Имама Бухари интересовало ученых всего мира. К перу ученого относятся 26 научных трудов, рукописи которых хранятся в различных фондах мира. Подлинное изучение огромного наследия ученого началось в годы независимости Узбекистана. С первых дней Независимости особое внимание было обращено переводам его трудов на узбекский язык. В частности, его основной труд “Ал-Жомеъ ас-саҳих” («Сборник достоверных хадисов») дважды, «ал-Адаб ал-муфрад» («Изюминки нравов») трижды были переизданы. Последний труд ученого был комментирован, осуществлены около десяти научных исследований, посвященных научному наследию ученого.*

*The scientific legacy of the greatest muhaddith Imam Bukhari has so a drawn the attention of the scholars of the world. The scholar created over 26 scientific works, the manuscripts of which are kept at different funds of the world. Extensive study of the enormous heritage of the scholar was launched during the years of independence of Uzbekistan. From the very beginning of Independence a key emphasis was given to the translations of the scholar's works into the Uzbek languages. Particularly, Al-Jome' as-Sahih (Collection of Authentic Hadiths) was published in two editions, and as for Al-Adab al-Mufrad (Pearls of Manners) it was published for three times, the latter was also edited with commentaries and about dozen scientific research works dedicated to the scientific legacy of the scholar were carried out.*

ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳих” асаридаги фикҳий масалалар” мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси<sup>5</sup> Тошкент ислом университети қошидаги Бирлашган ихтисослашган кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилинган.

У.Уватов диссертациясининг катта қисми айнан Имом Бухорийга бағишланган. Диссертациянинг “Имом ал-Бухорий – ҳадис илмининг буюк алломаси” деб номланган бобида олимнинг илмий-маънавий мероси, “ал-Жомеъ ас-саҳих” Бухорийнинг шоҳ асари эканлиги, асарга араб тилида ёзилган шарҳлар, шунингдек унга бағишлаб ёзилган турли рисоалар таҳлил қилинган. Тадқиқотда турли даврлардаги олимларнинг Имом Бухорий ҳақида билдирган фикрлари ҳам батафсил берилган.

Б. Эшонжонов диссертациясида ҳам Имом Бухорий буюк муҳаддис сифатида талқин қилинган. Унинг барча асарлари уч гуруҳга

<sup>5</sup> Б.Эшонжонов. “IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳих” асаридаги фикҳий масалалар”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т.: 2001.

таснифланиб таҳлил этилган. Уларнинг биринчиси ровийлар ҳақидаги тарихий биографик асарлар бўлиб, улар сирасига “Ат-тарих ал-кабир” (Катта тарих), “Ат-тарих ал-авсат” (Ўрта тарих), “Ат-тарих ас-сағир” (Кичик тарих) асарлари киритилган. Иккинчи гуруҳ олимнинг тарихий биографик асарлари деб номланиб, унга “Китаб ал-куна” (Кунялар китоби), “Қазоя ас-саҳоба ва ат-тобиъин” (Саҳобалар ва тобеъийларга тегишли масалалар), “Асоми ас-саҳоба” (Саҳобаларнинг исмлари) асарлари киритилган. Имом Бухорий асарларининг учинчи гуруҳи фикҳий масалаларга бағишланган. Бу асарлар сирасига “Ал-кироаъ халф ал-имом” (Имомлар ортида намоз ўқиш), “Китоб ал-мабсут” (Фикҳ ҳақида муфассал китоб), “Китоб ал-ашриба” (Ичимликлар ҳақида китоб) каби асарлар киради. Шунингдек, диссертацияда “Ал-Жомий ас-саҳих” асарининг фикҳий масалаларни ҳал қилишдаги ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Имом Бухорий Қуръон ва ҳадисларга суяниб, шариат ҳукмларини чиқаришда янги мактаб яратганлиги турли далиллар билан исботланган ва унинг ҳуқуқий ва тарихий ёдгорлик сифатидаги аҳамияти очиб берилган.

Демак, шундай буюк зотлар борки, илмий фаолияти, башарият тамаддунига қўшган хизматлари билан инсоният маънавияти тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилган. Улар томонидан яратилган бебаҳо асарлар дунё хазинасига мислсиз ганжина бўлиб қўшилган. Мана шундай аллома зотлардан бири юртимиз номини рубъу маскунда машҳур қилган ҳадис илмининг султони, буюк бобокалонимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий саналади. Ул зоти бобаракотнинг “Ал-Жомей ас-саҳих” – “Ишонарли тўплам” номли шоҳ асари ислом таълимотининг муқаддас Қуръони каримдан кейинги иккинчи асоси, инсоният маънавий меросининг ноёб дурдонаси, “икки дунё саодатига элтувчи” манба ҳисобланади.

Мана ўн икки асрдан буён бу беназир инсоннинг ҳаёти, унинг нодир асарлари турли мамлакатлар олимларининг диққат эътиборини тортмоқда ва бу мавзуларда улар ҳам юзлаб асарлар ёзган. Мана шундай муҳим асарлардан бири ҳиндистонлик олим шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг араб тилидаги “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” (Имом Бухорийнинг ҳаёт йўллари) номдаги катта ҳажмли рисоласи саналади<sup>6</sup>.

Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий ўзининг чуқур илми билан ислом дунёсига танилган олимлардан бўлиб, кўплаб илмий тадқиқотлар ҳамда рисоаларнинг муаллифидир. “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” асари олим илмий ижодининг асосини ташкил этади. Асарда Имом Бухорийнинг ҳаёт йўллари, илмий лабораторияси юздан ортиқ ишончли манбалар асосида тўлиқ ёритиб берилган. Асар мундарижасига назар солсак, унинг нақадар кенг қамровли эканлигига гувоҳ бўламиз.

“Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” муфассал тўққиз фасл ва хотимадан иборат. Дастлабки фасл Имом Бухорийнинг ҳаёти, насаби, у шаклланган илмий муҳит ва унинг илмий мактаби вакиллари – издошларига бағишланган. Шунингдек, олимнинг ватани Бухорои шариф шаҳри, унинг йирик муҳаддис бўлиб шаклланишига катта ҳисса қўшган Сулаймон ибн Ҳарб, Исмоил ибн Абу Увайс, Абу Мусъаб ибн Абу Бакр аз-Зухрий, Абдон ибн Усмон ал-Марвазий каби буюк олимлар – устозлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф Имом Бухорий ҳақидаги маълумотларни қадимий манбалардан топади ва уларни далил сифатида келтиради. Унда олим ҳақидаги илмий жамоатчиликни қизиқтирган кўплаб масалаларга ойдинлик киритилган. Имом Бухорийнинг илмий меросига бағишланган иккинчи фаслда муҳаддиснинг мавжуд асарлари ва уларнинг қисқача тавсифлари келтирилган. Имом Бухорий асарлари устида узоқ тадқиқот олиб борган Абдуссалом ал-Муборакфурий олимнинг 24 та асарини аниқлайди ва улар ҳақида жуда қизиқарли маълумотларни беради. Асарнинг учинчи фасли “Ал-Жомей ас-саҳих”га бағишланган бўлиб, унда тўпламнинг яратилишига туртки бўлган сабаблар, яратилиш тарихи, ушбу асарнинг унга ўхшаш асарлар-

лардан бири ҳиндистонлик олим шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг араб тилидаги “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” (Имом Бухорийнинг ҳаёт йўллари) номдаги катта ҳажмли рисоласи саналади<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> Қаранг: Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий. Имом ал-Бухорий (ҳаёти ва мероси) / Араб тилидан У.Уватов таржимаси. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2008. – 396 б.

дан афзаллиги ҳақида фикр юритилади. Маълумки, қадимдан шарқ мамлакатларида “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” каби муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган асарларга турли даврларда кўплаб олимлар томонидан шарҳ ва ҳошиялар битиш анъанаси шаклланган. Айнан шу анъанага мувофиқ “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига араб, форс, урду ва бошқа тилларда машҳур шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Абдуссалом ал-Муборакфурий юкоридаги китобида асарга ёзилган араб тилидаги 107 та, форс ҳамда урду тилидаги 38 та шарҳ ва ҳошияларни келтиради ва улар ҳақида қисқача маълумотларни беради. Асарнинг бешинчи фасли аҳамиятга молик асосий масалалардан “Саҳиҳ ал-Бухорий” хусусидаги иштибоҳларга бағишланган. Маълумки, айрим муаллифлар томонидан “Саҳиҳ ал-Бухорий”га нисбатан жузъий иштибоҳлар билдирилган ва улар ҳақидаги фикрлар манбаларда келтирилган. Абдуссалом ал-Муборакфурий муаллифларнинг айнан шу каби эътирозларини келтирган ва уларга нисбатан ўз далил ҳамда фикрларини берган. Асарнинг навбатдаги фасли “Ал-Ақоид ва илм ал-калом” деб номланган. Маълумки, Имом Бухорий нафақат буюк муҳаддис, балки етук фақиҳ ҳамда мутакаллим сифатида ҳам олимлар орасида эътироф этилган. Чунки олимнинг асарларида исломшунослик илмларининг муҳим таркибий қисмларидан саналмиш фикҳ ва ақида бўйича зарур билимлар мажмуи ўрин эгаллаган. Шу боис Абдуссалом ал-Муборакфурий Имом Бухорий қаламига мансуб асарлар асосида унинг фақиҳ ва мутакаллим олимлик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган. Навбатдаги саккизинчи фасл ҳадис ва ҳадис илмларига бағишланган. Унда ҳадис илмининг нақадар зарур ҳамда масъулиятли фан эканлиги, муҳаддис зиммасига жуда ҳам катта масъулият юкланганлиги ҳақида сўз юритилади. Тўққизинчи фасл “Имом Бухорий фикҳи” деб номланган. Унда Имом Бухорий фикҳ илмининг етук устози сифатида эътироф этилган. Шунингдек, фикҳнинг масъулияти, фикҳий масалаларнинг ҳал қилиниш йўллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий асарни катта ҳажмдаги хотима билан якунлайди.

Хотимада Имом Бухорийнинг шогирдлари Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Имом Абу Исо ат-Термизий, Имом ан-Насоий, ал-Фирабрий, Имом ад-Доримий, Солиҳ ибн Муҳаммад Жазара, Имом Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Имом Абу Ҳотам ар-Розий, Имом Иброҳим ал-Ҳарабий, ал-Ҳофиз ал-Кабир Абу Бакр ибн Абу Осим, Ибн Ҳузайма, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотам ал-Варроқ, Ҳусайн ибн Исмоил ал-Муҳомилӣ, Иброҳим ибн Маъкил ан-Насафийларнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Китоб асар муаллифининг шогирдлик силсиласи ва унинг Имом ал-Муҳаддисийнга санади билан тугалланган.

Кўриниб турибдики, Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий Имом Бухорий ҳақида батафсил маълумотлар тўплаган. Бу маълумотлар ўзининг илмий асоси, манбаларининг аниқлиги билан ажралиб туради. Муаллиф Имом Бухорийга тегишли барча маълумотларни изчиллик билан баён этади. Юртимизда айниқса, мустақиллик йилларида юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида Имом Бухорий шахсияти, унинг беназир асарларини ўрганиш ва улардан халқимизни баҳраманд этиш бўйича асарларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Айнан мустақиллик йилларида Имом Бухорий илмий меросини ўрганиш бўйича кенг кўламли ишлар, тадқиқотлар юзга келди. Улардан яна бири 2008 йили Президентимиз томонидан қадимий Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро марказининг очилиши бўлди. Илм ва маърифат ўчоғи бўлмиш ушбу марказ аждодларимиз, хусусан Имом Бухорий илмий меросини ўрганиш ишига бошчилик қилади.

Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий қаламига мансуб “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” асари заҳматкаш инсон, етук шарқшунос, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов томонидан узоқ йиллар давомида илмий ўрганилди, ўзбек тилига таржима қилинди ва 2008 йили “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан кўп нусхада “Имом ал-Бухорий” номи билан чоп этилди. Асар таржимаси ўзбек тилида содда ва раво

чиққан. Шубҳасиз ушбу таржима бухорийшунослик фанига алоҳида ҳисса бўлиб кўшилади ва ўзбек китобхонининг энг севимли асарига айланади, деган умиддамиз. Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг “Ҳадисшунослик” бўлимида ҳам ажодимиз мероси ўрганилмоқда.

Энг сўнгги тадқиқотлар натижалари Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига дунёнинг турли тилларида 150 га яқин шарҳ, ҳошия ҳамда таълиқотлар ёзилганини кўрсатмоқда. Ислом динига эътиқод қилувчи ҳар хил халқлар турли даврларда асарни ўз она тилларида изоҳлаганлар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзбек диншунос, исломшунос, манбашунос олимларининг олдида ҳам назаримда “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг замонавий шарҳини яратишдек муҳим ва долзарб вазифа турибди.

#### **Зоҳиджон ИСЛОМОВ**

Тошкент ислом университети Илмий мерос ва диний тадқиқотлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор.



## **XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ ТАЪ- ЛИМ ТИЗИМИ МУАММОЛАРИ**

Ўрта Осиёда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган анъанавий таълим тизими нафақат минтақа маданияти, балки жаҳон илм-фани учун ҳам етук олимларни етказиб берди. Шарқ педагогикаси тамойиллари ва ислом маданиятини уйғунлаштирган, комиллик ғояси билан суғорилган мазкур таълим тизими асрлар мобайнида Ўрта Осиёнинг илм-фан ва маданият маркази бўлиб келишига хизмат қилиб келди.

Бошланғич (мактаб) ва олий (мадраса) ўқув масканларидан иборат анъанавий таълим тизимининг қуйи босқичида талабалар араб алифбосини ўрганиш орқали савод чиқарганлар, ҳисоб-китоб, классик адабиёт ҳамда ахлоқий тарбияни ўзлаштириш, имон ва эътиқодни шакллантириш, Қуръони каримни ўрганишга тайёрланиш, исломнинг фарз амаллари, ибодат шартларини ўзлаштирганлар. Таълим тизимининг юқори босқичи – мадрасаларда эса талабалар ислом ва шариат асослари, ислом ҳуқуқи, фалсафа, мантиқ, ҳандаса каби фанлар, араб тили грамматикасидан таҳсил олганлар. Бундан ташқари талабаларнинг иқтидори ва хоҳиш-эҳтиёжига қараб индивидуал тарзда тиббиёт, астрономия, физика, фармокология, математика, геология, биология каби фанлардан чуқурлаштирилган билим олиш имкони ҳам бўлиб, бу йўналишлар мадрасаларнинг умумий мажбурий ўқув курсига кирмаган, илмий изланишларга салоҳиятли ва талабгор талабалар кутубхоналарда мустақил равишда мутолаа қилиб, соҳа бўйича етук мутахассислардан алоҳида таҳсил олганлар.

Анъанавий таълим тизимининг ҳар икки босқичи учун ҳам асрлар давомида фойдаланиб келинган классик қўлланма ва дарсликлар, уларга ёзилган шарҳлар, адабиёт намуналари мавжуд бўлиб, улар талабанинг нафақат билимини, балки дунёқараши, имон-эътиқоди, ахлоқи, билимлари, қобилияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган.

Хусусан, бошланғич таълим тизими бўлган мактабларда араб алифбоси, ёзуви ва ҳисобдан ташқари «Хафтияк», «Чор китоб», «Хўжа Ҳофиз», «Сабот ул-ојизин» китоблари, Алишер Навоий, Фузулий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Машраб девонлари, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ўргатилган<sup>1</sup>. Мазкур қўлланма, дарслик ва асарларда талабаларга ислом асослари, шариат қоидалари, ахлоқий ва диний қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар, классик адабиёт намуналаридан сабоқ берилган.

Мадрасаларда эса таълим «Аввал илм» қўлланмасидан бошланиб, босқичма-босқич араб тили дарслари, мантиқ илми («Шамсия») ва унга шарҳлар, Калом илми («Ақоид») ва унга ёзилган шарҳлар, диалектика («Тазҳиб»), метафизика, фалсафа, ҳадислар («Мушқоти Шариф», «Ҳадиси Шариф», «Минг бир ҳадис»), Куръони каримга шарҳлар («Тафсири Куръон») ва уни қироат билан ўқиш («Тажвид»), фикҳ илми («Ҳидоя»), яъни ислом ҳуқуқидан изчил ва чуқур сабоқ берилган<sup>2</sup>.

Мадрасани муваффақиятли тугатган талабалар суд ва таълим тизимида, илм-фанда фаолият кўрсатиб, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлар. Ўша даврда яшаб ижод қилган маърифат аҳлининг аксарияти бир эмас, бир неча илмларни мукамал билганлар. Йирик олимлар эса бир неча йўналишларда – фалсафа ва мантиқ, тарих ва адабиёт, астрономия ва математика, тиббиёт ва фармакология, ҳандаса ва меъморчилик каби соҳаларда етук асарлар ёзиб, танилганлар.

Айни пайтда амалий санъат даражасига кўтарилган каллиграфия, меъморчилик каби соҳа мутахассислари учун мадраса таълимнинг аҳамияти катта бўлиб, ҳандаса, араб тили машғулотларида эгаллаган билимлари кейинчалик янада такомиллаштирилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Ўрта Осиё олимлари ўз билимларини кенгайтириш мақсадида дунёнинг турли мамлакатларида тинимсиз олиб борган

*В статье анализируется состояние традиционной системы образования в Туркестане в период колониализма, основываясь на изучение множества методических источников. Особое внимание уделяется проблемам традиционной системы высшего образования, в частности, медресе, учебная программа которых давно устарела и по методике, и по содержанию и по длительности учебного процесса. В статье также уделяется внимание проблемам реформирования учебной программы и учебного процесса медресе. Автор статьи на основе анализа общественно-политической ситуации и духовной жизни в крае пытается выявить факторы, повлиявшие на состояние системы образования в условиях колониализма.*

*The article is devoted to the problems of traditional education system in Turkestan. On the basis of historical sources the author analyzes questions of reforming curriculum and educational process of madrasahs in Turkestan. A special attention is given to the problems of traditional system of higher education, in particular, at madrasahs where curriculum, educational process and methods need to be developed. Also, the author analyzes some factors affecting the system of education under colonialism.*

изланишлари жаҳон илм-фани ютуқларини ўзлаштиришларига, мазкур билимларнинг янада юксалишига ва янги кашфиётлар, тадқиқотлар яратишларига имкон берди. Натижада бу билимлар Ўрта Осиё маданий ҳаётининг ривожига муҳим ўрин тутиб, мазкур минтақада IX–XII асрлардаги уйғониш даври кашфиётларига ҳамда XIV–XV асрлардаги Темур ва теурийлар даври маданий юксалишига, юксак маънавий тараққиётга асос бўлди.

Аммо XVI–XIX асрлар давомида гарчи илм-фан ва маданий ҳаёт тўхтаб қолмаса-да, минтақада тараққиёт жараёнларининг сустлашуви яққол кўзга ташлана бошлади. Европада жадал тус олган маданий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт инсоният тарихида катта ўзгаришлар ва ютуқларга асос бўлаётган бу даврга келиб, минтақадаги анъанавий маданий ҳаётда, хусусан, таълим тизимида ҳам янгилашиш ва ўзгаришлар киритишга эҳтиёж яққол сезилиб қолди. Дарҳақиқат, анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш заруриятини илғор фикрли уламолар ўз вақтида англаб етган эдилар.

Табийки, араб тилини чуқур ўзлаштириш ислом асосларини араб тили орқали ўрганишга катта ёрдам берган. Аммо мактаб-

<sup>1</sup> Граменицкий С. Положение инородческого образования в Сырь-Дарьинской области. Ташкент, 1916, С. 26-27 ; А.Фитрат. Хиндистонда бир фаранги ила бухоролик мударриснинг жадиди мактаблари хусусида қилган мунозараси. // Танланган асарлар. Тошкент. 2000, 1-жилд. Б. 255.

<sup>2</sup> А.Фитрат. Танланган асарлар. Т., 2006, 4-жилд. Б. 336.

да ҳам, мадрасада ҳам она тили ўқитилмаган, фақатгина классик адабиёт намуналари форс ва туркий тилларида мутолаа қилинган. Диний билимлар – ислом асослари, шариат қонунларини ўзлаштириш учун асосий тил воситаси араб тили эди. Иқтидорли талабаларни мустасно қилганда, аксарият талабалар учун анча мураккаб бўлган, фақатгина дарс жараёнида қўлланилган, кундалик мулоқотда истеъмомда бўлмаган араб тилида (кўп ҳолларда луғатлар ёрдамида) таълим олиш ўқув жараёнини мураккаблаштирган. Бундай шароитда таълим тизимида асосий предмет ҳисобланган ислом асослари, шариат қонунларини чуқур ўзлаштириш, уларнинг моҳияти ва амалиёти ҳақида кенг мушоҳада қилиш, назарий билимларни реал ҳаёт билан боғлаш анча мушкул бўлганлиги шубҳасиз, албатта. Айнан шу сабабли талабаларнинг кўпчилиги мадрасалардаги ўқишни яқунлаш учун йиллаб умрларини сарфлаганлар ёки уни муваффақиятли яқунлай олмаганлар.

Бунинг устига бошқа йўналишдаги фанлар, хусусан, мантиқ, фалсафа, ҳандаса, арифметика каби предметлар бўйича ёзилган дарсликлар кўпроқ араб тилида ёзилганлиги мазкур соҳалардаги билимларни луғатлар ёрдамида ўзлаштиришни тақозо этган ва бу ҳам таълим тизимидаги ўқув жараёнини янада мураккаблаштирган. Натижада юқорида қайд этилган предметлар бўйича дарсликлар уларга ёзилган шарҳлар ёрдамида ўзлаштирилган ва бу ўзлаштириш жараёнининг янада чўзилиб кетишига сабаб бўлган. Таълим тизимида ўқув соатларининг катта қисмини ҳошиячилик, шарҳлар, яъни ислом асослари ҳақидаги дарсликларга турли муаллифлар томонидан турли даврларда ёзилган изоҳ ва тушунтиришлардан иборат дарслар эгаллаганлиги сабабли бошқа асосий фанларнинг соатлари қисқариб борган. Натижада диний ва дунёвий билимлар бўйича дарс соатлари ҳам қисқариб кетган<sup>3</sup>. Бунинг оқибатида мадрасалар ўқув дастурлари ҳам бузилиб, бу ҳол ўша давр зиёлиларини жиддий ташвишга қўйган.

Аммо жадал ривожланиб бораётган замон талабларига жавоб бермай қолган бун-

<sup>3</sup> Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққий йўли. "Ойна", 1914, №38. Б.906–911.

дай аҳвол ва муаммолар консерватив руҳдаги ҳукмдорлар ва уламолар қаршилиги сабабли XX аср бошида ҳам сақланиб қолди.

Таълим тизимидаги жиддий муаммолардан яна бири – унинг жуда узоқ давом этиши эди. Хусусан, Бухоро мадрасаларида таълим олган Садриддин Айний ва бошқа замондошларнинг қайд этишича, мадрасада таълим олиш баъзан 15–20 йилгача чўзилиб кетар, бу ҳол нафақат дарс жадвалидаги ортиқча ва мураккаб фанларнинг кўплиги, балки ўқув жараёнини ўз вақтида яқунлаш ва ўзлаштириш муддати қатъий белгиланмаганлиги, таълим олиш ёшининг чегараланмаганлиги билан ҳам боғлиқ эди. Анъанавий таълим тизимидаги мазкур муаммолар, гарчи мамлакат ҳукмдорлари мадрасалар қурилиши ва фаолиятига катта эътибор билан қараб, улардан маблағларни аямаса-да, оддий халқ орасида илм-фан ва маърифатнинг кенг тарқалиши ҳамда ривожига ғов бўлиб қолган жиддий тўсиқлар эди.

Мадрасаларда асосан араб, қисман форс тили ўрганилган, аммо бошқа тиллар, ҳаттоки она тили грамматикаси ҳам умуман ўрганилмаган. Ваҳоланки, бу даврга келиб Европада сўнгги асрларда қўлга киритилган илм-фан янгиликлари, дунёвий билимлар, кашфиётлар ҳақидаги маълумотлар асосан инглиз, немис, рус ва француз тилларида нашр этилар, ислом мамлакатлари орасида Туркиядагина бундай нашрларни учратиш мумкин эди. Бунинг устига асосан Россия, Эрон, Афғонистон, Хитой ҳамда Ҳиндистон билан иқтисодий алоқалар олиб бораётган Ўрта Осиё мамлакатларининг ривожланаётган Европа мамлакатлари билан кенг иқтисодий алоқалари йўқлиги сабабли барча соҳалар каби илм-фан ва маориф соҳасидаги сўнгги янгиликларнинг кириб келиши ҳам ортда қолган эди. Айнан шу сабабли Туркистон маърифатпарварлари замонанинг илғор кишиси энг аввало ўз она тилиси (туркий тил), ислом дини учун араб тилини, иккинчи она тилидек бўлиб қолган форс тили ва рус тилини яхши билиши лозим, деган даъват билан чиққанлар<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> М.Бехбудий. Тил масаласи// «Ойна» журналы, 1915, №11, 12. Б.274–277, 306–311.

XIX асрнинг 60–70-йилларига келиб, Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ва мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши билан Туркистон ҳудудида ижтимоий-маънавий ҳаёт зиддиятлар гирдобида қолди. Бир томондан, мустақил давлатчиликка барҳам берилиши, маҳаллий аҳоли манфаатларининг ҳукумат томонидан эътиборга олинмай, камситилиши, кўп ҳолларда атайин чеклаб қўйилиши барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлиб, ўз натижаларини намоён эта бошлади. Иккинчи томондан эса Туркистон халқларининг Россия империяси таркибидаги мусулмон халқлар билан ўзаро алоқалари таъсири кучайди. Айнан шу даврда ўлкада Туркияда жадал амалга оширилаётган ислохотчилик ғоялари ҳам кенг тарқала бошлади.

Мустамлакачилик шароитида ўз сиёсий ҳуқуқлари ва мустақиллигидан маҳрум этилган Туркистон аҳолисининг ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган анъанавий суд ва таълим тизими сақлаб қолинсада, бу соҳада қатор зиддиятли ўзгаришлар содир бўлди. 1870 йилда Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўлкадаги таълим тизimini ўрганиб чиқиш учун махсус комиссия тузади. Комиссия ўлкадаги таълим тизimini рус манфаатлари асосида ривожлантириш лозим деган хулосага келади. Ўлка генерал-губернатори эса анъанавий таълим тизimini худди ислом дини каби ўз холига ташлаб қўйиш, уни мутлақо тан олмаслик ва ҳукумат томонидан эътиборсизлик билан қараш лозим деган қарорга келади<sup>5</sup>. Комиссия “Туркистон ўлкасида халқ таълими ва ўқув ишларини ташкил этиш” лойиҳаси режасини ишлаб чиқади. Унда ўлкада маҳаллий аҳоли болалари учун рус мактаблари ташкил этиш ва шу орқали уларни руслаштиришга эришиш мақсадига алоҳида урғу берилган эди. 1875 йилда эса ўлкада Туркистон билим юртлари бош бошқармаси ташкил этилиб, бош инспектор лавозими жорий қилинди. Бу лавозимга 1877 йилда Н.П.Остроумов тайинланди.

Кейинги йилларда мадрасаларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб турган вақф мулкларини бошқариш<sup>6</sup>, мусулмонлар

ўқув юртларини бошқариш<sup>7</sup> ва диний ишларни бошқариш<sup>8</sup> ҳақида лойиҳалар ишлаб чиқилади. Лойиҳаларда белгиланган чоралардан келиб чиқиб, ҳукумат масжид ва мадрасаларни қаттиқ назорат остига олади. Айни пайтда янги масжид ва мадрасалар қурилишини тўхтатишга ҳаракат қилади. Янги масжид барпо этиш учун албатта рус маъмуриятидан махсус рухсат олиш ва албатта, рус тилини ўқитишни жорий этиш асосий талаб сифатида белгилаб қўйилади<sup>9</sup>. Барча эшонлар, нуфузли диний уламолар, ислом дини билан боғлиқ зиёратгоҳлар фаолияти ҳам назорат остига олинади.

Аммо шунга қарамай маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлиги ҳисобидан янги мадрасалар, вақф мулклари, уларда таълим олувчи талабалар ва ўқитувчи-мударрислар секинлик билан бўлсада кўпайиб борди. Бирок сон жиҳатдан содир бўлган ўзгаришлар сифат ўзгаришларига хизмат қилмади. Мадрасаларда ўқув жараёни ислох қилинмай қолаверди, ундаги муаммолар эса чуқурлашиб борди.

XX аср бошида таълим тизimini ислох қилиш ташаббуси билан чиққан жадид тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракатлари асосан бошланғич таълим тизимига қаратилган эди. Улар ташкил этган янги усул мактабларида алифбо, ўқиш ва ёзиш, арифметиканинг тўрт амалини қисқа фурсатда ўзлаштириш, дунёвий (тарих, география, табиатшунослик фанлари) ва диний таълим асослари ҳақида дастлабки билимларни беришга йўналтирилган эди<sup>10</sup>. Бу борада консерватив уламолар ва ҳукумат томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келган маърифатпарварлар бошланғич таълимни ислох қилиш ғоялари билан чекландилар. Гарчи мадрасалар таълим тизimini ислох қилиш зарурияти англаб етилса-да, бу борада ўзгаришлар содир бўлмади.

Шунга қарамай, мадрасалар бу даврда ҳам Туркистон, Бухоро ва Хива хонликларида анъанавий маърифий маскан сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттирди.

**Доно ЗИЯЕВА**

ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудири,  
тарих фанлари доктори.

<sup>5</sup> Граменицкий С. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. Ташкент, 1916. С.6.

<sup>6</sup> ЎзР МДА, 11-фонд, 11-руйхат, 1724-иш. В. 160.

<sup>7</sup> Ўша ерда, В.159.

<sup>8</sup> Ўша ерда.

<sup>9</sup> Ўша ерда.

<sup>10</sup> Косимов Б. Туркистонда жадид мактаблари. Т., 2006.

## ЕВРОПА ВА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ҳозирги даврда бутун дунёда ислом дини, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва тарихий аҳамияти бўйича турли тадбирлар ва анжуманлар ташкил этилмоқда, самарали изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Европа цивилизацияси тарихининг ислом дини ва унинг олий қадриятлари билан чамбарчас алоқасини дунё афкор оммаси тасдиқлаб турибди. Шундай бўлсада, айрим тарихчиларнинг фикрига кўра, ислом динининг дастлабки ижтимоий-тарихий ривожланиш босқичлари ва бошқа ҳудудларга ёйилиши, хусусан Европага кириб келиши ҳали етарли даражада ўрганилмаган<sup>1</sup>. Европада исломшунослик масалалари бўйича мутахассис Сара Силвестрининг таъкидлашича, «исломнинг Европада тадқиқ этилиши ва уни университетларда фан сифатида ўргатилиши ҳамон долзарблигича қолмоқда»<sup>2</sup>. Шундай экан, ислом динининг Европага кириб келиши тарихини илмий тадқиқ этиш унинг маънавий бойлиги ва қадриятларини янада теранроқ мушоҳада этишга ҳамда ислом маданиятининг Европа халқлари тамаддуни тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини тўлароқ тасаввур қилиш ва англашга имкон яратади.

Маълумки, араблар истилоси пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг бошланиб, хулафои-рошидин ва умавийлар халифалиги даврида шимоли-ғарбий Ҳиндистон, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Жанубий Италиядан Пиреней ярим оролигача бўлган катта чегарани қамраб олди. Шунингдек, улар Ғарбий Осиёда тўрт юз йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилган форсларнинг Сосоний империясини мағлуб қилиб, буюк Византия империясининг ҳам катта қисмини ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлдилар.

Айниқса, ислом дини ғояларининг кенг ёйилиши ва мусулмон ўлкалари ҳудудлари кенгайишида умавийлар сулоласининг хизмати ва ҳиссаси беқиёс бўлганлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ<sup>3</sup>.

VII асрнинг иккинчи ярмига келиб, араблар кўпгина жанглarda зафар қозониб, Шимолий

Африканинг қадимий шаҳар-давлатларидан бири Карфагенни 698 йили забт этадилар. Волид<sup>4</sup> эса 705 йили Мусо ибн Нусайр<sup>5</sup>ни халифаликнинг ғарбий қисмига ҳоким этиб тайинлайди. Ўз навбатида саркарда Шимолий Африканинг қолган ҳудудларини бўйсундириб, барбарлар орасида ислом динини ёйишдек ниҳоятда масъулиятли ва қийин вазифалардан бирини самарали амалга оширади.

710 йили қирол Витиза<sup>6</sup>нинг ўлиmidан сўнг ҳокимиятни бой берган меросхўрлар золим Родерих<sup>7</sup>га қарши ёрдам сўраб, Мусо ибн Нусайрга мурожаат этадилар. Шундан сўнг Мусо ибн Нусайр Торик ибн Зиёд<sup>8</sup> бошчилигидаги кўшинни Испанияга сафарбар этади. Торик эса 711 йилнинг апрелида Гибралтар<sup>9</sup> сарҳадларини кесиб ўтади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, араб<sup>10</sup> кўшинларининг Европага кириб келиши борасида қатор фикрлар ва илмий хулосалар илгари сурилган бўлиб, уларнинг баъзида бир-бирини инкор этиши кўпчиликка яхши маълум. Шундай экан, қуйида арабларнинг Испания сарҳадларини кесиб ўтишларига оид айрим маълумотларни келтириб ўтиш билан бирга, мазкур масалага тарих нуқтаи назаридан ойдинлик киритишни лозим деб топдик.

Баъзи манбаларда араблар Жанубий Испанияни (ёки Андалусия) забт этишни дастлаб

<sup>4</sup> 705–715-йилларда ҳукмронлик қилган умавийлар халифаси.

<sup>5</sup> Дамашк халифасининг кўрсатмаси билан Шимолий Африкада ҳукмронлик қилган машхур саркарда.

<sup>6</sup> Герман қабиаларидан ҳисобланган Вестготлар қироллиги (700–710).

<sup>7</sup> Вестготлар қироллиги Витиза ўлиmidан сўнг ҳокимиятни эгаллаш учун бош кўтарган Бастика герцоги (710–711).

<sup>8</sup> Торик Тлемсен қабиласининг барбарларидан бўлган. У Испания тарихида «Торик эл Туерто» (бир кўзли Торик) номи билан ҳам машхур бўлган. Баъзилар Торикни готлардан бўлган деса, бошқалар эса яхудий, деб ҳам ҳисоблайдилар. У дастлаб Шимолий Африкада Мусо ибн Нусайрнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири сифатида фаолиятини бошлаган.

<sup>9</sup> Гибралтар арабча «Жабал ал-Тарик» сўзидан олинган бўлиб, «Торик қояси» маъносини англатади.

<sup>10</sup> Манбаларда қайд этилишича, Вестгот ҳукмронлигига барҳам берган африкалик истилочилар «араблар» деб аталган ва мазкур ном ханузгача қўлланиб келинади. Шундай бўлса-да, муайян воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига аниқлик киритишдан аввал ушбу тушунчага аниқроқ таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. VIII асрнинг боши, яъни 709 йилларга келиб шимоли-ғарбий Африкада араб халифалиги тўлиқ ўрнатилган эди. Бу ерда эса араблар мазкур ҳудуд туб аҳолиси ҳисобланган барбарларга тўқнаш келадилар. Барбарлар асосан Нил водийсининг ғарбий қисмида истикомат қилиб, худди араблар сингари қабила бошқаруви асосида идора қилинган. Шимолий Африка барбарлари кўп жиҳатдан исломдан олдинги Арабистон бадавийларига ўхшаб кетади. Барбарлар катъий фикрли ва мутаассиблиги билан араблардан бироз фарқ қилган. Тарихда барбарлар «мавр» номи билан ҳам танилган. Таъкидлаш жоизки, жуда кўп манбаларда айнан «мавр» истилоҳининг «барбар»га нисбатан кенгроқ қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ 1911 йилгача олимларнинг аксарияти «мавр» истилоҳининг ҳеч қандай этимологик аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлаганлар. Баъзи манбаларда эса араб, испан ва барбарлар аралашиб кетган испаниялик мусулмонлар жамоаси вакилига нисбатан ҳам «мавр» истилоҳи ишлатилган. VIII асрда араблар барбарлар устидан ғалаба қозониб, икки халқ ўртасида никоҳ ришталари кенг йўлга қўйилиши натижаси ўлароқ, ушбу ҳудудда яшовчи мусулмонларни «маврлар» деб аташ урфга айланади. 711 йили Испания сарҳадларини кесиб ўтган Торик ибн Зиёд бошчилигидаги кўшиннинг асосий қисмини ҳам айнан араб ҳукмронлигини қабул қилган қора танли барбарлар, яъни мусулмон бўлган маврлар ташкил этган. Саркарда Торик ибн Зиёд ва умавийлар халифаси Абдурахмоннинг онаси ҳам барбарларга мансуб бўлган. Шундай экан, Испанияда араб ҳукмронлигини ўрнатган «араблар» номи зикр этилганда, айнан «барбарлар» ёки «маврлар»ни эътибордан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Devin De Weese. Devin A. Islamization and Native Religion in the Golden Horde. Penn State Press. 1994. p.17.

<sup>2</sup> Studying Islam and Europe. Ian Mundell. europeanvoice.com. 2009.

<sup>3</sup> Ummayyad Caliphate. <http://en.wikipedia.org>; Edward A. Freeman. The History and Conquests of the Saracens. Lightning Source Inc. London. p.106.

710 йилда бошлаб, ярим оролнинг шимолий худудларини ҳам қамраб олган улкан халифалик яратишга муваффақ бўлганлари қайд этилади<sup>11</sup>. Яна бир маълумотга қараганда, Торик бошчилигидаги араб қўшинлари 710 йил Сеута худудидан ўтиб, Херес-де-ла-Фронтеранинг Гвадалета дарёси бўйида сўнгги Вестгот қироли Родерихни мағлубиятга учратганлиги ҳамда бирин-кетин Кордова ва Толедо, Севилья ва Валенсия, Сарагоса ва Балеар ороллари ишғол этиб, Астурияни ҳисобга олмаганда, бутун Испания маврлар қўлига ўтганлиги тарихий далил сифатида қайд этилган<sup>12</sup>.

Шунингдек, мазкур ҳарбий юришнинг 712 йили<sup>13</sup> ва баъзи манбаларда 714 йилнинг 11 ноябрида<sup>14</sup> амалга оширилганлиги ҳам маълум. Бироқ кўплаб инглиз шарқшунос олимлари мазкур ҳарбий юришнинг айнан 711 йили<sup>15</sup> амалга оширилганига алоҳида эътибор қаратадилар. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам арабларнинг 711–718-йилларда Пиреней ярим оролини тўлиғича босиб олганликлари зикр этилади<sup>16</sup>. Яна бошқа кўплаб манбаларда айнан 711 йилга урғу берилиши ҳамда юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, умавийларнинг Испанияга кириб келишини айнан шу йил билан боғлаш тарихан ҳақиқатга яқинроқ дейиш асослидир.

Муовия I томонидан асос солинган умавийлар халифалиги салкам бир аср давомида Испанияда ҳукмронлик қилади<sup>17</sup>. 750 йили Аббосийлар умавийлар сулоласини тахтдан ағдариб, Марвон II ни қатл этгач, халифаликни ўз қўлларига оладилар. Бироқ умавийлар сулоласига мансуб Абдурахмон I Испанияга қочиб боради ва Кордовада уч аср (756–1038) давом этган сулолага асос солади<sup>18</sup>.

Кордова халифалиги кейинроқ Абдурахмон III томонидан бошқарилди<sup>19</sup>. Худди мана шу

*В данной статье рассматривается роль и значение проникновения ислама в Европу, в частности в Испанию, занимавшей особое место в развитии науки и культуры на европейском континенте. Автор уделяет внимание североафриканскому народу берберов, который после принятия ислама в 711 году под командованием полководца Тарика ибн Зияда покорил Испанию и уточняет конкретный год вторжения арабских войск в Испанию. Кроме того, дается информация о положении Испании в начале VIII века и описывается огромный вклад Омейядов в развитие и процветание страны в течении последующих веков.*

*The article casts light on the penetration of Islam into Spain that played a significant role in the development of science and culture in the European continent. The author of the article places a great emphasis on the North African people, so-called Berbers, who after embracing Islam conquered Spain under the leadership of commander Tarik ibn Ziyad and provides the analysis of the more accurate date of the invasion of Arabs into Spain. One can also find some information about the state of Spain at the beginning of the 8th century and an enormous contribution of the Umayyad dynasty to the development and prosperity of the country for a next ages.*

даврдан испан маданияти, жумладан, илм-фани, тасвирий санъати ва архитектураси ниҳоят даражада тараққий этади.

Кордова Андалусиянинг маданият ва маърифат ўчоғига айланган эди<sup>20</sup>. Ғарбга ўша пайтгача номаълум бўлган қоғозни шаҳарнинг исталган еридан топиш мумкин эди. Шаҳарда кўплаб китоб дўконлари ва етмишдан ортиқ кутубхоналар фаолият олиб борарди<sup>21</sup>. У ерда қадимий юнон тилидан араб, яҳудий ва латин тилларига асарлар таржима қилинарди.

Шунингдек, халифалик даврида кўплаб фанлар, жумладан, тарих, география, фалсафа ва грамматика ривожланди<sup>22</sup>. Мубашшир Аҳмад ўзининг “Ислоҳ ҳазораси” номи китобида шундай дейди: “Оврўпа Ислом олим ва файласуфларининг овозидан уйғонди. Улар бу илмларни Ишбиллийя (Севилья), Куртуба (Кордова), Ғарнота (Гранада) ва бошқа шаҳарлардаги масжидларда ўргатдилар. Ғарбнинг илк йўлбошчилари мадрасаларимизга қаттиқ кизиқиш ва қизгин муҳаббат билан қарардилар. Бу мадрасаларда эшитилган илмлар шу даражадаги эркинлик муҳитида бўлардики, бундай ҳолатни улар ўз мамла-

<sup>11</sup> Hourany Albert. A History of the Arab Peoples. Farber & Farber. 2002. p.41.

<sup>12</sup> J.W.H.Stobart. B.A. Islam and its Founder London. Society for promoting Christian knowledge. New York, Pott, Young, and Co. 1878. p.215.

<sup>13</sup> Ameer Ali Syed. Islam. Archibald Constable & Co Ltd. London. 1906. p.67.

<sup>14</sup> Kenneth Baxter Wolf. ed. (2008). Chronica Prophetica. Medieval Texts in Translation. [http://canilup.googlepages.com/chronica\\_prophetica](http://canilup.googlepages.com/chronica_prophetica)

<sup>15</sup> Juan Vernet GinesMaria J.Viguera. Muslim Spain. Encyclopedia Britannica. 2007; К.Э.Босворд. Мусулмон сулолалари. Т.: Фан, 2007. Б.32–33; John J.Pool. Studies in Muhammadanism. Archibald Constable and Company. Westminster. 1892. p.140; Уильям Манкил. Дунё тарихи. Окфорд Нью Йорк: Университи Прес, 1999. Б.213; Robin Doak. Empire of the Islamic World. Shoreline Publishing Group LLC. USA, 2005. p.37.

<sup>16</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002. Б.253.

<sup>17</sup> Microsoft Encarta Reference Library, 2004.

<sup>18</sup> J.W.H.Stobart. Islam and Its Founder. London, New York: Pott, Young, & Co. 1878. p.213.

<sup>19</sup> Bernard F. Reilly. The Medieval Spains. Cambridge: Cambridge University Press, 1993. p.84.

<sup>20</sup> Simon Barton. A History of Spain. New York: Palgrave MacMillan. 2004. p.38.

<sup>21</sup> James Burke. The Day The Universe Changed. 1985. p.38.

<sup>22</sup> Simon Barton. A History of Spain. New York: Palgrave MacMillan. 2004. p.42.

катларида асло кўрмасдилар. Уламоларимиз ўз илмий давраларида, муаллафотларида ернинг айланиши, унинг юмалоқлиги, фалак ва самовий жисмларнинг ҳаракатланиши ҳақида сўзлаб берган бир вақтда оврўпаликларнинг ақллари ана шу ҳақиқатларнинг барчаси тўғрисида хурофот ва ваҳималарга лиммолим тўлганди<sup>23</sup>.

Ғарбликлар, биринчи навбатда, испан шоирлари ислом адабиётидан жуда қаттиқ таъсирланганлар. Ғарб адабиётига мардлик, ботирлик, мажоз, гўзал бадий образлар, алалхусус, Андалусиядаги араб адабиёти орқали кириб келган. Машҳур испан ёзувчиси Апениз айтади: “Оврўпа араблар Андалусияга келишидан, мардлик ва қахрамонлик жанубий ўлкаларга ёйилишидан олдин мардликни билмасди, унинг одат тусига кирган одоблари ва қахрамонликларига риоя қилмасди”<sup>24</sup>.

Профессор Виктор Робинсон эса бу борада шундай дейди: “Қуёш заминга бош қўйиши билан Европа зимистонга айланар, Кордовада эса тунги чироқлар порлай бошларди; Европада нопоклик ҳукмрон, Кордовада эса минглаб ҳаммомлар ишга тушганди; Европа кўчалари лойга ботган, Кордовада тош ётқизилган кўчалар пайдо бўлганди; Европада мўрили уйлар бўлса, Кордовада маҳобатли нақшинкор бинолар бўй чўзганди; Европа зодагонлари ўз исмини ёзишга қийналаётган бир даврда, Кордовада болалар мактабларга қатнардилар; Европа роҳиблари чўқинтириш маросимида муқаддас китобларни ўқий олмаган пайтда, Кордова муаллимлари улкан кутубхоналар яратган эдилар”<sup>25</sup>.

Мубашшир Аҳмад ҳам ўз асарида шундай баён қилади: “Шаҳарнинг кўчаларига тош ётқизилган, ахлатлари бетўхтов тозалаб туриларди. Атрофи қуюқ боғ-роғлар билан ўралганидан, шаҳарга келаётган одам унга етгунча бир неча соат боғ-бўстонлардан ўтарди. Шаҳар аҳолиси бир миллион эди. (Ваҳоланки, ўша пайтда Оврўпанинг энг катта шаҳрида ҳам йигирма беш мингдан ортиқ аҳоли яшамасди)”<sup>26</sup>.

Бу даврда Шимолий Африка қабилалари, шимолдаги насроний қироллар, Франция, Германия ва Константинопол билан дипломатик алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилди<sup>27</sup>.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Мусулмонлар ўзлари билан анор, лимон, апельсин, анжир, узум, шафтоли, ўрик, банан, бодом, бақлажон, хина, шакарқамиш, пахта, гуруч, зира каби кўплаб турдаги мева-сабзавот ва зираворларни олиб келдилар<sup>28</sup>.

Шунингдек, манбаларда яҳудий ва насронийларнинг ҳукмрон мусулмонлар билан уйғунликда, тинч ва осойишта ҳаёт кечирганликлари келтирилади<sup>29</sup>.

Таъкидлаш жоизки, умавийлар сулоласи вакиллариининг VIII–XV асрларда Испанияда илм-фан тараққиёти ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасининг олимлар ва зиёлилар томонидан тан олиши кўплаб манбаларда баён қилинган<sup>30</sup>. Қизиғи шундаки, ўрта аср араб тарихий адабиёти асосан аббосий халифалар даврида тадвин этилгани боис аксарият ҳолларда олдинги умавийлар даври танқид остига олинади. Бу – бизнинг мавзуимиздан йироқ, бошқа масала.

Хулоса қилиб айтганда, арабларнинг Европа сарҳадларини кесиб ўтиши билан, яъни 711 йилдан бошлаб бир неча аср давомида мусулмонлар томонидан маънавий, маданий, маърифий ва иқтисодий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Кейинчалик порлоқ қуёшдек барқ урган Европа ренессансига маълум маънода тамал тоши қўйилди. Ҳатто бугунги кундаги Европа тараққиётини ҳам айнан биз юқорида тилга олган барбарлар ёки араблар маданияти билан боғлаш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Зеро, мазкур ҳақиқат ҳозирда тобора ўз исботини топиб бормоқда.

**Азимжон КАДИРОВ**

Тошкент ислом университети  
Ғарб тиллари кафедраси ўқитувчиси.



<sup>23</sup> Мубашшир Аҳмад. Ислом ҳазораси. Т.:Мовароуннахр. 2004. Б.16.

<sup>24</sup> Ўша манба. Б.18.

<sup>25</sup> Victor Robinson. The Story of Medicine. A. & C. Boni. New York. 1932. p.104.

<sup>26</sup> Мубашшир Аҳмад. Ислом ҳазораси. Т.: Мовароуннахр, 2004. Б.129.

<sup>27</sup> Anwar G.Chejne. Muslim Spain: Its History and Culture. Minneapolis: University of Minnesota Press. 1974. p.35.

<sup>28</sup> James Burke. The Day The Universe Changed. 1985. p.37.

<sup>29</sup> Ўша манба. p.38.

<sup>30</sup> Thomas J.Shahan. The Middle Ages: Sketches and Fragments, New York, Cincinatti, Chicago: Benziger Brothers Printers. 1904. p.128.

## АҚШГА ИСЛОМНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ

Ривожланган мамлакатлар орасида Америка Қўшма Штатлари аҳолисининг эътиқоди хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган мамлакатдир. Глобал диний муносабатлар лойиҳасининг изланишлари шуни кўрсатдики, 2002 йилдаги сўров натижаларига кўра АҚШ аҳолисининг аксарият қисми Лотин Америкасидаги қўшнилари каби дин уларнинг ҳаётида “ўта муҳим” рол ўйнашини таъкидлаб ўтдилар<sup>1</sup>. Бироқ айни вақтда АҚШ постиндустриал давлатлар ичида кам сонли аҳолиси динсизликни талаб қилаётган ягона давлатдир.

Ҳозирги кунда жаҳонда иқтисодий ва сиёсий соҳаларда юқори мавқеига эга мамлакатлардан бири бўлган Америка Қўшма Штатлари ўзида турли хил, ранг-баранг маданиятларни, миллатларни, эътиқодларни жамлаган ва уларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда мувозанатни сақлаб турган катта “маданий ўчоқ” вазифасини бажариб келмоқда. А.А.Воробьев таъбири билан айтганда, “АҚШга кириб келган ҳар қандай бошқа бир маданият мазкур давлатдаги миллатларнинг “маданий ўчоғ”ига тушади ва у ерда мослашади, бошқа маданиятлар билан бирикиб бутун бошли Америка маданияти манзарасининг бир бўлаги сифатида намоён бўлади”<sup>2</sup>. Албатта, улар АҚШ фуқароси бўлиш билан бир қаторда ўз маданиятларини ҳам сақлаб қоладилар. Америка Қўшма Штатлари халқлари ёки этник гуруҳларининг маданият ва маданий кадриятлари уларнинг дини билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, жумладан, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик, ислом ва бошқа бир қанча динлар кенг тарқалган.

АҚШ Марказий разведка бошқармасининг маълумотиغا кўра фуқароларнинг 76,5–

78,5 фоизи ўзларини насроний деб биладилар, 15 фоизи эса ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдилар, аҳолининг 2,5 фоизи эса давлат томонидан ҳали рўйхатдан ўтмаган динларга эътиқод қиладилар, аҳолининг 1,7 фоизи яҳудийлар ва 0,7 фоизи буддавийлар, 0,6 фоизини мусулмонлар ташкил қилади<sup>3</sup>.

Америкага исломнинг кириб келиши тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд, уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз:

1. Шимолий Америка тарихий солномаларида илк мусулмон сифатида тилга олинган шахс Азаморлик Истафандир (Estevánico of Azamor). Истафан асли Африканинг барбар қабиласи вакили бўлиб, йўл кўрсатувчи сифатида Испания империяси учун ҳозирги кунда АҚШ штатлари ҳисобланган Аризона ва Янги Мексика ерларини кашф қилган. Истафан Шимолий Америка ерларига XVI аср бошларида испан тадқиқотчиси Алваро Нуньес де Васанинг кули сифатида келган. Кейинчалик Нуньес де Васа ва Истафан муваффақиятсиз чикқан Нарваес экспедициясига қўшиладилар ва 1527 йилда ҳиндулар тарафидан қўлга олиниб, қулга айлантириладилар. Кейинроқ Истафан ҳиндулар тутқинидан қочиб, Мексика қўлтиғи бўйлаб машаққатли саёҳат уюштиради. 1539 йилда биринчи бор испан тадқиқотчиларига ҳозирги кундаги жануби-ғарбий Америка ерларини тадқиқ этишда йўл кўрсатувчилик вазифасини бажаради<sup>4</sup>.

2. Сенегаллик машҳур маърифатпарвар, ЮНЕСКОнинг собиқ директори Амаду-Махтар М'Боу тахминларига кўра Морискос кемасида илк мусулмонлар жамоаси 1587 йилда Жанубий Калифорниянинг соҳилбўйи шаҳарчаларида қўним топганлар ва ҳатто шарқий Теннесининг ва Шимолий Каролинанинг ғарбий ҳудудларига етиб борганлар<sup>5</sup>. Лекин сенегаллик маърифатпарварнинг бу фикри кенг омма томонидан қабул қилинмаган.

3. АҚШлик ёзувчи ва олим Муҳаммад Абдуллоҳ Ахарининг фикрига кўра Хрис-

<sup>1</sup> «U.S. Stands Alone in its Embrace of Religion». Pew Global Attitudes Project. <http://pewglobal.org/reports/display.php?ReportID=167>. Retrieved on 1 January.

<sup>2</sup> Воробьев А.А. Путь Востока. Универсализм и партикуляризм в культуре. Материалы VIII Молодежной научной конференции по проблемам философии, религии, культуры Востока. Серия “Symposium”, выпуск 34. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2005. С.57-64.

<sup>3</sup> «CIA Fact Book». CIA World Fact Book. 2002. <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/us.html>. Retrieved on 2007-12-30.

<sup>4</sup> Rayford W. Logan. «Estevanico, Negro Discoverer of the Southwest: A Critical Reexamination.» Phylon (1940-1956), Vol. 1, No. 4. (4th Qtr., 1940), pp. 305-314.

<sup>5</sup> M'Bow, Amadou Mahtar; Kettani, Ali. Islam and Muslims in the American continent. Beirut: Center of historical, economical and social studies. 2001. P. 109.

*США представляет собой уникальное культурологическое явление. Одним из этих культурологических явлений считается исламское общество. Мусульманская община в Америке продолжает неуклонно расти – увеличивается количество мечетей и мусульманских школ, которые в последнее время стали очень популярными в США. В данной статье рассматривается начало истории ислама, развитие и формирование исламской общины в США.*

*В статье также рассказано о жизни американских мусульман до и после событий 11 сентября 2001 года, которые заметно изменили отношение других наций не только к американским мусульманам, но и ко всему исламскому миру.*

*The USA is a country with great cultural phenomena, one of which is considered to be Islamic society. Nevertheless, Islamic community is steadily increasing in America and the number of mosques and Muslim schools, which are becoming most popular among the US population, is increasing fast. This article deals with the beginning of Islamic history, development stages and formation of Muslim communities in America.*

*Additionally, the article contains information on the life of American Muslims before and after September 11, 2001, the event that changed the attitude of other nations not only to American Muslims, but also the entire Islamic World as well.*

тофор Колумбнинг янги қитъага қилган саёҳатига “Янги дунё”га XII асрда саёҳат қилган португалиялик мусулмонлар томонидан ёзилган сафар тафсилотларини ёритиб берувчи ҳикоя асос бўлган. Ушбу ҳикоянинг номи “Кўз ёш уммони” бўлиб, унинг муаллифи ал-Идрисийдир. Ҳикояда Мурабит амир ва Юсуф ибн Ташуфинларнинг ҳукмронлиги даврида саксондан ортиқ лиссабонлик тадқиқотчиларнинг саёҳати, уларнинг 14 та оролда бўлишлари ҳақида баҳс юритилади. Ўша оролларнинг ярмидан кўпи ҳозирги кундаги Канар ва Азор ороллари эканлиги таҳмин қилинган<sup>6</sup>.

Христофор Колумбнинг саёҳатига омил бўлиб хизмат қилган ал-Идрисийнинг “Кўз ёш уммони” номли асарида ёритилган ўша ҳикоялар ўзининг тарихий исботини топмагани ва бу асарда зикр этилган “Янги дунё”га XII асрда саёҳат қилган португалиялик мусулмонлар Шимолий Америка ҳудудларида муқим яшаб қолмаганларини инобатга олсак,

юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, XVI асрнинг ўрталарини Шимолий Америкада исломий жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг илк даври сифатида қабул қилишимиз мумкин.

АҚШлик ёзувчи ва олим Муҳаммад Абдуллоҳ Ахари АҚШда исломнинг ривожланиш босқичларини беш даврга бўлган:

- а) 1800 йилгача бўлган давр;
- б) 1800–1890-йиллар оралиғи;
- в) 1890–1910-йиллар оралиғи;
- г) 1910–1950-йиллар оралиғи;
- д) 1950 йилдан кейинги давр.

АҚШдаги исломий жамиятнинг энг муҳим воқеаларини ёритиш учун ўз навбатида биз унинг ривожланиш босқичларини учта асосий даврга бўлишни маъқул кўрдик: XVI аср ўрталаридан XX асргача, XX асрда исломий жамият ва, ниҳоят, 2001 йил 11 сентябрдан кейинги давр.

XVI аср ўрталаридан то XX асргача бўлган давр асосан Шимолий Америкага, хусусан, АҚШ ҳудудига илк мусулмонларнинг кириб келиши, исломий оилаларнинг пайдо бўлиши, мусулмонларнинг жамият сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ўз ичига олиши билан изоҳланади.

Айрим мутахассислар африкалик мусулмонларнинг аксарияти Шимолий Америкага кул сифатида келтирилганлигини таъкидласалар, бошқалари африкалик кулларнинг камдан-ками исломнинг баъзи қонунқоидаларини базўр билишларини айтадилар. Шимолий Америкага кулларнинг олиб келиниши XVI асрнинг 20-йилларидан бошланган ва XX асрнинг бошларигача янги қитъага келтирилган кулларнинг сони 500 мингдан ошиб кетган. Уларнинг ярмидан кўпи аҳолининг кам қисми исломга эътиқод қиладиган ҳудудлардан ва тахминан 200 минги эса жамиятда ислом динининг мавқеи юқори бўлган ҳудудлардан келтирилган. Уларнинг аксарияти XI асрдаёқ ислом жамияти ташкил топган Сенегамбия ҳудудларидан келтирилган. Айрим манбаларда айтилишича Шимолий Америкага олиб келинган бошқа динга эътиқод қилувчи кул аҳоли мусулмон куллар ва фаол

<sup>6</sup> Ahari A. Muhammed «The Islamic Community In The United States: Historical Development». <http://www.sunnah.org/history/islamamr.htm>

мусулмон савдогарлари орқали ислом таълимоти билан танишганлар ва бир қанчаси бу динни қабул қилганлар<sup>7</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиз Азаморлик Истафандан ташқари қуйидаги шахслар Шимолий Америкадаги илк мусулмонлар сифатида тарихий манбаларда зикр этилган:

Насриддин исмли араб муҳожирлари – хинду Могаук қабиласининг маликасига уйланишдан бош тортигани учун қатл этилган<sup>8</sup>.

Айюб Сулаймон ибн Диалло – 1730-йилларда икки йил мобайнида Мэрилендда кулликда бўлган ва Британия музейи учун тангалардаги ёзувларни таржима қилиш, Ғарбий Африкадаги жойларнинг номини ёза олиш даражасида араб тилини билган.

Жазоирлик Салим – мусулмон зодагон оиланинг вакили бўлиб, таълимни Истамбулда олган. Истамбулдан қайтганидан сўнг испанияликлар тарафидан олиб қочилиб, Янги Орлеандаги французларга кул сифатида сотиб юборилади. Охир-оқибат кулликдан қочиб, Виргинияда Америка хинду қабилалари орасида яшай бошлайди. Кейинчалик у яна топиб олиниб унга инглиз тили ўргатилади, унинг юнон тилини билиши туфайли юнон тилидаги Янги Аҳд берилади. Шу давр оралиғида у билан бир қанча АҚШ Конгресси вакиллари дўстона, яқин муносабатда бўладилар ва Салим “янги дўстлар” таъсири остида насронийликни қабул қилади. Насронийликни қабул қилгандан сўнг у ватанига қайтиб Инжилни тарғиб қилишга қарор қилади, лекин унинг ватанига қилган саёҳати ҳалокатли бўлиб, ватанидан муртад сифатида қувғин қилинади. Америкага қайтиб, Томас Жефферсон билан учрашади ва биринчи Континентал Конгрессда қатнашади. У Америка учун оиласидан, динидан воз кечган руҳий касал инсон сифатида оламдан ўтади. Айримлар уни насронийликдан бош тортиб қочок сифатида ўлган десалар, бошқалар эса оддий насроний ҳолатида вафот этганлигини таъкидлайдилар<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Gomez, Michael A. (November 1994). «Muslims in Early America». *The Journal of Southern History* 60 (4): 682.

<sup>8</sup> Ahari A. Muhammed «The Islamic Community In The United States: Historical Development». <http://www.sunnah.org/history/islamamr.htm>. History of Green County, N.Y., pp. 19–22.

<sup>9</sup> Graham's Magazine, 1857, pp. 433-437.

Шуниси эътиборлики, юқорида исми зикр этилган тарихий шахслардан фақатгина Айюб Сулаймон ибн Диаллогина ислом динини ёйишга, тарғиб қилишга ҳаракат қилган ва ўзининг эътиқодини ҳимоя қилган ҳолда вафот этган.

1790 йилда АҚШ мусулмонлари ҳаётида муҳим воқеа юз бериб, Жанубий Каролинада марокашлик бир гуруҳ мусулмонларга махсус ҳуқуқий мақом берилди. Ўша тарихий воқеадан ўн икки йил ўтиб Марокаш султони АҚШ мустақиллигини тан олган биринчи давлат раҳбари сифатида янги мамлакат тарихидан ўрин олди. 1796 йилда АҚШ президенти Ж. Адамс АҚШнинг мусулмон аҳоли урф-одатларига, динига, қадриятларига ва эркинликларига ҳеч қандай душманлиги йўқлиги тўғрисида битим имзолади.

Роберт Мадденнинг “Ямайкада ўн икки ой”<sup>10</sup> номли асарида Шимолий Америкадаги мусулмон аҳоли фақатгина араб тилини билишлари билан ажралиб турмаслиги, Кариб денгизидаги бир қанча оролларда ва Бразилиядаги кулларнинг кулбаларида уларнинг бир қанча яширин араб ва ислом мактаблари мавжудлиги ҳақида фикр юритилади.

Муҳаммад Абдуллоҳ Ахарининг маълумотларига кўра XIX асрда исломий давраларнинг бўлганлигини Теодор Дуайтнинг иккита мақоласида, Жеймс Купер Солих Билоли (бошқа манбаларда Солих Фулони) ҳақида ёзган ҳикоясида, Уильям Браун Хожсоннинг “янги дунё”даги илк исломий қоидаларнинг ёзилиши ва авлодларга етказилиши тўғрисидаги ҳужжатларида келтирилган маълумотлар тасдиқлашини таъкидлаб ўтган<sup>11</sup>.

Америкалик инглизлар орасида исломни қабул қилган таниқли шахс Александр Рассел Уэбб бўлиб (1888 йил), 1893 йилда у биринчи Жаҳон динлари парламентида ислом динининг ягона вакили сифатида ўрин олган.

У исломни қабул қилгунга қадар маҳаллий газеталарнинг бирида муҳаррир, кейинчалик эса 1887 йилдан бошлаб АҚШнинг

<sup>10</sup> Madden Robert. TWELVE MONTHS IN JAMAICA. 1835

<sup>11</sup> Ahari A. Muhammed «The Islamic Community In The United States: Historical Development». <http://www.sunnah.org/history/islamamr.htm>

Филиппиндаги консули сифатида фаолият юритади. У Шарқ халқларининг динларини ўрганиб ҳиндистонлик мусулмонлар таъсирида исломни қабул қилади. 1892 йилда Александр Рассел Уэбб консулликдан истеъфога чиқиб, Ҳиндистонга жўнаб кетади ва мамлакатнинг тўрт шахрида ислом, афзал йўл ва ислом фалсафаси мавзуларида маърузалар ўқийди. Сўнгра Америкага қайтиб бориб, Шарқий нашриёт уйини таъсис этади ва бу нашриётда Америкада ислом маданиятини ёритиб берувчи бир қанча адабиётлар нашр этилади. У Нью-Йоркнинг Бродвей қисмида масжид курдирган, аммо бу масжид унинг ўлиmidан аввалроқ 1915 йилда бузилиб кетган. Абдуссаттор Ғазалининг шахсий сайтида берилган маълумотларга кўра АҚШдаги бошқа масжид 1915 йилда Мейн штатининг Бидфорд шахрида албаниялик мусулмонлар томонидан қурилган ва у ерда ҳозирги кунгача мусулмонлар қабристони сақланиб қолган<sup>12</sup>. Масжидларнинг қурилиши 1920 ва 1930-йилларда сезиларли равишда ўсди, 1952 йилда АҚШда 20 дан ортиқ масжидлар бўлганлиги Амаду-Махтар М'Боунинг "Шимолий Америкада ислом ва мусулмонлар" асарида келтирилган<sup>13</sup>.

XX асрнинг ўрталарига келиб АҚШда бирқанча исломий гуруҳлар бор эди. Уларнинг энг кўзга кўринганлари анъанавий Сўфий, Аҳмадия, қора танли мусулмонларнинг бир қанча майда ташкилотлари бўлиб, уларнинг етакчилари сифатида Шайх Довуд, Сўфи Абдул Ҳамид, Нобел Дрю Али (асл исм-шарифи Тимоти Дрю), Элиях Муҳаммад ва бошқа бир нечта раҳнаомларини кўрсатиш мумкин. Нобел Дрю Али 1913 йилда Мавро-америка илмий-диний ташкилотини тузиб, мусулмонлар орасида афро-америка миллатчилигини тарғиб қилувчи ўзининг тор ва саёз доирадаги исломий билимларига асосланиб турли "муқаддас" матнлар ёза бошлайди.

Юқорида зикр этилган ташкилотлар ичида "Ислом миллати" ташкилоти сезиларли

равишда бошқаларидан ажралиб турган. "Ислом миллати" ташкилоти 1930 йилда Уоллс Фард Муҳаммад томонидан Дрю Алининг Мавро-америка илмий-диний ташкилотидан илҳомланган ҳолда тузилган бўлиб, бу ташкилотнинг асосий мақсади қора танли мусулмонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат эди. Фард ташкилот аъзоларига миллатчилик ва сепаратистик руҳдаги ғояларини сингдирганлиги ҳам кейинчалик маълум бўлган. 1934 йилда Муҳаммад Элиях "Ислом миллати" ташкилотининг раҳбарига айланади ва Уоллс Фард Муҳаммадни муқаддаслаштиради. Уоллс Фард Муҳаммаднинг муқаддаслаштирилиши кейинчалик жамоатчилик томонидан илоҳийлаштириш сифатида қабул қилинди. Ачинарлиси шундаки, кейинчалик Фард шариатга қарши ўлароқ "пайғамбар" дея эълон қилинди.

1975 йилда Ворис Дин Муҳаммад томонидан "Ислом миллати" ташкилоти анъанавий сунний ташкилот дея эълон қилинди. Силис Муҳаммад Элиях Муҳаммаднинг ўғитларини ривожлантирди, кейинчалик Луис Фаррохон Фарднинг назарий қарашларини қайта тиклади. Ҳозирда бу ташкилотнинг Афро-Америка жамиятига таъсири катта.

"Ислом миллати" ташкилотидан кейинги яна бир йирик ташкилот "Қора танли мусулмонлар" номи билан кўпроқ машҳур бўлган Америка мусулмонлари жамияти (АМЖ) бўлиб, у "Ислом миллати" ташкилотининг издоши ҳисобланади. Америка мусулмонлари жамияти аъзолари Ворис Дин Муҳаммадни ўзларининг етакчилари сифатида қабул қилганлар. Бу ташкилот асосан "Ислом миллати" ташкилотининг сепаратист гуруҳи сифатида ўз ғояларини илгари сурганлар. Америка мусулмонлари жамияти ўзига қанча америкаликни жалб қилганлиги маълум бўлмасида, ташкилот тарафдорларининг катта қисми афро-американлар бўлган.

Йирик исломий ташкилотларнинг яна бири Шимолий Америка Ислом Жамияти ҳисобланади. Жамият муҳожир мусулмон ташкилотларнинг уюшмаси бўлиб, ис-

<sup>12</sup> Ghazali, Abdul Sattar, «The number of mosque attendants increasing rapidly in America», American Muslim perspective, [http://www.amp.ghazali.net/html/mosques\\_in\\_us.html](http://www.amp.ghazali.net/html/mosques_in_us.html)

<sup>13</sup> M'Bow, Amadou Mahtar; Kettani, Ali. Islam and Muslims in the American continent. Beirut: Center of historical, economical and social studies. 2001.

лом дини вакилларининг Шимолий Америкадаги асосий ташкилоти ҳисобланади. Ушбу ташкилотнинг расмий веб саҳифасида келтирилган маълумотларга кўра "...жамият асосан муҳожирлардан иборат бўлиб, унинг аъзолари Америка мусулмонлари жамияти аъзоларининг сонидан ошиб кетди. АҚШдаги масжидларнинг аксариятини Шимолий Америка Исломи Жамияти ўзининг филиали сифатида қабул қилган. Ҳар йили ўтказиладиган жамиятнинг йиллик ассамблеяси АҚШдаги мусулмонларнинг энг йирик йиғилишининг кўринишидир"<sup>14</sup>.

Юқорида номи зикр этилган ташкилотлардан бошқа яна бирқанча йирик ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар ҳам жамиятдаги маълум бир қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этиш учун хизмат қилади.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг ислом оламида жумладан, АҚШ мусулмонлари ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Tolerance.org сайтининг расмий маълумотларига кўра "...2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, вақти-вақти билан Қўшма Штатларда яшаётган бир қанча мусулмонларга бошқа аҳоли вакиллари томонидан тазйиқлар ва ҳужумлар бўлиб турди"<sup>15</sup>.

"Сентябрь воқеалари"дан сўнг кўп сонли америкаликлар ўзларининг ораларида мусулмонлар қанчалик кўп эканликларини сездилар ва ўша даврда мусулмон бўлмаган аҳоли орасида ислом ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унинг моҳиятини англашга бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Қўшма Штатлар аҳолиси орасида исломий китобларни сотиш энг даромадли ишга айланиб борди. Кейинги ҳафталарда Америка китоб дўконларида Қуръон энг кўп сотилган китоб сифатида қайд этилди.

Террорчилик содир этилгандан сўнг АҚШ президенти чиқиш қилиб, америкаликларда мусулмон аҳолига нисбатан ғаразли кайфият пайдо бўлгани туфайли халқдан мусулмонларга ҳужумлар ва тазйиқлар

ўтказмасликларини сўради. Ваҳоланки, тазйиқ ва ҳужумлар аллақачон бўлиб ўтаётган эди.

Россиянинг "Известия" газетаси 2002 йил 1 сентябрдаги сонидан берилган маълумотларга кўра, Америка ва бир қанча Ғарбий Европа сиёсатчиларининг ислом ва террорчиликни тенглаштириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги баёнотларига қарамай, "...бир қанча насроний дини вакиллари 11 сентябрдан сўнг ислом динига қарата таъна тошларини ота бошладилар. Дунёнинг энг йирик ва қадимий динларидан бири бўлган ислом динини "ахлоқсизлик дини" деб атаган руҳоний Франклин Грэм миллионлаб америкалик мусулмонлар учун ёвуз ва ёқимсиз одамга айланган ва у мусулмон аҳолининг нафратига дучор бўлган"<sup>16</sup>.

Шуниси ажабланарлики, ислом ва мусулмонларга қилинган ҳужум АҚШнинг мусулмон бўлмаган аҳолиси орасида исломга бўлган қизиқишни ортириб юборди. Юқорида айтилганидек, ўша пайтда исломий китобларга, хусусан муқаддас Қуръонга бўлган эҳтиёж кескин равишда ортиб кетди ва исломий китобларни сотиш энг сердаромад бизнес сирасига кириб қолди. Ҳозирги кунда ҳам бу жараён давом этиб келмоқда, Америка исломий сайтларига кирувчилар сони кундан-кунга ортиб бориб, аҳоли орасида исломни қабул қилаётганлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Ҳозирда АҚШда қанча мусулмон аҳоли яшаши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Рақамлар турли манбаларда турлича бўлиб, у доим ўзгариб турган. Масалан, бир манбада 3 миллион атрофида дейилса, Америка Олий Исломи Кенгаши тақдим этган маълумотларга кўра мусулмон аҳолининг сони қарийб 15 миллионгача етиши қайд этилган. "Независимая" газетасининг 2001 йил 29 сентябрдаги сонидан келтирилишича, "АҚШда диний статистика соҳаси бўйича етук мутахассис ҳисобланган Дэвид Барретнинг маълумотларига кўра 1900 йилда АҚШ мусулмонларининг сони 10 мингдан ортиқ бўлган, 1970 йилга келиб бу кўрсаткич 800 мингга етди (уларнинг 200 мингги афроамериканлар), 2000 йилда 4.1 миллионни ташкил этди"<sup>17</sup>.

<sup>14</sup> Islamic Society of North America Official Website.

<sup>15</sup> VIOLENCE AGAINST ARAB AND MUSLIM AMERICANS:Alabama to Massachusetts. www.tolerance.org

<sup>16</sup> Бай Евгений. Исламский бум // Известия от 01.09.2002

<sup>17</sup> Тульский Михаил. Ислам в не исламском мире // Независимая газета от 29.09.2001

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳам билса бўладики, Америкадаги исломий жамият тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ислонинг бу ўлкада жадаллик билан ривожланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

1. Кўп сонли мусулмон муҳожирларнинг АҚШга кириб келиши;

2. Азалдан ислом динига эътиқод қилувчи халқлар болажон бўлиб, ҳар бир оилада фарзандлар сони мусулмон бўлмаган аҳоли оилаларига нисбатан кўп бўлиши;

3. 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Америка аҳолисининг катта қисмида ислом динини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кескин ортиб кетиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг шарқ мамлакатлари аҳолисидан АҚШга келиб-кетиш ва истиқомат қилиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни текшириш жараёни кучайтирилиши оқибатида мусулмон муҳожирларнинг келиши бироз камайган бўлсада, лекин ислом динига эътиқод қилувчиларнинг сони ўсишдан тўхтагани йўқ.

Юқорида зикр этилган ҳолатлар АҚШ давлат вакиллари ҳам бефарқ қолдирмади. Пентагон ва Марказий разведка бошқармасининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сиёсий хавфсизлик марказининг етакчи мутахассиси Алекс Алексиевнинг 2003 йилда Москвада ўтказилган семинардаги нутқида айтилишича Америка ҳарбийлари орасида исломни қабул қилиш ҳоллари кузатилгани ва бу нарса уни хавотирга солаётгани, бу ҳолат АҚШ ташқи сиёсатига ва ҳарбий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаган. Чунки Форс кўрфазидаги урушлар мобайнида уч мингдан ортиқ Америка ҳарбийлари исломни қабул қилган. Бу вазиятдан чиқиб кетиш чораси сифатида Алексиев исломнинг кенг тарқалишига қарши фаол чоралар кўриш кераклигини айтиб ўтган<sup>18</sup>.

Америкада яшаётган мусулмонларнинг аксарияти халқаро терроризм, диний экстремизм каби иллатларга бутунлай қарши

эканликлари турли ташкилотлар томонидан ўтказилган сўровларда ўз аксини топган. Бунга мисол тариқасида АҚШ Диний тадқиқотлар марказининг сўровларига кўра, Америка мусулмонларининг 53 фоизи “Сентябрь воқеалари”дан сўнг ҳаёт тарзлари сезиларли даражада қийинлашганлигини қайд этдилар. Улардан юқоридаги муносабатларга сабаб келтириш сўралганида уларнинг ўн фоизидан кўпроғи ирқий камситиш (19%), терроризм (15%), жамиятнинг ислом дини ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслиги (13%), турмуш тарзи (12%) каби жавобларни берганлар. Сўралувчиларнинг 76 фоизи ислом никобидаги экстремизмнинг дунё бўйлаб, 61 фоизи эса АҚШ ҳудудида ёйилишидан хавотирда эканликларини таъкидлаганлар<sup>19</sup>. Сўровномалар натижасидан кўриниб турибдики, Америка мусулмонларининг катта қисми на террорчиликка, на диний экстремизмга мойилдирлар ва уларнинг аксарияти ислом динида бегуноҳ инсонларни ўлдириш нақадар оғир гуноҳ эканлигига ҳам урғу бериб ўтганлар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг камдан-кам мамлакатларида Америка Қўшма Штатларида бўлгани каби диний хилма-хиллик мавжуд. Америкага ислом динининг кириб келиши XVI асрнинг ўрталарига тўғри келиши ўзининг тарихий исботини топган. Америкада ислом динининг ёйилишида “Янги дунё”га кул сифатида олиб келинган африкалик мусулмон аҳоли катта рол ўйнаган. Ҳозирги кундаги афро-американлар орасида исломга эътиқод қилувчи туб аҳолининг ярмидан кўпроғи уларнинг авлодлари ҳисобланади. АҚШда мусулмонлар сони тўхтовсиз равишда ўсиб бормоқда ва АҚШ социологларининг фикрича 2010 йилга бориб ислом насронийликдан сўнг АҚШдаги энг кўп эътиқод қилувчиларига эга бўлган йирик динга айланади.

**Отабек МАВЛОНОВ**

Тошкент ислом университети  
Фарб тиллари кафедраси ўқитувчиси.

<sup>18</sup> Журнал «Россия в глобальной политике», новости от 21.11.2003

<sup>19</sup> Muslim Americans. Pew Research Center, 22 May 2007. pp 35-37.

## “ЧОҲ ЭГАЛАРИ” ВОҚЕАСИДАН ОЛИНАДИГАН САБОҚЛАР

Бугунги кунда ислом динини ўрганиш ва унинг очилмаган қирраларини тадқиқ этиш бериш муҳим илмий ишлардан бири ҳисобланади. Ислом таълимотининг асосий манбаи – Қуръони карим, ҳадислар ва диний манбаларнинг мазмун-моҳияти, нозил бўлиш тарихи ва сабаблари илмий, тарихий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва бошқа жиҳатларини ўрганиш долзарб мавзулардан бирига айланган. Айниқса, Қуръондаги тарихий қисса ва воқеалар кўҳна Арабистон ярим ороли қабилалари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий муносабатлар тўғрисида бирламчи маълумотларни беради. Биз ушбу мақолада Қуръони каримнинг “Буруж” сураси 1–9-оятларида ўз ифодасини топган “Чоҳ эгалари” ҳақидаги воқеа тарихининг диний-маърифий, ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бошқа кўп ҳолларда бўлгани каби “Буруж” сурасининг мавзуга тааллуқли оятларида ҳам ибрат тарзида исломгача юз берган аниқ-равшан тарихий воқеа хусусида сўз боради. Мазкур оятлар Яманнинг VI асрга оид тарихи билан боғлиқ.

VI асрда Яман – Арабистон ярим оролининг жанубдан шимолга кесиб ўтган карвон савдо йўли – Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи муҳим артериялардан бири ҳисобланарди. Бу узоқ йўлнинг катта қисми Яман ерларидан ўтар, у ерда эса Ҳимяр давлати ҳукм сурарди. Шунинг учун ҳам буюк давлатлар Яман устидан ўз нуфузини ўрнатиш орқали мазкур карвон йўлини тўлиқ назорат остига олишни ўзларига мақсад қилиб олгандилар<sup>1</sup>. Юқоридагилардан ташқари ҳабашлар Ҳимяр давлатини ҳабаш савдо моллари билан тўлдиришни хоҳладилар, лекин ҳимярликлар буни қабул қилолмадилар<sup>2</sup>. Бу ҳол Ҳабаш ва Яман давлатлари ўртасидаги қадимдан мавжуд бўлган адоватни кучайтирди. Шунингдек, Ҳимяр давлатининг подшоҳи Рим савдо-

<sup>1</sup> Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 86.; Муҳаммад Байюмий Мехрон. Дираса фи тарих ал-араб ал-қадим. Искандария. 1993. Б. 370.

<sup>2</sup> Мурад Комил. Муқаддима китаб сира ал-ҳабаш дилхаймий ал-Ҳасан бин Аҳмад Қоҳира, 1908. Б. 6–7; Муҳаммад Байюмий Мехрон. Дираса фи тарих ал-араб ал-қадим. Искандария. 1993. Б. 370.

гарини ўлдириб молини талон-тарож қилгани боис ҳабашлар Яманга юриш қилганлар<sup>3</sup>.

Византия бу ишга ўзининг вассали, христиан динининг православ черковига аъзо бўлган Ҳабашистонни ҳам жалб қилди. Тарихдан маълумки, ҳабашлар билан яманликлар бир неча бор ўзаро урушлар қилиб туришган. Натижада Яманнинг ҳаммаси бўлмасида, қирғоқ туманлари ҳабашлар ҳужумига учрагани аниқ<sup>4</sup>.

V асрдан бошлаб Ҳимяр давлати тарихида бир неча подшоҳлар ҳукмронлик қилганлар. 517 йили Мадикарибни тахтдан ағдариб, Юсуф Асъар (Зу Нувос – осилиб турган кокилли) зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллади. Бошқа маълумотга кўра, Юсуф Зу Нувос Асъад ал-Комилнинг авлодларидан бўлиб, қонуний ҳокимиятни тиклаган. Ҳарқалай, сиёсий мақсадда Зу Нувос насронийлик динига қарши яҳудийлик динига ҳомийлик қила бошлади<sup>5</sup>. Зу Нувоснинг асли ким экани ва келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни ўрганадиган бўлсак, тарихчи доктор Аҳмад Ҳусайн Шарофиддиннинг келтиришича, у Иброҳим пайғамбар ва унинг ўғли Исҳоқларнинг наслига бориб тақалмайди, балки яҳудийлик динини кейин қабул қилганлардан ҳисобланади. Яҳудийлар Яманда тижорат билан фаол шуғулланиш билан бирга, яҳудийлик динини тарқата бошлаганлар. Бу динни биринчи бўлиб подшоҳ Ал-Асъад ал-Комил, ундан кейин Ҳимяр давлатининг охирги подшоҳи Зу Нувос қабул қилди. Бу воқеа милодий 523 йилда содир бўлган<sup>6</sup>.

Баъзи адабиётларда Зу Нувос Нажрон аҳлини насронийликдан қайтариб, яҳудийлик динини эмас, балки васанийлик динини қабул қилишларини тарғиб қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Чунки яҳудийлик ва насронийлик динлари Қуръон нозил бўлган пайтда замондош динлардан бўлиб, уларнинг иккиси ҳам самовий дин эди. Уларнинг бирини иккинчисидан афзал кўришга

<sup>3</sup> Қаранг: Муҳаммад Байюмий Мехрон. Дираса фи тарих ал-араб ал-қадим. Искандария. 1993. Б. 372.

<sup>4</sup> Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 86–87.

<sup>5</sup> Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 87.; Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье становление средневекового общества. М., 1985. С. 20–21; Пигулевская Н.В. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с востоком в IV–VI вв. М., 1951. С. 345; Лундин А.Г. Южная Аравия в VI веке. М.-Л. 1961. С. 45.

<sup>6</sup> Аҳмад Ҳусайн Шарофиддин. Ал-Яман абра ат-тарих. Қоҳира, 1964. Б. 155.

*В статье дается конкретная информация об историческом событии, произошедшем в древнем Йемене, в городе Наджран, потрясшем в свое время весь христианский мир. Статья основана на исследованиях разных ученых и включает исторические факты вышеуказанного события. В качестве заключения делается вывод, что Коран является важным источником по изучению истории древней Аравии.*

*The article gives information about the historical event which took place in Nadjran (Yemen), and which disturbed the whole Christian world. The author provides some information based on the findings of various scientists.*

*The author concludes that the Koran is a very important source in the study of the history of ancient Arabia.*

хожат йўқ<sup>7</sup>. Шубҳасиз, «Чоҳ эгалари» васаний<sup>8</sup> бўлган, чунки улар Нажрон аҳлининг фақатгина Аллоҳга ибодат қилганлари учун ўч олганлар<sup>9</sup>.

Зу Нувос васаний эмас, балки яҳудий бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ. Чунки унинг васаний бўлгани ҳақидаги маълумот мисрлик тарихчи Саййид Абдулазиз Солимнинг «Тарих ал-араб қабла ал-ислам» китобидагина келтирилган. У худди шу китобида Зу Нувоснинг яҳудий динида бўлганини ҳам таъкидлаб ўтган.

Нажрон катта тижорат шаҳри бўлгани боис Зу Нувос уни босиб олишга ҳаракат қилаётган бир пайтда, шаҳар ва унинг атрофида ал-Ҳорис қабиласи яшаши, улар насронийлик динига мансублиги ва у ерда машҳур Нажрон каъбаси мавжуд эканини кўрди. Нажрон араблари эса, Ҳижоздаги бадавий араб қабилалари билан дўстона муносабатда эдилар. Шунинг учун ҳам Нажрон насронийларини «жазо»лашга жазм қилган Зу Нувос дастлаб шаҳардан шимолроқда жойлашган Кавкаб ва ал-Ҳима чашмаларини эгаллади<sup>10</sup>.

Муҳаммад Мабрук Нофез «Аср ма қабл ал-ислам» («Исломдан аввалги давр») кито-

<sup>7</sup> Умар Фуввоҳ. Тарих ал-Жоҳилия. Б. 74.; Саййид Абдулазиз Солим. Тарих ал-араб қабла ал-ислам. Искандария. Нашр йили кўрсатилмаган. Б. 127.

<sup>8</sup> Турли ашёлар, масалан, дарахт, тош ва тепаликларни муқаддас билиб синувчи.

<sup>9</sup> Қаранг: Саййид Абдулазиз Солим. Тарих ал-араб қабла ал-ислам. Искандария. Нашр йили кўрсатилмаган. Б. 127.

<sup>10</sup> Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 87.; Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье становление средневекового общества. М. 1985. С. 20–21; Пигулевская Н.В. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с востоком в IV–VI вв. М. 1951. С. 345; Лундин А.Г. Южная Аравия в VI веке. М.-Л. 1961. С. 45.

бида шундай ёзади: «Нажрон халқи дастлаб васаний бўлган. Фимон исмли насроний қишлоқма-қишлоқ кириб, одамларни Исо пайғамбар динига даъват этиб юрарди. Нажрон аҳлининг хурмо дарахтини муқаддас билиб, унга сиғинаётганларини кўриб, уларга: «Мен Аллоҳга дуо қилсам, У сизлар сиғинаётган хурмо дарахтини йўқ қилади», деди. Нажронликлар: «Агар шундай қилолсанг, биз хурмони тарк этамиз ва сен айтган зотга имон келтирамиз», дейишди. Фимон ихлос билан намоз ўқиди ва Аллоҳга илтижо қилиб дуога қўл очди. Аллоҳнинг иродаси билан шамол эсиб дарахтни кўпориб ташлади. Буни кўрган најронликлар насронийлик динини қабул қилдилар».

Воқеа содир бўлишининг сиёсий сабаблари ҳам бўлиши керак. Чунки Нажронда насронийларнинг мавқеи ошиб бораётган бир даврда яҳудийлар ҳам давлатда ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар ва бунинг учун қуйидаги сиёсатни кўллаганлар.

Юсуф Зу Нувос қазилган 3 та катта ўрага тандирдек олов ёқиб, яҳудийликни қабул қилмаган эркак ва аёлларни шу оловли чоҳда ёндирди ёки қилич билан қатл эттирди. Айтишларича шу қирғинбаротда 20 минг насроний ўлдирилган.

Муҳаммад Мабрук Нофез юқоридаги китобида доктор Исроил Вилфенсоннинг «Араб шаҳарларидаги яҳудийлар тарихи» китобидан иқтибос келтириб, ўз сўзига қарама-қарши маълумотни келтиради. Унда ёзилишича, Нажронда қатл этилганлар сони борасида муболаға қилинган. Чунки Нажрон у қадар катта шаҳар эмас ва унда унчалик кўп аҳоли яшамаган. Фақат Зу Нувос шунчалик даҳшат билан шаҳарни вайрон қилганки, ундаги ҳолатни кўрган одам ҳаяжонга тушмасдан иложи йўқ эди<sup>11</sup>.

Бу ҳақда турли олимлар турлича фикр юритадилар. Жумладан, Ваҳба ал-Зухайлий «ат-Тафсири ал-мунир» асарида бу қатлдан сўнг 20 минг кишининг ҳалок бўлганини ёзса, шу асардаги баъзи олимларнинг фикрича, 12 минг киши ўлган. Тарихчи ал-Қалбийнинг таъкидлашича, «Чоҳ эгалари» 7 минг киши бўлган. Ибн Касир ўз тафсирида келтириши-

<sup>11</sup> Қаранг: Муҳаммад Мабрук Нофез. Тарих ал-араб. Аср ма қабла ал-ислам. Қоҳира, 1949. Б. 72.

ча, Зу Нувос асли мушрик бўлиб, у 20 мингга яқин кишини чоҳга солиб ёқиб юборган. Ибн Даҳхокнинг айтишича, Яманда насронийлар қавми бўлиб, улар бу динга қаттиқ ихлос қўйган эдилар. Лекин яҳудийлик динида мутаассиб бўлган Ҳимяр туббаъларидан бири Юсуф бин Шароҳбил Ямандаги насронийларнинг 80 дан ортиғини ёниб турган оловга ташлаб ўлдирган<sup>12</sup>.

Ривоят қилишларича, бир аёл гўдаги билан чоҳ олдига келтирилганда, аёл чоҳдан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилган. Шунда гўдак: «Эй онажон, сабр қилинг, сиз ҳақиқат устидасиз!» – деб хитоб қилган<sup>13</sup>.

Ушбу воқеа ҳақида тарихчи М. Б. Пиотровский қуйидагича фикр ва мулоҳазалар билдирган: “Бу воқеада эмоционал оғриқ ва қаҳр-ғалаён ҳақида гап кетаётгани кўришиб турибди. Лекин тасвирланаётган нарсанинг асл моҳияти турлича тушунтирилиши мумкин. Ухдуд қавми тақдирини ўқиб баъзида худо инсонларни олов ёрдамида жазолаганмикан деган фикр ҳам келиб чиқиши мумкин. Чунки доимо икки дин вакили ўзаро урушаётган пайтда худо олов юборадиган бўлса, шу олов худога ёқадиган қавми четлаб ўтар эди. Лекин бу воқеада биланс худога ёқадиганлар оловда куяди”<sup>14</sup>.

Нажрон мажзараси (қирғини) натижасида шаҳар Зу Нувосга тобе бўлди. Аммо айна вақтда бу воқеа христиан дунёсида катта ақсадога сабаб бўлди. Ўша даврда Яманда 8 та йирик қайл<sup>15</sup> мавжуд бўлиб, уларнинг энг нуфузлиси – Яман уруғи қайли Сумайфа Ашва мамлакат жанубида Зу Нувосга қарши исён кўтарди. Шимолда эса Давс Зу Саълабон худди шундай ҳаракат бошлади<sup>16</sup>.

Шундай вазиятда 525 йили Византия императори Юстианнинг қистови билан Ҳабашистон негуси Яманга катта қўшин тортди<sup>17</sup>. Зу Нувоснинг насронийларга қилган тажовузкорлиги, Нажрон аҳлини олов билан қуйдириши, минглаб кишиларни қиличдан

ўтказиши, ҳеч бир таърифга сиғмас зулмини кўриб, Ҳабашистон Нажронга ёрдам бериш баҳонасида Яманга ҳужум қилади ва уни босиб олади.

Зу Нувосдан қочиб қутилган Давс Зу Саълабон исмли нажронлик киши Рим императорига шикоят қилиб, ёрдам сўраб боради. Рим императори Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга мактуб йўллаб, Нажрон аҳлига ёрдам беришни сўради. Арёт ва Абраҳа бошчилигида юборилган ҳабашлар эса, Яманни босиб олади ва шу тариқа Яман мустақиллиги барҳам топди. Арёт ва Абраҳа 7 минг нафар қўшин билан Яманга бостириб борди<sup>18</sup>. Қонли юришдан кейин ҳабашларнинг қўли баланд келди. Бунга чидолмаган Зу Нувос ўзини денгизга ташлаб, ғарқ бўлди. 525 милодий йилда ҳабашларнинг босқини натижасида Ҳимярлар давлати барҳам топди<sup>19</sup>. Араб ривоятларида келишича, Зу Нувос ўзини ўлдирган<sup>20</sup>. Зу Нувоснинг ўлими ҳақида Африка ва ҳабаш ривоятларида турлича фикрлар мавжуд: Зу Нувос душман қўлига асир тушиб, қатл қилинган. Унинг жасади эса, кўмилмай қолган. Натижада унинг жасади турли хил ҳайвонларга ем бўлган. Шунингдек, Фавн Каримнинг ривоятига кўра, у денгизга чўкиб ўлмаган, балки қийнаб ўлдирилган<sup>21</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Зу Нувос нажронлик насронийларни таъкиб этгани ва уларни азоблагани учун ўч олиш мақсадида ҳабашлар Яманни босиб олди. Бу мавзунини ўрганишимиз давомида шу нарсага амин бўлдикки, Зу Нувоснинг Яманга қилган бу юриши унинг учун фақат баҳона бўлди, холос. Аслида эса, Византия ва Эрон Яман учун кураш олиб бораётган бир пайтда Зу Нувоснинг Яманга қилган бу юришидан сўнг, яхши имкониятни кутиб турган Византия императорлиги шаҳарни босиб олди. Милодий VI асрнинг иккинчи ярмида Яманда ҳабашларга қарши озодлик ҳаракати вужудга келиб, Сайф бин Зу Язан бошчилигида Яман ҳабашлар истилосидан қутилган бўлса ҳам, уларнинг ҳаракатига ёрдам берган Эрон подшоҳлигига қарам бўлиб қолаверди<sup>22</sup>. Византия Ҳабашистонга Жанубий Арабистон-

<sup>12</sup> Ибн Касир. Тафсири Ибн Касир. Байрут, 1989. «Буруж» сураси. Б. 624.

<sup>13</sup> Имом Муслим. Саҳих.

<sup>14</sup> Пиотровский М.Б. Коранические сказания. М.: Наука, 1991. С. 158–160.

<sup>15</sup> Қайл – Ҳимяр подшоҳларининг номи.

<sup>16</sup> Қаранг: Лундин А.Г. Южная Аравия в VI веке. М.-Л. 1961. С. 45; Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 87–88.; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. Т.: Тошкент ислом университети, 2006. Б. 312–313.

<sup>17</sup> Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 88.; Муҳаммад Байюмий Меҳрон. Дираса фи тарих ал-араб ал-қадим. Искандария. 1993. Б. 375.

<sup>18</sup> Саййид Абдулазиз Солим. Тарих ал-араб қабла ал-ислам. Искандария. Нашр йили кўрсатилмаган. Б. 125–126.

<sup>19</sup> Аҳмад Ҳусайн Шарофиддин. Ал-Яман абра ал-тарих. Қоҳира. 1964. Б. 156.

<sup>20</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Байрут, 919х. й. 2-китоб Б. 125, 126; Ибн Халдун. Тарих ибн Халдун. 2-жилд. Б. 59.

<sup>21</sup> Муҳаммад Баюмий Меҳрон. Дираса фи тарих ал-араб ал-қадим. Искандария. 1993. Б. 375.

<sup>22</sup> Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 89–90.

да ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун ёрдам берди. Натижада Юсуф Зу Нувосга қарши бўлган ҳабашлар уни тахтдан ағдариб ташладилар. Бунинг оқибатида, ҳимярий подшоҳ ҳукмронлиги барҳам топди ва унинг ўрнига ҳабашлар ҳукмронлиги бошланди.

“Буруж” сураси душманлар Муҳаммад пайғамбар ва мусулмонларни диндан қайтариш мақсадида қаттиқ азобга дучор қилганлари тўғрисида нозил қилинган. Аллоҳ душманларни огоҳлантириб оқибати ёмон бўлишини эслатади, мўминларни эса сабрга чақиради. Улардан аввал ўтган диндорлар ҳам кўп азоб-уқубатларга дучор бўлганликларини айтади. «Чоҳ эгалари» қиссасини ибрат-ўрнак учун келтиради. Шу нарсани қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, “Чоҳ эгалари” воқеасида қатл этилганлар сониди адабиётларда биров муболаға қилинган бўлишига қарамай, бу воқеа ҳақиқатдан ҳам содир бўлган.

Буни биз Исроил Велфенсоннинг “Яҳудийлар тарихи” номли китобидан, инглиз тарихчиси Филбининг Нажрон водийсига бориб ўтказган тадқиқотларидан кўришимиз мумкин. Исроил Велфенсоннинг ёзишича, Филби тадқиқот ишларини амалга ошириш учун Нажрон водийсига боради ва у ерда эски хароба изларини кимсасиз ҳолда топади. Машаққатли изланиш ва суриштирувлардан сўнг, бу харобалар Зу Нувос қаздирган чоҳларнинг бири экани маълум бўлди<sup>23</sup>.

Юқоридагилардан қуйидагича хулосага келиш мумкин:

1. Қуръони каримнинг “Буруж” сураси 1–9-оятларида келтирилган “Чоҳ эгалари” ҳақидаги воқеа 523 йилда Қадимги Арабистон жанубида содир бўлган аниқ ҳодисадир.

2. Христиан дунёсида бу воқеанинг катта шов-шувга сабаб бўлганлиги Яманнинг ҳабашлар томонидан босиб олиниши ва унда христиан Византиясининг роли билан изоҳланади.

Ва ниҳоят, Қуръони карим Қадимги Арабистон ва илк ислом тарихи учун муҳим манба эканлиги яна бир бор исботланди.

**Дилором МИРЗАЛИЕВА**

Тошкент ислом университети аспиранти.

## БУХОРОДА МАДРАСА ТАЪЛИМИ ТАРИХИДАН

Мадраса – мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланиб, у уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлар эди. Мадраса уламолар ислом илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида VII–VIII асрларда араб давлатларида пайдо бўлган ҳамда IX–XIII асрларда ислом мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам тарқалган. Одатда мадрасаларда миллий зиёлилар тайёрланган. Бу региондаги илк мадраса ҳақидаги маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилган. Унда “Фортак” номли мадрасанинг 937-йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани айтиб ўтилади<sup>1</sup>.

Мадрасалар ўқув дастурининг умумий жиҳатлари X–XII асрларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган. Мадрасаларда ўқиш талабалар иқтидорига қараб 7–12 йил давом этган. Мадрасаларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб, фалакиёт, хандаса, тиббиёт, кимё, жуғрофия, тарих, адабиёт, аруз илми, меъморлик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиклик каби фанлар ўқитилган. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё мадрасалари маълум даражада ислоҳ қилинган, эндиликда ўқитиладиган фанлар қаторига турк, рус, француз, инглиз тиллари, физика, зироатчилик, ҳисоб, гигиена, психология, методика, тригонометрия, сиёсий иқтисод, тижорат каби фанлар ҳам киритилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида 336 та мадраса мавжуд бўлган. Мадрасаларнинг сони хусусида турли манбаларда турлича маълумот берилганлигини ҳам эътироф этиш керак.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” (фойдали тарих) асарида Бухородаги мадрасалар сони 400 та деб кўрсатилади<sup>2</sup>. Бухоро маърифатпарварларидан бири Садри Зиё ўзи олиб борган тадқиқотлар натижасида Бухорода 204 та мадраса фаолият кўрсатган деган хулосага келган. Рус тадқиқотчиси Н.Ханыков Бухоро амирлигида 180–200 та мадраса мавжуд деб маълумот беради<sup>3</sup>. Мир-

<sup>23</sup> Сайид Абдулазиз Солим. Тарих ал-араб қабла ал-ислам. Искандария. Нашр йили кўрсатилмаган. Б. 127.

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966. Б.84.

<sup>2</sup> Балжувоний, Муҳаммад Али. Тарихи нофеий. Т., 2008. Б. 10.

<sup>3</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843. С.243.

зо Олим Махдум хожи Туркистон тарихини таҳлил этар экан, Бухоро шаҳрида 113 та мадраса фаолият юритганини кўрсатиб ўтади<sup>4</sup>. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, Бухорода 200га яқин мадраса бўлган<sup>5</sup>. Бухоронинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихига гувоҳлик берувчи Садриддин Айнийнинг эътирофи этишича, Бухоро шаҳрида XX асрнинг бошларида 100 га яқин йирик ва яна шунча миқдорда кичик мадрасалар бўлган<sup>6</sup>. Тадқиқотчи Б.Х. Эргашевнинг таъкидлашича, Бухорода 140 та мадраса фаолият кўрсатган<sup>7</sup>. Бизнингча, Бухоро амирлигида қайд этилган вақтда таълим билан машғул бўлган мадрасаларнинг миқдори турлича бўлишига қуйидагича ёндашиш мумкин: бир гуруҳ тадқиқотчилар амирликнинг бутун ҳудудидаги мадрасалар сонини кўрсатишган; яна бир гуруҳ тадқиқотчилар фақат Бухоро шаҳридаги мадрасалар сонини эътиборга олишган; учинчи тоифадагилар эса катта ва кичик мадрасаларнинг ҳаммасини бир хил ҳисобга олган.

Манбаларда нафақат мадрасалар сони, балки уларда таҳсил олувчи талабаларнинг сони ҳам турлича миқдорда акс эттирилган. XIX асрнинг ўрталарида Бухорога келган Н.Ханыковнинг ёзиб қолдиришича, уларнинг сони тахминан 15–16 мингга ташкил этган. XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларга гувоҳ бўлган Муҳаммад Али Балжувоний бу давлатдаги талабаларнинг сони 3–4 минг нафарни ташкил этади деб кўрсатган. Рус тадқиқотчиларидан бири Ремпель талабалар миқдорини ўн мингга яқинроқ деб кўрсатса,<sup>8</sup> бошқаси 9–10 минг атрофида деб кўрсатади<sup>9</sup>. Тадқиқотчи Б.Х.Эргашев ушбу даврда таҳсил олган мадраса талабаларининг сонини 20 минг нафар деб кўрсатади<sup>10</sup>.

XIX асрнинг охирига келиб Бухоро мадрасалари ва улардаги талабалар сони анча камаяди. Россия империяси амирлик чегараларини кўриқлаш баҳонаси билан кўшни Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Қашқар (Хитой) дан келадиган мадраса талабалари учун йўлларни бекитиб қўяди. Амир Шоҳмурод

<sup>4</sup> Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2008. Б. 191.

<sup>5</sup> А.Фитрат. Танланган асарлар, 1-жилд. Т., 2000. Б. 110-112.

<sup>6</sup> С.Айний. Смерть ростовщика. Душанбе., 1957. С.1.

<sup>7</sup> Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. Т., 1991. С.16.

<sup>8</sup> Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записки. Т., 1981. С.4.

<sup>9</sup> Сухарева О.Л. Бухара. XIX – начало XX в., М., 1966. С.303.

<sup>10</sup> Кўрсатилган асар. Б.16.

*Статья посвящена истории образования в бухарских медресе. В ней говорится об учебной программе в медресе и об обучении в них светским предметам наряду с религиозными науками. В статье приведены сведения о количестве бухарских медресе и учащихся в них, о мударрисах – преподавателях, об их группах, существовавших в конце XIX – в начале XX вв. Также в статье говорится об обеспечении в медресе и о процессе обучения в них.*

*The article is devoted to the history of formation of Bukhara madrasahs at which the curriculum was based on the education encompassing both the religious and secular subjects. The author provides some information on the number of madrasahs in Bukhara and the students attending the institution in the early 19<sup>th</sup> and late 20<sup>th</sup> centuries and the teaching staff and their groups. Moreover, the reader can find useful information on the financial state and the educational process at madrasahs of that period.*

даврида 30 минг талаба ўқиган бўлса, XIX асрнинг охирида уларнинг сони 10 минг кишига тушиб қолган.

Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрислар ҳақида ёзма манбаларда қизиқарли маълумотлар берилган. Айрим манбаларга кўра, XX аср бошларида Бухорода 22 та мадрасада маърузалар ўқилганлиги маълум. О.Л. Сухарева ўз китобида маърузалар ўқилган мадрасаларнинг рўйхатини келтирган<sup>11</sup>. Балжувонийнинг асарида Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрисларнинг сони тахминан 800 нафар деб кўрсатилади. Мадрасаларда дарс берувчи мударрислар дарс бериш салоҳиятига кўра 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ аъло даражали мударрислар ҳисобланиб, уларга: эшон-қози ул-қуззот; эшон-раиси калон; эшон-шайх ул-ислом; эшон-охун; эшон-аълам; эшон муфти аскар кирган. Бундан ташқари, шариат фатволари соҳаси бўйича дарс берувчи муфтийлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони 22 нафарни ташкил этган. Бу муфтийлар ўроқлик мансабига эришиши мумкин бўлиб, у амирликдаги мавжуд эшик оға боши амали даражасига тенг келган. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур тоифадаги мударрис – муфтийлар судурлик, садрлик, шайх ул-ислом, нақиблик, мири асадлик мансабларига ҳам эришишлари мумкин эди.

Мударрисларнинг яна бир гуруҳига “банораспўш” (банорас киядиган)лар деб ном

<sup>11</sup> Кўрсатилган асар. Б. 74.

берилган бўлиб, улар шу даражадан бемалол муфтийлик даражасига эришишлари мумкин бўлган. Ушбу гуруҳга кирган мударрислар 200 нафарни ташкил этиб, уларни “авсатта тадриси”, яъни ўрта мударрислар ҳам деб аташган.

Мадраса мударрисларининг учинчи гуруҳига кирувчиларни “асфал тадриси”, яъни паст даражадаги мударрислар деб аташган ҳамда уларнинг сони 300 дан ортиқ бўлган. Бундай гуруҳдаги мударрисларни Бухорода “беқасабапўш”лар ҳам деб аташган (кийимларида қасабаси бўлмаганлар).

Инқилоб арафасида Бухоро шаҳрида 13 китобхона, 96 та қорихона (қироатхона) ва мактабхона фаолият кўрсатган<sup>12</sup>. Мадрасаларнинг ўз кутубхонаси мавжуд бўлиб, унда талабалар учун зарурий китоб ва рисоалар бўларди. Абдуллахон мадрасасининг бой кутубхонаси бор эди. Унда тиббиёт, ҳикмат, мантиқ, наҳв, тафсир, ҳадис ва илмнинг бошқа соҳаларига доир кўплаб вақф қилинган китоблар бўлган. Уларнинг орасида Маҳмуд аз-Замахшарий, Имом Ғаззолий каби буюк мутафаккирларнинг асарлари бор эди<sup>13</sup>.

Бухоро мадрасаларида махсус китобдор лавозими мавжуд бўлиб, у сақланаётган китобларнинг сони, сифати учун жавоб берган. Кутубхоналардаги китобларни сақлаш, шунингдек, кутубхонани китоб билан бойитиб бориш учун ҳам вақфлар таъсис этилган. Четдан келган кишиларга иложи борича китоб берилмаган. Мадрасадаги китоблар сонини кўпайтириш ва таркибини кенгайтириш билан бир қаторда китобдор, яъни кутубхоначи зиммасига китобларни асраш, эскирганларини эса таъмирлаш каби вазифалар ҳам юклатиларди. Мадраса кутубхоналарида китобларни асрашга жиддий эътибор берилган, мободро китобдор бу вазифани бажаришда камчиликка йўл қўйса, уни алмаштириш шарт қилиб белгиланган.

XX аср бошларига келиб мадрасалардаги кутубхоналарнинг дарсликлар, нодир китоблар билан таъминланиши ночор аҳволда бўлган. Шу боисдан бўлса керак, Абдурауф Фитрат бу ҳақда қуйидаги фикрини баён этган эди: “Кутубхонамиз бор, бироқ китоб қани? Ҳамма китобларни муфтийлар, мударрислар ва давлатманд уламолар уйларига элтиб, ўз мулкларига айлантирганлар”<sup>14</sup>.

<sup>12</sup> Тарихи нофеий. Б. 34.

<sup>13</sup> Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. Т., 2005. Б. 17.

<sup>14</sup> А.Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., 2000. Б.115.

1602 йилда Мир Тахур девон гузарида “Ифбатпаноҳ, исматдастгоҳ, зайнул машварат, аёллар шарафлиси, афифа, солиҳа, сожида, ҳарами шарифни ҳаж қилишга муяссар бўлган ҳожи Биби Халифа” томонидан мадраса қурилади<sup>15</sup>. Айрим тарихий манбаларда ушбу мадрасада фақат қизлар ўқитилгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Демак, ҳозирги замонга қиёсан айтганда ушбу мадраса “қизлар таълим оладиган махсус университет” бўлган. Умуман олганда, Бухорода барпо этилган мадрасаларнинг бир нечасини аёллар қурдирган. 1703–1704 йилда Субҳонқулихоннинг Подшоҳбиби исмли хотини Шодим оталиқ масжиди гузарида 22 хужрадан иборат мадраса қурдилади ва бу мадраса “Болойи ҳавуз” номига эга бўлади. Малика Подшоҳбибининг иккинчи исми Ситорайи Моҳ хоним эди. Амир Олимхон 1911–1915-йилларда худди шу номда Бухоронинг четроғида сарой қурдирган. Унинг олдида ҳам ҳовуз бор. Ҳозирги кунда “Ситорайи Моҳи хосса” дейилса, кўпчилик Амир Олимхон саройини тушунади. Қизиғи шундаки, Тиргарон гузарида қурилган 25 хужралик “Хўжа Нихол” мадрасаси хужжатида ҳам шу ном учрайди<sup>16</sup>.

Мадрасаларнинг таъминоти, улардаги таълим, ўқув жараёнларининг моддий, молиявий жиҳати мазкур мадрасаларни расмийлаштирган вақф хужжатида ўз ифодасини топган. Ушбу хужжатда қайд этилишича Бухоро мадрасаларида вақф этилган мулк бир кишига уч йилдан ортиқ ижарага берилмаган, икки ойу ўн кун мадрасани узрли сабабсиз тарк этиш таъқиқланган, акс ҳолда имтиёзлар бекор қилинган, ҳар бир хужрада икки нафар талаба истиқомат қилган. Одатда ҳар бир мадрасада мударрис, таҳоратхона хизматчиси, фаррош, сартарош, кутубхона китобдори, мутавалли мавжуд бўлиб, улар вақфномага биноан ўз улушини олиб турган. Айрим мадрасаларда талабалар тоифаларга ажратилган. Масалан, Гавкушон мадрасасида талабалар олий, ўрта (авсат) ва қуйи (адно) тоифага бўлинган. Вақф мулкидан тушган маблағдан ушр олинган ва у бўлинган. 9 ҳиссадан 3 ҳиссаси мударрисга, 4 ҳиссаси талабаларга, яна 2 ҳиссаси мадрасанинг бошқа эҳтиёжларига сарфланган. Талабаларга ажратилган ҳақни мутавалли ва мударрис маслаҳатлашиб уларга тақсимлаб

<sup>15</sup> Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. Т., 2005. Б.70.

<sup>16</sup> Кўрсатилган асар. Б.70.

берган. Узоқ сафарга кетганлар ва жамоат намозларида иштирок этмаганлардан хужра олиб қўйилган.

А.Фитратнинг “Раҳбари нажот” (“Қутқарув йўли”) асарида Бухоро мадрасаларида ўқитилган фанлар хусусида бир қатор маълумотлар берилган. Масалан, илми ҳадис, илми тарих, жуғрофия, илми табобат.

Бухоро мадрасалари орасида Абдуллахон мадрасаси катта нуфузга эга бўлган. Абдуллахоннинг ғарбий мадрасаси Қўш мадраса гузарида жойлашган бўлиб, 140 та хужрадан ташкил топган эди. Мазкур мадраса шайбоний ҳукмдорларнинг машхур вакили Абдуллахон ибн Искандархон ибн Жонибекхон ибн Абулхайрхон томонидан ҳижрий 974 йилда (милодий 1566–1567) қурилган. Абдуллахоннинг шарқий мадрасаси 15 йилдан кейин, яъни 989 йилда (1581–1582) қурилади.

Абдуллахон томонидан бино этилган ҳар иккала мадраса ҳам олий тоифадаги мадрасалар қаторига киради. Абдурауф Фитрат унинг йиллик вақф маблағини 40.000 танга деб кўрсатган<sup>17</sup>. Мадрасаларнинг ташкилий, хўжалик ва молиявий аҳволини таҳлил этишда ўша даврда ёзилиб, юқори мартабали амалдор, кўпинча амирнинг ўзи томонидан расмийлаштирилган вақф ҳужжатининг аҳамияти каттадир. Абдуллахон номидаги ғарбий мадрасанинг вақф ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилган: Муҳаммад Раҳим Султон масжиди ёнида еттита, анорфурушлар бозори олдида олтита, бошқа тарафида тўққизта, Ислом дарвозаси олдида тўртта, Муҳаммад Раҳим Султон масжидининг бошқа тарафида олтита, Амир Жоналибий масжиди кўчасида олтита, Регистон ҳаммоми ёнида саккизта ва улардан ташқари яна эллик олтита турли дўкон; Охани бозори яқинидаги ва Гавкушон ҳамда Ғозиён ҳаммомлари ва яна ўттиз иккита ҳар хил дўкон вақф қилинган эди. Булардан ташқари Ғиждувон ва Насаф вилоятида ҳам ер ва дўконлардан иборат вақф мулклари бўлган. Худди шунингдек, шарқий мадрасага тегишли бўлган вақфлар ҳам кўрсатилган: Самарқанд дарвоза масжиди кўчасидаги, Регистон, Хиёбон, Тиркашдўзон, Заргарон ва Саррафон (бта) ҳаммомлари; Саррафон гузарида битта баққоллик, битта кабобпазлик дўкони; Шофиркон туманидаги Кўкработ қишлоғида 1000 таноб, Ғиждувон

туманидаги Осиё қишлоғида 1100 таноб ва яна бир қанча жойларда бўлак-бўлак ер ва тегирмонлар<sup>18</sup>.

Абдуллахон мадрасасида иккита мударрис фаолият кўрсатган. Улардан бири – муфтий, иккинчиси – банорас тўнли мударрис бўлган. Вақф шартига кўра, белгиланган мол-мулкдан келадиган даромад энг аввало мадраса биноси эҳтиёжига ишлатилган. Қолганидан икки нафар мударрис, сўнгра мутавалли ўз ҳақини олишган. Имом йилига 200 кумуш танга, муаззин 100 танга, иккита фаррош 60 тангадан ҳақ олган. Мадраса олдидаги масжидни ва дарсхонани ёритиш учун йилига 24 тангадан ишлатилган. Ҳар бир хужрада икки нафар талаба яшаган ва уларга қунига ярим тангадан берилган. Агар талаба узрли сабабсиз 2 ой давомида ўқишга қатнамаса, ножўя ишлар билан машғул бўлса, у ҳолда хужрадан қувилиб, ўқишдан ҳам ҳайдалган. Вақфномада белгиланишича, мадрасада дарс берган мударрислар умумий вақф маблағининг 20 фоизини иш ҳақи сифатида олган. Қолган маблағнинг йигирмадан бир қисми вақф мулкани бошқарувчи шахс – мутаваллига берилган. Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, Абдуллахон мадрасасида вақф мулкига Мир Ҳошим ибн Мавлоно Али ат-Таробий мутаваллилик қилган. Демак, бу киши Бухоронинг Тароб қишлоғидан, яъни Маҳмуд Таробийнинг қишлоқдоши бўлган.

Абдурауф Фитратнинг ёзишича, Бухоро мадрасалари уч тоифага бўлинган: қуйи бўғин – “адно”, ўрта бўғин – “авсат” ва олий бўғин – “аъло”. Олий тоифали мадрасалар 33 тани, ўрта тоифадагилар 39 тани, қуйи тоифадагилар эса 100 дан ортиқни ташкил этган<sup>19</sup>.

Мадрасаларда XX аср бошларига келиб бир қанча мударрислар кўпдан анъанавий тус олиб келган ҳошиячилик ва шарҳ каби фойдасиз фанларни ўқитмаслик, кўпроқ дунёвий фанларни ўқитиш лозимлигини талаб қила бошладилар. 1914 йилда Абдуллахон мадрасасининг мударриси Домла Нажмиддин ва Саройи Ғишт мадрасаси мударриси ҳошиядан дарс беришдан воз кечиб, ўз мадрасаларида тафсири Қуръон ва Ҳадис фанларидан сабоқ бера бошладилар. Мадрасаларда ўқитиладиган диний дарсларнинг маълум қисмини китобларга ёзилган шарҳлар, шарҳларга ёзилган ҳошиялар ташкил этиб,

<sup>17</sup> А.Фитрат. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. Б.15.

<sup>18</sup> Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби, биринчи рисола. Т., 2005. Б.16–20.

<sup>19</sup> А.Фитрат. Кўрсатилган асар. Б.112.

талабанинг таҳсил олишини қийинлаштирар эди. XV–XVI асрлардан давом этиб келаётган дарслар дастури деярли ўзгармас, фақат дарслик китобларига ёзилган шарҳлар, хошиялар билан талабалар машғул бўлар, асосий китобларни ўзлаштириш масаласи эътибордан қолиб кетар эди<sup>20</sup>.

Мадрасаларда таълим самарасини оширишга, тарбиявий тадбирларни амалга оширишга маълум даражада эътибор берилган. Дарсларни ўзлаштириш соҳасида таълим дастурининг бажарилмай қолиши ўзига хос тарзда аниқланиб, талабаларнинг ўқиш натижалари қониқарсиз ҳисобланган ва бундай талабаларга нисбатан жазо чораси қўлланилган: улар мадраса ҳужрасида яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ва уларга нафақа (стипендия) бериш тўхтатилган. Агар талаба бир ҳафта давомида дарсларга узрсиз қатнашмаса, унинг нафақаси тегишли равишда қирқилган.

XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида таълим тизими, хусусан, олий таълим тизими, яъни мадрасаларнинг иш фаолияти ўша давр шарт-шароитидан келиб чиқиб ташкил этилган, аммо ривожланиб бораётган Ғарб таълим тизимидан фарқ қилар ва айрим услубий жиҳатлари билан орқада қолган эди. Тўғри, мадрасаларда диний таълим билан бирга, дунёвий таълим ҳам берилган, аммо бундай асосда ишлаётган мадрасалар кўпчиликни ташкил этмаган. Шунинг учун ҳам 1910–1920-йилларда бу ерда шаклланган ва фаолият кўрсатаётган жадиличлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари бу соҳада чуқур ислохотлар ўтказиш талаблари билан чиқишган.

### **Феруза БОБОЖОНОВА**

Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси.



## **ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА БАЪЗИ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАР**

IX–XI асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий тафаккур ўз тараққиётининг гуллаб яшнаган даврини кечирди. Бу жараёнга Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлар ва диний таълимотлар ҳам муҳим таъсир кўрсатди.

Умуман олганда, ўша даврларда Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий-фалсафий тафаккур бир-бири билан боғлиқ яхлит жараён сифатида ривожланганини кузатиш мумкин. Бу давр фалсафий тафаккури тарихида буюк мутафаккир ва қомусий аллома, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино бекиёс ўринга эга.

Европа олимларининг Ибн Сино асарларини тадқиқ этиш ишлари қутилмаган суръатда авж олиб борди ва унинг деярли барча асарлари тадқиқот объектига айланди. Тан олиш керакки, Европа фанининг шу соҳада орттирган катта илмий тажрибаси ва йиллар давомида шаклланган йирик салоҳиятни таҳлил этиш нафақат Ибн Сино, балки бутун илм-фанимизнинг йирик намояндалари, илмий меросимизни тадқиқ этишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юртимиз олимларининг ҳам Ибн Сино табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросини ўрганиш борасидаги самарали изланиш ва тажрибалари жаҳон фанининг ютуқлари билан узвий боғлиқ тарзда амалга оширилган. Юртимиздаги ҳар бир синошунос олим ўз тадқиқотлари орқали теран фикр-мулоҳазалари, илмий далил ва хулосаларини ифодалаш билан бирга, жаҳон фанининг шу соҳада эришган ютуқларига мурожаат этиб, имкон қадар улардан фойдаланишга ҳаракат қилиб келган. Файласуф олима Г.Б.Шаймухамбетованинг фикрига кўра, Ғарб шарқшунослик фани араб тилидаги фалсафани талқин қилишда ўзининг асосий тенденциясидан воз кеча олмаган, яъни ушбу фалсафа намояндалари ижодининг оригиналлиги, амалга оширган янгилиги ҳақида эмас, балки унга қадимги

<sup>20</sup> “Ойна”, 1914 йил, 19 феврал, 17-сон.

юнон фалсафаси қанчалик таъсир кўрсатгани нуқтаи назаридан қарашдан нарига ўтмаган. Бундай тенденция, айниқса, Т. де Буур, Карра де Во ва А. Мюллер каби олимларнинг асарларида ўз аксини топганлиги маълум.

Г.Б.Шаймухамбетованинг ишларида “Араб фалсафаси”<sup>1</sup> фани ва маданиятининг Ғарбий Европага кириб бориши ва у ерда қарор топишининг икки асосий босқичи мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, Шарқ олимлари илмий мероси ўша муносабатларга таъсир этган. У Ибн Синонинг илм-фанга қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш, Ғарб олимларининг аллома меросини ўрганиш йўналишлари ва методологияларини аниқлашда ҳам шу тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқдир, деган фикрни илгари суради.

Албатта, бу хулоса Европа олимларининг мусулмон Шарқи халқларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросини ҳар томонлама ва теран ўрганиш жараёнига замонавий ёндашиш заминидан таҳлил қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Лекин фикримизча, у маълум бир аниқликлар киритиш ва тўлдиришларга муҳтож, ақс ҳолда Европа олимларининг Ибн Сино илмий-фалсафий меросини кейинги ўрганишларида бу ноаниқлик кучайиб бориши мумкин. Шунинг учун, назаримизда, ушбу жараённинг белгиланган икки асосий босқичларини янада аниқроқ ва конкрет тарзда таҳлил этиш натижасида файласуф олима таъкидлаганидек, уни тўртта муҳим бир-биридан фарқ қиладиган босқичдан ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизнингча, Г. Б. Шаймухамбетова биринчи босқични тўғри ва асосли белгилаган ва уни ўринли таърифлаган. Муаллиф аниқлаган иккинчи давр эса, аслида уч босқичдан иборат. Бу XV асрдан бошланиб, тахминан XIX асрнинг биринчи ярмини ўзида қамраб оладиган иккинчи босқични ташкил этади. Ушбу даврда яшаб ижод қилган машҳур немис файласуфи Гегелнинг фалсафа тарихига қўшган муҳим ҳиссаси, Шарқ илм-фани, асосан фалсафасига янгича нуқтаи назардан ёндашишга

<sup>1</sup> Шаймухамбетова Г. О проблемах историографии средневековой арабской философии // Средневековая арабская философия. Проблемы и решения. М.: Восточная литература, 1998. С.12.

*Великий ученый-энциклопедист, внесший большой вклад во многие отрасли мировой науки, Абу Али ибн Сина (980–1037) явился миру в эпоху «Восточного Ренессанса», когда Средняя Азия в различных сферах общественно-духовной жизни оказалась представленной наряду с ним целым рядом других выдающихся фигур мирового масштаба. В статье анализируются исторические и методологические аспекты толкования естественно-научных и социально-философских учений мыслителя.*

*The article is devoted to the research of the historical and philosophical works of Ibn Sina coming out as one of the important components of a rich heritage of Abu Ali ibn Sina and his contribution to studying history of philosophy of peoples in many regions including the Central Asia. The researcher comes to the conclusion that Ibn Sina was one of the great historians of philosophy of his time and later periods. At the end of the article the author, gives some information about the importance of Ibn Sina's achievements in the historically-philosophical science.*

ҳаракат қилганидир. Лекин ўша вақтда фактологик материалларнинг танқислиги ва етишмаслиги шу йўналишдаги айрим жуда муҳим ва тўғри хулосалари билан бирга унинг мусулмон Шарқи халқлари фалсафий тафаккурини зимдан камситадиган фикрларни ҳам илгари суришга сабаб бўлган.

Кейинги учинчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олган, десак бўлади. Шу давр, юқорида зикр этилганидек, Мусулмон Шарқи халқларининг илмий, хусусан, ижтимоий-фалсафий меросини аввало конкрет ва асл манбага асосланиб ўрганиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу фактологик ёндашиш етакчи рол ўйнагани туфайли бошқа Шарқ алломалари қатори Ибн Сино илмий ижодининг энг ёрқин намуналари ҳам илмий асосда ўрганилиб, илмий истеъмолга киритилганига гувоҳ бўламиз.

Тўртинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб ҳозиргача давом этиб келмоқда. Унинг асосий йўналиши ва ўзига хос хусусияти аниқ фактологик ва назарий-услубий ёндашишларнинг маълум уйғунлиги, Ғарбнинг Шарққа нисбатан янгича муносабатда бўлиши, Шарқ халқларининг маданий-илмий мероси жаҳон тамаддунининг муҳим ажралмас қисми эканини тан олиши билан

таърифланса бўлади. Шуниси эътиборлики, мазкур босқичларни ажратиш ва белгилашда Ғарб олимлари томонидан Ибн Сино меросига бўлган муносабатнинг кескин равишда ўзгарганини кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, юқорида зикр этилган босқичларнинг белгиланишида муҳим омил бўлган. Албатта, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа алломаларнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросини Европа олимлари томонидан ўрганилишининг ўзига хос жиҳатлари мазкур умумий ёндашув ва услубий тамойиллар билан белгиланган.

Ушбу босқичлар давомида Ибн Сино илмий меросининг Европа олимлари томонидан ўрганилиши ва тадқиқ этилиши шу соҳада материал ва тажриба тўпланган сари, уларни бу масалани махсус ўрганиш муаммоси ҳам қизиқтира бошлагани табиий ҳолдир. Аввало, ҳар бир тадқиқотчи Ибн Сино меросининг маълум соҳасини ўрганиш жараёнида жаҳон синошунослигининг бошқа вакиллари томонидан эришилган натижаларига мурожаат этиши, уларни ўзини қизиқтирадиган контекстда таърифлашга интилиши табиийдир. Шу билан бирга, Европа синошуносларининг бу борадаги ютуқларини назарда тутиш, алломанинг бир неча фанларни қамраб олган фаолиятининг жаҳон миқёсида тутган мақоми аҳамиятини аниқлаш ва адолатли хулосага келишга реал имконият яратиб беради.

Ниҳоят, буюк бухоролик олимнинг жаҳон фанидаги ҳақиқий мақоми ва ўрнини белгилаш вазифаси илмий-услубий тамойилларга эга бўлишни даъво қилган шўролар давридаги фан тарихи мутахассислари тадқиқотларида намоён бўлган. Шўролар даврида махсус фалсафий-тарихий жараёни тадқиқ этиш методологик муаммоларини таҳлил қилишга бағишланган асарларда, бошқа Шарқ олимлари қатори, Ибн Синонинг кўпқиррали меросини ўрганишдаги Европа олимларининг илмий изланишларида қўлланилиб келинган методологик ёндашувлар танқид қилинади. Натижада ушбу муаммоларни муайян бир намоёнда мисолида тадқиқ этадиган тадқиқотчилар, жумладан, синошунослар ҳам Европа олим-

ларининг Ибн Сино меросини ўрганишга бағишланган тадқиқотларини баҳолашда мазкур ҳукмрон мафкуравий талаб ва тамойилларга бўйсинишга мажбур эди.

Юртимиздаги синошунослар учун Европа олимларининг шу соҳага қўшган ҳиссасини очиб беришда М.М.Хайруллаевнинг Форобий меросини ўрганишга бағишлаган асарлари ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу асарларда муаллиф биринчилардан бўлиб Форобийнинг бой маънавий меросини Ғарбий Европа олимлари томонидан ўрганиш жараёнини махсус таҳлил этишга киришди<sup>2</sup>.

Олимнинг бу йўналишдаги яна бир муҳим хизмати шундан иборатки, у ўша даврда бизда ҳукм сурган назарий-методологик тамойилларга риоя қилишга мажбур бўлсада, Европа олимларининг форобийшунослик соҳасида эришган йирик ютуқлари ва қўшган ҳиссасини тан олган ва юқори баҳолаган. Бундай ижобий ёндашув, ўз навбатида, ўша замондаги шарқшуносликнинг бошқа соҳалари учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. М.Хайруллаев асарлари томонидан Европа олимларининг Ибн Сино меросини ўрганишга бағишланган махсус мақола ва чиқишларининг назарий-услубий йўналишини белгилашда катта рол ўйнади. Бунга Р.Носиров ҳамда А.Шариповнинг Ибн Синонинг илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларини тадқиқ этишга оид китобларидаги Европа синошунослари хизматларини махсус таърифлашга бағишланган бўлимлари ва алоҳида мақолаларини келтириш мумкин. Уларда муаллифлар ушбу муаммони М.Хайруллаев белгиллаган йўналишда ҳал қилишга интилганлар<sup>3</sup>.

Шўролар даврида юзага келган маълум ижтимоий-сиёсий ва маънавий силжишлар, ҳукмрон мафкуранинг умумий инқирози натижасида табиий ва ижтимоий фанлар, шунингдек, фалсафа тарихи фанида баъ-

<sup>2</sup> Қаранг: Хайруллаев М.М. Фараби в европейской буржуазной историко-философской литературе // Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. Т.: Фан, 1967. С.56-76.

<sup>3</sup> Қаранг: Насыров Р.Н. Прогрессивные идеи мыслителей раннесредневековой философии Средней Азии о связи чувства и мышления в познании и критика их фальсификаций // Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Т.: Фан, 1988. С.54-76; Шарипов А.Д. К критике буржуазных концепций мировоззрения Бируни // Общественные науки в Узбекистане... С.36-43; Яна: Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Т.: Узбекистан, 1972. С.44-52.

зи бир ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, фалсафий-тарихий тадқиқотларда умумий мафкуравий-методологик асослар сақланиб қолган бўлса ҳам, баъзи муҳим масалалар бўйича ўзбек олимлари ўз ташаббуси билан бу борада янгиликлар кирита бошлади. Шу билан бирга, замон тақозоси билан қарор топган назарий-услубий тамойиллар ва эски мафкура ҳукмронлиги зуғумига қарамасдан, Р.Носиров ва А.Шарипов ўз асарларида Ғарб олимларининг Ибн Сино дунёқараши, фалсафий қарашларини ёритишдаги катта хизматларини очиб беришга интильганини тан олиш керак. Буни юқорида зикр этилган Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи атрофида юзага келган ғоявий курашни таҳлил қилишга бағишланган китоб мисолида кўриш мумкин<sup>4</sup>.

Жаҳон фанида Европа синошунослигини тадқиқ этиш масаласи махсус таҳлил қилинмаган бўлса ҳам, унинг Ибн Сино илмий меросини ўрганиш, у ёки бу шаклда тадқиқ этишга бағишланган ҳар бир ишда кўпинча ушбу йўналишдаги аввалги ишларни, жумладан, Европа синошуносларининг хизматларини кўрсатишга интилиши кўзга ташланади. Шу билан бирга, бундай ишлар аллома меросининг нафақат маълум бир жиҳатини, балки унинг қатор соҳаларини ёритиб бериш мумкин. Бу, албатта, бизнинг илмий изланишларимиз учун муҳим аҳамият касб этган ҳолда, Европа синошунослигини ёритишнинг алоҳида бир шакли сифатида таърифланиши керак.

Ўша давр фалсафа тарихи фанида қўлланган назарий-услубий ёндашув баъзи вақтларда ҳатто мутафаккирнинг ўзи тарғиб этаётган, лекин тадқиқотчининг мавқеига тўғри келмайдиган ғояларнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш ва тескари талқин қилишни одатий ҳол деб билар эди. Мутафаккир илгари сурган фикрларда қандайдир пинҳона ички маъно борлигини баҳона қилиб, унга асл ҳақиқатга мутлақ зид бўлган қарашлар асосида нисбат берилар эди.

Натижада бундай зуғумдан “қаноти қайрилган” аксарият тадқиқотчилар ҳукмрон

<sup>4</sup> Қаранг: Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Т.: Фан, 1988. С.4.

мафкура билан мурасада бўлиш мақсадида янгидан-янги воситалар излашга мажбур бўлар эдилар, қўлга киритилган янги маълумотларни мафкура инжикликларига баҳоли қудрат яқинлаштиришга ҳаракат қилар, минг йиллик кўхна тарих ҳақиқатини янги тарихий давр руҳига мослаштиришларига тўғри келар эди. Лекин баъзи тадқиқотчилар бу талабдан илҳомланиб, ҳаддидан ошиб, “йўқдан бор, бордан йўқ” қилган ҳолда янгидан-янги “кашфиётлар”ни ихтиро қилар эдилар. Масалан, тенденциоз немис олими Г. Лей қатор асарларида, жумладан, ўзининг “Ўрта асрлар материализми тарихидан лавҳалар”<sup>5</sup> да ҳаддидан ошиб, Ибн Сино асарларида мутлақо ном-нишонаси бўлмаган материалистик ва атеистик тенденция-йўналишларни кашф этишга ўзининг куч-қувватини сарфлайди. Бундай ўхшатишлар оқибатида буюк аллома ўзлигини йўқотади, ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасидаги фарқ йўқликка юз тутади. Аслида бунга ўхшаш тадқиқотлар маънавий меросни ўрганишга путур еткази, тарихий ҳақиқатни сохталаштиради, аждодларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли яратилган табиий-илмий ва фалсафий тафаккур дурдоналаридан самарали фойдаланишга чек қўяди.

Шуни ҳам асло унутмаслик лозимки, натижада ҳозирга қадар Ибн Синога мансуб “Рисола-йэ азҳавия”, “Тадбир-э манзил” ва бошқа қатор асарларнинг қомусий аллома қаламига тааллуқли эканлигига шубҳа туғилади. Натижада адолат ва адолатсизлик, ҳақиқат ва сохталик ўртасидаги чегара бузилиб, илмни эгаллашга бўлган рағбат пировард натижада қуруқ сафсатага айланади.

Шунга биноан, собиқ шўролар давридаги берунийшунослар хорижий олимлар томонидан аллома илмий меросининг ислом дини ёки ҳукмрон коммунистик мафкурага зид бошқа ғоялар билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши билан ғайриилмийлик ва сохталаштиришда айбландилар. Хусусан, Европа олими Т.де Буурнинг<sup>6</sup> позитивистик руҳда

<sup>5</sup> Қаранг: Лей Г. Очерки истории средневекового материализма / Пер. с немецкого яз. М.: ИЛ, 1962. Яна қаранг: Ley G. Avicenna. Berlin, 1953; Atheismus – Materielismus – Politik. Berlin, 1978.

<sup>6</sup> Қаранг: De Boer T. Geschichte der Philosophie im Islam. Stuttgart, 1901. S.131.

тахлил қилиши нафақат ғайриилмийлик, балки синфий ғаразлик кўриниши сифатида баҳоланган. Бу фикрлар ҳам хукмрон, якка хоқим мафкура томонидан синфий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқадиган ёндашув сифатида айбланган. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Европа синошуносларининг тадқиқотларини тарихий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганишда куйидаги асосий назарий-услубий тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, мустабид-синфий мафкура таъсирида бўлган фан тарихини Европа синошунослигига қарши қаратилган ғайриилмий ва сохта жиҳатларини бартараф этиш; иккинчидан, Европа шарқшунослиги, хусусан, синошунослиги асосий босқичларининг хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиш ҳамда умумбашарий ва миллий қадриятларнинг мутаносиблиги, холисоналик, қиёсий таҳлил, тизимлилик, Шарқ ва Ғарб илм-фанининг ривожини чамбарчас боғлиқлик контекстида тадқиқ этиш давр талабидир. Буни собит қадам ила амалга ошириш ҳар бир тадқиқотчининг аждодлар олдидаги муқаддас бурчидир.

**Алишер САФАРОВ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспиранти.



## АБДУЛҚОДИР ГИЛОНИЙ ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ ҲАҚИДА

Истиқлол даврида антропология – инсонни фалсафий ўрганиш масаласига махсус эътибор берилди бошланди. Инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ кўпгина масалалар азалдан файласуфларни қизиқтирган. Тасаввуфнинг қодирия тариқати асосчиси Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номлари билан шуҳрат топган Абдулқодир Гилоний (1079–1166) нинг бир ғазалида ҳам инсон ва унинг ҳаётига доир қизиқарли мулоҳазалар келтирилган.

Инсон бошқа мавжудотлардан мукаммал ва мукаррам қилиб яратилгани билан ажралиб туради. Бироқ унинг шу мукаммаллиги асосини қайси мезон ташкил этади? Бу саволга турли даврдаги фалсафий таълимотлар турлича таъриф беради. Абдулқодир Гилонийнинг форсий “Девон”ида<sup>1</sup> инсоннинг ҳам ички, ҳам ташқи дунёсига мажоз услубида эътибор қаратилиб, инсоннинг бу дунёга келишидан мақсади ва ҳаётининг мазмуни нимадан иборатлигига доир ғазаллар талайгина. Жумладан, “Ҳар ки дар пеши” деб бошланувчи ғазал бунга мисол бўла олади. У Муҳйи тахаллуси билан ғазаллар ёзган.

*Ҳар ки дар пеши ту бар хок бимолд рухсор,  
Мулки кавнайн мусаххар будаи лайлу наҳор<sup>2</sup>.*

Мазмуни:

*Ҳар ким Сени олдинда тупроққа босди рухсор,  
Икки олам бўлди унга мусаххар<sup>3</sup> – лайлу наҳор.*

Демак, ушбу байтда инсон бу дунёга келганидан кейин ҳақиқатни билиши, ҳаққа боғланиши ва унгагина итоатда бўлишлиги уқтирилади. Бироқ инсон банда бўлиши, ҳаққа боғланиши учун даставвал ўзидаги кибру ҳаво ва манманликни фақру фано ва камтаринлик билан алмаштирилиши лозим.

Инсон ўз Ватани, ўз макони, ўз танасининг асли, киндик қони тўкилган тупроқни муқаддас билиб, юзини тупроққа босади, уни муқаддас билиб кўзларига суртиб улуғлайди. Бу – унинг асл диний ва дунёвий эътиқодидан келиб чиққан ҳолда ўз киндик қони тўкилган тупроққа садоқати рамзидир. Аслида бўйсунуш камтаринлик белгисидир.

<sup>1</sup> Ушбу асар тошбосма нусхада бўлиб, биз уни топиб, тўла таржима қилдик ва бир қисми ҳақида “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2004 йил 3-сонида маълумот бердик. Асарнинг ЎзР ФА хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёмалар фондида “Девони Муҳйи” номи билан 11 нусхаси мавжуд. Улар куйидаги рақамлар остида сақланмоқда: № 7321, № 3337, № 7015, № 3876, № 3393, № 1049, № 7498, № 682, № 676, № 5646, № 919, № 1044. Кейинги иктибослар “Девон”дан берилди.

<sup>2</sup> “Девон”, 34-ғазал. Тошбосма асарнинг 30-варағида жойлашган. Қолган мисралар ҳам шу ғазалдан олинган.

<sup>3</sup> Изох: эгалланган, қўлга киритилган, изми қўлга олинган.

Дигар он гар ба қадам бар ари күйи ту занад,  
Ман ба сар бар сари күйи у авам мажнунвор.

Мазмуни:

Хар ким агар Сен томон босиб келса оёқ билан,  
Мен бошим бирла борурман Сен томон мажнунвор.

Бу байтда ошиқ ўз ишқини бошқалар ишқидан нақадар зиёдалигини бош ва оёқ сўзларини карама-қарши күйиш орқали ифодалаган. Чунки оёқ билан бир жойга бориш одатий ҳол, бош билан бориш муболаға.

Кейинги байтда:

Салтанат гайри ту касро назад з-он, ки ба лутф,  
Ҳеч дайёр наналид з-ту дар ҳеч дайёр.

Мазмуни:

Лутф салтанати сендан ўзада бўлмас сира,  
Ҳеч нокас ўза бир нокаса нолимас зинҳор,

– дейилганда “Лутф салтанати” – бу латифлик макони, латифлик – кечиримлилик, раҳму шафқат, мурувватлилик демакдир. “Асмой Хусно”да бу латифлик сифатлари тўлиқ акс этган. Банда Яратгандан мудом шу марҳамат ва такаллуфга эришишни истаб, ундан умид қилади.

Хар ки шуд ошиқи дийдори ту, ў бишносад,  
Дўзах аз жаннат, шодӣ з-гаму, май з-хумор.

Мазмуни:

Хар ким дийдоринга ошиқ бўлди, танийдиким,  
Дўзахни жаннатдан, шодликни ғамдан, майни хумордан.

Маълумки, ишқи илоҳийга гирифтор бўлган ошиқнинг асл мақсад-муддаоси – бу ёрининг дийдорига эришишдир. Ошиқ қалб кўзи очилиб, у дўзахни жаннатдан, шодликни ғамдан, майни хумордан фарқлай олиши керак. Маълумки, табиат ва жамиятда ҳам карама-қарши жуфтлик қонуни мавжуд. Оқу қора, туну кун, яхши ёмон одамлар кўриб, қора олдида оқни, тун олдида кунни, ёмон олдида яхшини қадрлай олишлари керак. Шунга кўра жаннат бор, мавжуд бўлганидек дўзах ҳам мавжуддир. Шуни тушунган инсон жаннатий бўлишга ҳаракат қилади. Инсон ҳаётининг бир қисми шодлик бўлса, лекин шу шодликка эришиш уч баравар меҳнату машаққат, азоб уқубатни талаб этади. Мутафаккир айтмоқчики, жаннат – жуда юксак мукофот, унга эришиш учун кундалик турмуш шароитида шодлик ё ғамга гирифтор бўлганда унга боғланмасдан, маърифатни оширишга ҳаракат қилмоғи даркор.

Хар ки дар күйи харобот равад май нўшад,  
Боядаш гуфти масал дарди сару ранжу хумор.

Статья посвящена анализу одного из газелей Абдулкадира Гилани – основателя суфийского учения кадирия. В ней приведены слова из газели Гилани раскрывающие смысл человеческой жизни. Гилани считает повиновение Богу и поклонение ему смыслом человеческой жизни. Он говорит о необходимости предстать перед Богом покорно и возыметь надежду на его милости. Также в статье высказаны мнения о любви к Богу.

The article sheds light on the analysis of one of the ghazals of Abdulkadir Ghilani, the founder of the Sufi order of Kadiriya. Ghilani believes that worshipping to God is the essence of human life. He touches upon the necessity of devoting oneself to God and asking for His mercy. The author, in addition, mentions about the Ghilani's ideas calling for the love of God.

Мазмуни:

Хар ким харобот сари күйса қадам ичсин май,  
Шояд ундан кетса ранжу бош оғриги, хумор.

Харобот<sup>4</sup> – бу фоний оламдир. Банда бу дунёга келар экан, биринчи қадамидан ўзлигини англашга интилсин, яъни “ичсин май” деганда Яратгanning илму маърифатидан бахраманд бўлсин ва бу май воситасида ундан ранжу дард ва хумор йўқолади. Ўз-ўзидан унда бошқа ўтқинчи нарсаларга берилиш ҳисси ҳам йўқолади. Агар у шу ҳолга эришса, демак ранжу дардга йўлиқмайди.

Дийда бикуюшой, ки маҳбуби карим афтодаст,  
Менамояд ба ту ҳар дам з-камини ў дийдор.

Мазмуни:

Кўзингни оч, ки маҳбуби карим тушмоқда,  
Кўрсатар сенга ҳар дам ўз каминидан дийдор.

Инсонга берилган кўз аслида оламдаги моддий нарсаларни ҳис этиш аъзосидир, лекин ушбу мисрада “кўзингни оч” жумласида муаллиф ақл кўзини очиб, маҳбуб кудратини кўришга даъват этапти. Яъни шаҳодат оламига боқиб, Яратувчининг кудрати, карамини томоша қилгин.

Ошиқ он аст, ки сўзанд, диҳандаш барбод,  
Баски хокистари ў жўш кунад дарё бод.

Мазмуни:

Ошиқ улки куяди, борини айлаб барбод,  
Хокистари жўш урар гўёки дарёда шамол.

Ишқ дардига мубтало бўлган бандани Мансур каби куйдирсалар ҳам, кулини дарёга ташласалар, дарёни яна жўш урдиради. Бу ерда Мансур Ҳаллож зикрига ишора қилинмоқда.

Шаммаи күйи ту аз лутфи худо бар дар дайр,  
То, ки кофир бикуюшояд з-миёнаш зуннор.

Мазмуни:

Худонинг лутфидан дайр остонасида қадринг ул –  
Токи кофир белидан ечиб ташласин зуннор.

<sup>4</sup> Харобот – айнан: вайрона жой, мажозан майхона.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Ғавсул Аъзам” номли асарида Абдулқодир Гилонийнинг кароматлари зикр этилган. Бир ғайридин йигит пирни синаш учун унинг хузурига кирилади. Унинг юзига бокиб, виждон азобидан титраб кетади, белидаги зуннори узилиб, ерга тушади. Худонинг лутфи билан у тўғри йўлга қадам қўяди.

*Гўши ту кар шуд, эй хожа, вагарна бахудой,  
Мекунад бут бахудойи худовандо қарор.*

Мазмуни:

*Қулогинг том битибди, эй хожа, худонинг сўзига,  
Бермасин бут худойинг ўрнига худодилка қарор.*

Илм олишда дастлаб инсонда сезги, идрок ва тасаввур ҳосил бўлади, кейинчалик ақлий, иррационал даражада юксалади ва шу жараёнда сезги органларининг ҳам функциялари юксалади. Шунингдек, билишда кўриш, эшитишнинг ҳам ҳиссаси бўлса, қулоқ – инсоннинг ташқи олам таъсирини, овоз, куй, мусиқа, ахборот, хабар кабиларни қабул қилиш маркази саналади. Аслида қулоқ ҳам нур тўлқинлари орқали эшитиш қобилиятига эга<sup>5</sup>. Бу ўринда “Худонинг сўзи” – тўғри йўл кўрсатувчининг даъвати маъносига бўлса, банда “кар” бўлганлиги боис тўғрини нотўғридан фарқлай олмайди, бу зоҳиран кўриниб турган қулоқ эмас, балки қалб қулоғидир. Қалб қулоғининг фаолияти хусусида Гилоний шундай фикр билдиради: “Қалбнинг ҳам ўзига хос қулоғи бор. Аммо у билан тинглаб, эшитиладиган бу оламнинг моддий ва фоний нарсалари эмас. Улар олислардан келувчи – улуғ ва буюк қудратдан таралаётган сасларни тингламоққа ошиқдир. Бундай сас-садоларни эшитмасдан бирор хайрли иш бошини тута олажагингга ишонасанми?! Аввало, бунинг учун қалбингга тушган доғлардан покланишга диққат эт”<sup>6</sup>. Мана шу қулоқ кар бўлиши натижасида банда илоҳий маърифатдан бебахра қолади, натижада жонсиз нарсани муқаддас билиб, бутпараст бўлиб унга сиғинади.

*Ишқи Ҳақ меравад андар дили ҳар ошиқи зор,  
Бода андар рагу пай пеш надорад рафтор.*

Мазмуни:

*Ҳақ ишқи ҳар банданинг қалбидан ўрин топгай,  
Бода худди томиру пайдан ўрин топгандек.*

Бода инсоннинг томиру, пайдан ўрин топса – бу моддийлик, лекин ишқнинг қалбда пайдо бўлиши бу маънавиятдир. Инсон мана шу икки буюк қудратли кучдан ташкил топган экан, у мудом ўзини юксалтириш ва маърифатини оширишга интилади ва бу билан у нурла-

ниб, илоҳийлашиб боради. Балки шундан келиб чиқиб, дил ба ёр тамойили нақшбандияда маълум ва машҳур бўлган. Ҳазрат Мавлоно Румий ҳам инсоннинг буюк ва илоҳий эканлигини эътироф этган ҳолда “Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳийсиз, илоҳийсиз!” дея таъкидлаган.

*Дар ҳама мазҳабу миллат майи ишқ аст ҳалол,  
3-он ки бе ў натавон дид худоро дийдор.*

Мазмуни:

*Барча мазҳабу миллатда ишқ майи эрур ҳалол,  
Уни ичмай ҳеч киши топмагай Худодан дийдор.*

*Ҳамдами мо машав, эй Муҳйи, дар ин охири кор,  
Ин гуна гаштан овехтан аст бар сар дор.*

Мазмуни:

*Бу иш охирида бизга ҳамдам бўлмагин, эй Муҳйи,  
Бу ҳолатли кишининг бошин дорга қўймоқлиги бор.*

Тасаввуфда илоҳий ишққа шўнғиб, фоний ва боқий ҳолатларга етишда саҳв ва суқр, хушёрлик ва мастлик йўли бор. Қодирия ва нақшбандия йўллари хушёрлик йўлидир, улар “Машғуллик ила фориғлик”, “Даст ба кор дил ба ёр” шиорлари асосида зоҳиран халқ билан бир хил меҳнат қилишдир. Шунинг учун Муҳйи Ҳақ йўли охирида бошни дорга қўйиш эмас, эл ва юртга хизмат қилиш афзал деган ғояни илгари сурмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ушбу ғазал инсоннинг бу оламга келиши ва унинг ҳаёти мазмуни Яратувчига итоат қилиш эканини англатмоқда. Зеро, Гилоний ғазал ибтидосида инсоннинг энг муҳим фазилати ҳисобланган камтарлик ва хокисорликни улуғлаб, “юзни тупроққа босиш”, “бош эгик ҳолда” бориш мисолларида унинг тавбаларини қабул қилувчининг латиф сифатларини ва каримлигини таъкидлайди. Ҳар бир инсон ўзини англаб, ўзидаги имкониятларни билса, ҳаётда ўз ўрнини топиб, ўзига белгиланган вазифани адо этиб, ҳалол яшайди. Инсон ўзидаги имкониятларни тўғри сарф этса, шукроналик билан яшаса, хушёр ва огоҳ бўлади.

Иккинчидан, илоҳий ишқ инсонни маърифатли қилади. Даставвал зоҳирий билимларни эгаллаб, кейинчалик ботин илмига сазовор бўлади. Учинчидан, Абдулқодир Гилоний ҳар нарсада инсон меъёридан ортиқ нарсани тиламасин, бунинг оқибати нохуш бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Зеро, баркамол авлодни юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялашда инсоний фазилатлар билан бирга илм-маърифатни эгаллашга даъват этиш тасаввуфий таълимотларнинг бунёдкорлик характерини кўрсатувчи муҳим мезондир.

**Гуландом ЮНУСОВА**  
фалсафа фанлари номзоди.

<sup>5</sup> Изох: қулоқ – сезги аъзоси сифатида ҳиссий билиш босқичида иштирок этса, қалб қулоғи орқали эшитиш – бу иррационал билиш босқичи.

<sup>6</sup> Шайх Абдулқодир Гилоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Журабоев. Т.: Мовароуннаҳр, 2005. Б. 171.

## МАХДУМИ АЪЗАМ БАЁНИДАГИ ҚАЛБ БОРЛИГИ

Мутафаккирларимиз мудом қалб тушунчаси, уни тарбиялаш масалаларига эътибор бериб келганлар. Биз нақшбандиянинг назариётчиси Махдуми Аъзамнинг (1461–1542) қалб ва уни покизалиги масалаларига бағишланган “Миръот ус-сафо” – “Поклик кўзгуси” асари таҳлили асосида қалб моҳиятига доир баъзи фикрларимизни келтирмақчимиз.

Махдуми Аъзам инсон илоҳий борлиқ экани ва унинг моҳияти очилишида қалб асосий воситалигини кўрсатади. Махдуми Аъзам рисолаида Аллоҳ аввал олам ва Одамни яратгани, одам фарзандлари вужудига руҳини жойлаштиргани ҳамда бу қалб соҳиби Аллоҳнинг висолига етиш учун қалб ойнасини (миръотни) тоза тутиши тутиши тўғрисида сўз юритган.

*Дил мақоми Ҳақ, ашё буд,  
Гар Худо хоҳи, Худо он чо буд!*

Мазмуни:

*Дил шундай нарсаки, Худо учун макон,  
Гар уни қидирсанг, боргил ул томон.*

Мутасаввиф “Миръот ус-сафо” рисолаида “одамзод ўзида қанчалик яхши хусусиятларини намоён қилса, Аллоҳнинг иродасини рўёбга чиқараверади ва бу ишларни Аллоҳ кўзгуда кўргандек кузатиб туради”<sup>2</sup>, деб инсоннинг доимо пок ишларни қилиши, ҳаром нарсалардан сақланиши, энг асосийси унинг қалби, виждони тоза бўлиши ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Махдуми Аъзам ўз издошларига суфийларни сафо ва вафо аҳли деб, бу борада подшоҳ Убайдуллахон байтига юксак баҳо бериб, уни мисол ўрнида келтиради:

*Дар аҳли сафо нури сафо мебинам,  
Чун нури сафо меҳру вафо мебинам.  
То сохт аз аҳли басират моро,  
Дар ҳар чй назар қунам туро мебинам<sup>3</sup>.*

Мазмуни:

*Сафо аҳлида кўрдим нури сафони,  
Нури сафо эрмас меҳру вафони.  
Басиратлар аҳлидан лойимни қорди,  
Кўрарман ҳар нага боқсам Худони.*

Басират аҳли – қалб кўзи билан кўра оладиганлардир. Махдуми Аъзам: “Инсон кўнгил

кўзгусини ҳар қандай занг, ғуборлардан покиза қилса, ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида кўнгил кўзгусида тажаллий қилади”<sup>4</sup>, – деб таъкидлайди.

Шу билан бирга, мутасаввиф “мукамал инсоннинг қалб кўзгусида одиллик, илму-ҳикмат каби камолот сифатлари зоҳир бўлгандагина, у кўзгунинг софлигини сақлагандагина ва ҳар қандай ғуборлардан асрагандагина келгуси авлод учун муносиб инсон бўла олади”, деган ғояни илгари сурган.

Рисолада ёзиладики, Аллоҳ яширин хазина ва чексиз файз сифатида адам – йўқликда эди. Бу чексиз файзни қабул қила оладиган мавжудот йўқ эди. Ҳеч ким Аллоҳни таний олмасди.

Байт:

*Қобиле бояд, ки то аз Ҳақ қунад файзро қабул,  
3-он, ки мумкин нест, фоил бе манфаол<sup>5</sup>.*

Мазмуни:

*Шундай қобилиятли зот керакки, то у  
Аллоҳдан файзни қабул қила олсин.*

*Чунки фаолиятга қодир бўлмаган фоил  
мумкин эмас.*

Файз – Ҳақ таолодан етувчи бениҳоя, чексиз олий нур. Илоҳий файз, нурни қабул этиш учун шунга мос, уйғун илоҳий сифатли мавжудот лозим. Аллоҳ ўзининг зоти, бутун исми ва сифатларини инсон қалб кўзгусида зухур этди. Шуларнинг зухур қилиши миқдорича ҳар бир киши Аллоҳни танийди. Аллоҳнинг амри билан 18 минг олам ва одам яралди. Уни, яъни Аллоҳни таний оладиган хилқат шу оламда инсон қалбидир.

Маълум бўладики, Махдуми Аъзамнинг «Миръот ус-сафо» асари инсон қалби ҳақидадир. Рисолада қалб илоҳий пок нурлар кўзгуси, дейилган. Қалб тасаввуфдаги энг асосий тушунчалардан биридир. Ислолда қалб тушунчаси муҳимлигини унинг Қуръонда 133 марта тилга олинганлигидан ҳам билиш мумкин. Қалб Қуръон ва ҳадисларда диний ҳақиқатга етиш ва уни англаш аъзоси, имон макони ва таквонинг асоси сифатида баҳоланади.

Тасаввуф халққа ошкор бўла бошлаган вақтидаёқ «Қалб ва ниятлар ҳақидаги илм» сифатида танилди. Ҳасан Басрий бу борада илк ғояларини айтган. Қалбни тасаввуф аҳли турлича таърифлаганлар. Тустарий, Балхий, Нурий, Ҳаким Термизий каби суфийлар қалбни инсон вужудда яшириб

<sup>1</sup> Илѐсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 69.

<sup>2</sup> Хожагий Аҳмад Косоний. Миръоту-с-сафо. Қўлѐзма. 2 в.

<sup>3</sup> Илѐсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. Т.: Ўзбекистон. 1996. Б. 70.

<sup>4</sup> Миръоту-с-сафо. Қўлѐзма. 3 в.

<sup>5</sup> Миръоту-с-сафо. Қўлѐзма. 2 в.

*Данная статья посвящена вопросам, касающимся души и её чистоты, повествующимся в произведении «Миръат ус-сафа» («Зеркало чистоты») Махдуми Аъзама (1461–1542) – теоретика Накибандии. В ней Махдуми Аъзам описывает душу как зеркало божественных чистых лучей и отмечает, что если душевное зеркало будет чистым, то красота и величие Творца будет сиять в нём. Автор статьи обосновывает свои мысли приводя доводы и соображения Махдуми Аъзама о душе и её месте в совершенствовании человека.*

*The article is devoted to the issues of soul and its purity touched upon in the book Mir'at us-Safa (The Mirror of Purity) by Makhdumi A'zam (1461-1542) theoretician of Naqshbandi order. The author of the book describes the soul as a mirror of divine clean rays and maintains that the beauty and greatness of the Creator Almighty will beam in the soul if it is clean and unstained. The author proves this truth by giving reasons for the ideas of Makhdumi A'zam about the soul and its role in the development of a person.*

кўйилган, камалган илоҳий сир деб таърифлаганлар. У туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам устун мақомни эгаллайди. Қалбни «Арш», «илоҳий сирлар хазинаси», «Аллоҳни билиш воситаси», «илоҳий моҳиятни кўриш қувватига эга узв», «басират ал-қалб» – қалб кўзи деган таърифлар билан тилга олиб, изоҳланган.

Тасаввуф онтологияси қалб борлиғи, моҳиятини муҳокама этса, тасаввуф гносеологияси қалб билан қандай қилиб ҳақиқатни билиш мумкинлиги ва маърифатли бўлиши масаласини муҳокама этади. Қалбни қандай қилиб поклаш, юмшатиш, тозалаш, ғубор ва кирлардан холи қилиш ҳамда уни илоҳий, ладуний илмни қабул қилишга ҳозирлаш, Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишлар, нафс истакларидан қутулиш масалалари муҳокама этилади.

Тасаввуф гносеологияси ва психологиясида қалб тушунчаси зикр билан боғланган. Қалб зикри инсоннинг илоҳий сифатларни олишида кўмаклашади. «Қалб Аллоҳни жойлаштира оладиган ягона моҳиятдир»<sup>6</sup>, дейди тасаввуфшунос олим А.Кныш.

Ғаззолий «Иҳёу улумид-дин», «Охиратнома», «Мукошафат ул-қулуб», «Кимёи саодат» ва бошқа асарларида қалб масаласига махсус эътибор берган. У қалбга ҳам инсон танасининг бир қисми – юрак, ҳам ярим руҳоний

бўлган латиф моҳият сифатида баҳо беради. Қалб ўзида инсондаги жисмоний – қуйи, руҳоний – юкори қисмлардаги моҳиятларни бирлаштирган. Ғаззолий қалбни давлатдаги ҳукмдор билан тенглаштириб, у бутун бадандаги узвларни бошқаради, деган. Нафсоний истаклар қалбга қаршидир. Махдуми Аъзам қалбни илоҳий пок нурни, файзни қабул этувчи кўзгу деса, Ғаззолий инсон хулқ-атвори, ҳолати, фаолиятини акс этувчи кўзгу, дейди. Яхши амаллар қалбни поклайди, ёмон амаллар эса уни ифлослантиради, дейди.

Ибн Арабий “вахдат ул-вужуд” таълимоти асосида қалбни ягона вужуднинг иккита бир-бирига умуман қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи илоҳий, абсолют, трансцендентал ва жисмоний, моддий томонлари учрашадиган жойдир, дейди.

Махдуми Аъзам рисоласида инсон қалби Аршга ўхшатиш билан ва шу маънода қуйидаги байт келтирилган:

*Дил Арши азим ҳаст, Худоро бо иттифоқ,  
Он жост жои салтанат, он жост жои роз<sup>7</sup>.*

Мазмуни:

*Қалб азим Аршидир, Худо билан иттифоқда,  
Удир салтанат жойи, удир роз жойи.*

Яъни қалб Аллоҳ билан бўлса, уни таниса салтанат жойи бўлади, инсонни улуғлайди, шоҳликка етказиши. Қалб Аллоҳ билан роз айтиш жойидир.

Рисолада ёзилишича, «Бас, маълум шуд, ки қароргоҳи жойи бошиши он зоти шариф жуз дар дил зарроти олам намебудаст»<sup>8</sup>. Мазмуни: «Бас, маълум бўлдики, ул зотнинг бор бўлиш жойи, қароргоҳи юрак бўлиб, унда фақат У бор бўлади, оламдан бошқа бирор зарра ҳам бўлмайди».

Нақшбандия таълимотидаги ғояларни, хусусан «хилват дар анжуман» тамойилини давом эттирган Махдуми Аъзам бу ерда қалбни Аллоҳ хилватгоҳи, дейди. У Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрини давом эттирмоқда:

*Зи ғайрат хонаи дилро, зи ғайрат кардаам холи,  
Ки ғайратро намешояд, дар ин хилват саро будан.*

Мазмуни:

*Ғайрат қилиб қалб уйини ғайрдан (Аллоҳдан ўзгадан)  
бўшатдим,  
Чунки ўзга – ғайр бу хилват саройига муносиб эмас.*

Рисолада Махдуми Аъзам Ҳақ таоло ҳар бир кўнгилда унинг истездодига яра-

<sup>6</sup> Кныш А. / Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. С. 131.

<sup>7</sup> Миръоту-с-сафо. Қўлғезма. 2 в.

<sup>8</sup> Ўша манба. 2 в.

ша тажаллий этишини ёзиб, шундай байт келтиради:

*Ба қадри оинаи ҳусн, ту менамои рӯй,  
Дариг, ки оинаи мо низ каме дар занг аст<sup>9</sup>.*

Мазмуни:

*Ҳусн кўзгуси (қалб) имкониятига уйғун сен (Аллоҳ)  
юз кўрсатасан,  
Эссизки, бизнинг кўзгумизни (қалбимизни) бир озгина  
занги бор.*

Махдуми Аъзам пок зот бўлган Аллоҳни кўриш учун қалб ҳам шунга мос, уйғун покланган бўлиши лозим деб, ўз қалбида ҳали занг – ғубор, кир борлигини ёзади. Занг кўзгу юзидаги илоҳий Файз, нур инъикосига тўсиқдир. Бундай кир, ғубор тасаввуфий тилда ҳижоб – парда, тўсиқ деб айтилади. Хужвирийнинг «Кашф ул-махжуб» асари шу ҳижобларни очишга бағишланган. Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳдан ўзгага боғланишни энг асосий ҳижоб, дейди:

*Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили,  
Гар аз ин бандҳо бигзари восили<sup>10</sup>.*

Мазмуни:

*Боғланишлар ҳижобдир ҳосилсизсан,  
Шу бандларни уза олсанг восил бўласан (Аллоҳга  
етишасан).*

Мутасаввиф рисолада инсон Аллоҳнинг шу марҳаматига етишгани, уни таниш, маърифатли бўлиш имконияти мавжудлиги учун доимо шукр қилиши ва талабда бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

*Мавқибди Ҳуснат нагунжат дар замини осмон,  
Дар ҳарамии сийна ҳайронам, ки чун жо кардаи он<sup>11</sup>.*

Мазмуни:

*Сенинг (Аллоҳнинг) ҳуснинг бутун еру осмонга  
сигмайди,*

*Мен ҳайронманки, қандай Уни кўкрак ҳарамии, яъни  
қалбимизга жойлаштиргансан.*

Махдуми Аъзамнинг рисоласи таҳлиладан маълум бўладики, илоҳий борлиқдан яралган энг гўзал хилқат инсондир. Инсон борлигининг энг мукамал узви бу қалб, кўнгилдир. Қалбни илоҳий моҳиятни инъикос этадиган кўзгу десак, унинг оддий кўзгу билан қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, оддий кўзгу инсон қиёфасини, инчунин бошқа нарсаларни ҳам оддий, пассив инъикос этади. «Юзинг қийшиқ бўлса, кўзгудан

ўпкалама», деган мақол, сенда нима бўлса кўзгу фақат уни акс эттиради деган маънони англатади. Инсонлар дўстини кўзгуга қиёс этиб, уларнинг ўзларидаги нуқсонларни айтишини инобатга олганлар. Фалсафада ҳозирги кунгача онг юксак тараққий этган инсон миъясининг хоссаси бўлиб, борлиқни мураккаб, фаол акс эттириши тан олинган.

Инсон онги борлиқ, унинг маънавий жиҳатларини акс эттирса ҳам, унинг чек-чегараси, имкониятларининг охири бор. Фақат инсон қалбигина макон ва вақтдан ташқарида бўлган руҳий олам, илоҳийликни акс эттира олади. Шунинг учун ҳам фалсафий таълимотларимиздаги инъикос ва унинг даражалари масалаларига янгича кўз билан қараш лозим.

Қалбда инъикос этган илоҳий нур истиклол даврида маънавият деб таърифланган. «Маънавият инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир»<sup>12</sup> дейилган таърифларда асос бор. «Миллий маънавиятимиз асослари»да Нажмиддин Доянинг 1223 йилда ёзилган «Мирсод ул-ибод мин ал-мабдаъ илал-маод» асаридан бизнинг тадқиқотимиз мазмунига уйғун бўлган қуйидаги рубоий келтирилган:

*Мақсуди вужуди инсу жон оина аст,  
Манзури назар дар ду жаҳон оина аст.  
Дил ойнаи жамоли Шоханишоҳ аст,  
В-ин ҳар ду жаҳон гилофи он оина аст.*

Мазмуни:

*Инсон вужудидан мақсад кўзгудир,  
Икки жаҳонда назарга манзур, арзиғулик кўзгудир.  
Қалб Шоханишоҳ (Аллоҳ) жамолини акс эттирувчи  
кўзгудир,  
Бу икки жаҳон бу кўзгунинг гилофидир.*

Рубоийдан маълум бўладики, қалб борлиқ ҳақиқатини акс эттиради, лекин бунинг учун икки жаҳонга ҳам боғланмаслиги, балки ўзини поклаб, англаши лозим. Шунинг учун инсонга қуйидагича мурожаат қилинади:

*Эй, нухаи номаи илоҳи, ки туи,  
В-эй оинаи жамоли шоҳи, ки туи.  
Берун зи ту нест, ҳар чи дар олам ҳаст,  
Дар худ биталаб, ҳар он чи хоҳи, ки туи<sup>13</sup>.*

Мазмуни:

*Эй, илоҳий номанинг нухаси сенсан,  
Эй, Шоҳ (Аллоҳ) жамоли кўзгуси сенсан.*

<sup>9</sup> Ўша манба. 7 в.

<sup>10</sup> Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола-йе вужудия. 5 в.

<sup>11</sup> Миръоту-с-сафо. Қўлёзма. 10 в.

<sup>12</sup> Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. Т., 2001. Б. 35.

<sup>13</sup> Ўша манба. Б. 35.

*Оламдаги бор нарсалар сендан ташиқарида эмас,  
Ҳар неки истасанг, ўзингдан иста, барчаси сенсан.*

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам қуйидаги мисралари шу мазмундадир:

*Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен ўзингдан истагил.*

“Маснавийи маънавий”ни башариятга тухфа этган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг қуйидаги мисралари ҳам шу мазмунни англатади:

*Ани излашга ҳожат йўқ,  
Илоҳий – сиз, Илоҳий – сиз.*

Булардан маълум бўладики, инсоннинг бутун олам мавжудотларининг мукаррами, Аллоҳнинг ердаги ўринбосари сифатидаги қадрияти унинг қалб, кўнгил ҳолати даражасига боғлиқдир.

Хуллас, Махдуми Аъзамнинг “Миръот ус-сафо” рисоласи асосида қалб ва унинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида шундай хулосаларга келиш мумкин:

- қалб инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ва яралишидан мақсадни билишга ёрдам беради;
- қалб инсоннинг онтологик борлиғи ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштиради;
- қалб инсон гносеологияси – билиш, маърифатли бўлишга оид тушунчалар, билиш жараёни, қалб кўзгусидаги инъикоснинг даража ва мақоми масалалари ҳақида маълумотларимизни вужудга келтириб, шакллантиради;
- қалб инсоннинг аксиологик – қадрият нуқтаи назаридан қай даражада юксакдалигини аниқлашга асос бўлади.

“Миръот ус-сафо” рисоласи Махдуми Аъзамгача бўлган қалб ҳақидаги тасаввуфий тушунчаларга таянади ва улардаги ғояларни ривожлантиради. Зеро, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш жараёнида қалб феноменини яхшироқ ўрганиш ва унинг тарбиясига махсус эътибор бериш яхши самара беради.

**Гулчехра НАВРЎЗОВА**

БухОО ва ЕСТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
муdiri, фалсафа фанлари доктори

**Эркин ЗОИРОВ**

фалсафа фанлари номзоди.



## МАШРАБ ИЖОДИГА МУТАСАВВИФЛАР ТАЪСИРИ

Шарқ маънавий тафаккури, адабиёти анъаналарини XV асрда Алишер Навоий, XVI асрда Бобур, XVII–XVIII асрларда эса Бобораҳим Машраб давом эттирди. Тасаввуф ва ислом маънавияти тадрижий-тарихий давомийлиги Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё», «Увайс Қараний» ва бошқа шеърый асарларида ўз аксини топди.

«Нақшбандия» (ёки «Хожагон») тариқатининг энг йирик вакиллари ҳақида сўз кетганда Шайхуш-шуоҳ Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Аттор, мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам ҳамда Бобораҳим Машрабнинг пири Хожа Ҳидоятулло (Офокхожа) сингари бузруквор мутасаввиф донишмандларни эслатиб ўтиш ўринлидир.

Баҳоуддин Нақшбанддан кейин унинг таълимотини Хожа Аҳрор (1404–1490) давом эттирди. Ундан кейин эса 1515 йилдан бошлаб Хожа Аҳмад Косоний нақшбандия раҳнамоси бўлди. «Махдуми Аъзам» (Буюк махдум) фахрий номи билан машҳур бўлган тасаввуфнинг бу йирик намояндаси асли ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманидан бўлиб, тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Косонийдан кейин тасаввуфнинг йирик намояндаси ва машҳур авлиё Қашқарда яшаб ном чиқарган Офокхожа бўлган эди. Фарғона водийсида эса мулла Бозор охунд тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бўлган.

Бобораҳим Машраб мулла Бозор охунд ва Офокхожадан мукамал тасаввуфий таълим олди. Пирлар хизматини адо этиб, қийин, машаққатли синов йўллари босиб ўтиб, Ҳаққа етишди ва тасаввуфнинг йирик вакили сифатида ўз ғазаллари ва «Мабдаи нур», «Кимё» асарларида бу йўлни поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишнинг ягона воситаси деб тавсифлади.

Машраб бир шаҳарда муқим яшамади, балки шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, тасаввуфнинг буюк намояндаси сифатида шуҳрат қозонди. Ўз ғазалларида бу таълимотни халқ орасида кенг тарғиб қилди.

Ҳар бир Аллоҳ маърифатига эришган комил, ориф инсонларнинг камолот даражаларига етишишларида Қуръони карим, Ҳадиси шариф ҳамда мукаммал устозларнинг тарбиялари, айниқса, уларнинг ҳаёт тарзлари, йўллари қанчалик аҳамиятга эга бўлса, булар Машраб ҳаётида ҳам шунчалик аҳамият касб этди.

Бугун бизнинг қўлимизда тарихчи олим Омонбек Жалилов томонидан тайёрланган «Офокхожа маноқиб»<sup>1</sup> номли қимматли асар мавжуд. Айтиш керакки, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижодига мутасаввифлар таъсири мавзусини ёритишда унинг устози Офокхожа ижтимоий фаолияти, унинг ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот бериш долзарб вазифадир. Шу ўринда шўролар тузуми даврида Офокхожа шахсияти, у билан Машраб ўртасидаги муносабатлар ўта салбий даражада сохталаштирилганини, сунъий тўқималар орқали акс эттирилганини таъкидлашни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Офокхожа шахсияти ва у муборак зотнинг авлодлари фаолиятига урғу беришимизнинг сабаби шундаки, биз тадқиқ этиб, ҳаёти ва ижодини ўрганаётган Машраб аввало, тасаввуф таълимоти моҳиятини Офокхожадан ўрганди, сўнгра ҳазрат йирик мутасаввиф бўлиб, у кишининг тасаввуф мактаби Машраб ва унга ўхшаган мутасаввифларни етказиб берди. Буни мурид ўз ижодида кўп таъкидлаган ва пирига бўлган эҳтиромини изҳор қилган.

Машраб маноқибларидан маълумки, у Офокхожа даргоҳида етти йил синов ва чиниқиш жараёнини бошидан кечирган. Хожанинг чин муҳаббатини қозонган. Бобораҳим Машраб суфийлик таълимини такомиллаштириш учун 22 ёшида Офокхожа эшон даргоҳига келар экан, у

*В статье идёт речь о влиянии суфиев на творчество Бабарахима Машираба – крупного представителя суфийской поэзии. В ней даны сведения о том, что Машраб учился у наставников – мурлы Базар ахунда и Афакходжа, впоследствии стал великим суфием. Поэт вспоминал о них многократно в своём творчестве и оказал почтение им.*

*Также в статье говорится о влиянии произведений тюркских и персидских поэтов – суфиев на творчество Машираба. Его вдохновляли их учение и идеи, которые впоследствии поэт развил.*

*The article casts light on the influence of Sufis over the work of Babarakhim Mashrab, an outstanding representative of Sufi poetry. The article says that Mashrab was taught by mulla Bazar Akhund and Afakkhodja who assisted him in becoming a great Sufi leader. The poet, for this reason, repeatedly mentions their names in his books holding them in the highest respect.*

*What is more, Mashrab was much influenced and inspired by the works and teachings of Turkic and Persian Sufi poets.*

назарий жихатдан ғоятда етук суфий эди. Офокхожа эшон Бобораҳим Машраб билан биринчи бор учрашгандаёқ уни синаш учун Ҳофиз Шерозийдан бирор нарса ўқишни буюради. Машраб Ҳофизнинг суфиёна шеърларини шундай ёниб айта бошлайдики, Офокхожа чидаёлмай, қўлларини кўтариб:

«Ҳой, бас... Агар мундин зиёда ўқисанг куюб кетурман»<sup>2</sup>, деб нидо қилади. Хожа Машрабнинг ўз шеърларини ҳам завқ билан тинглайди, дуо қилиб елкаларига қоқади. Офокхожа назарида Машраб Ҳақ висолига етиш бўсағасида турган комил толиб эди. Лекин пир унда руҳоний дунёдан пастга тортиб турувчи кўз илғамас ипларни ҳам кўради. Шу тариқа уни етти йил парвариш-лаб, камолга етказилади.

Офокхожа ва унинг фарзандлари Бобораҳим Машрабга катта ҳурмат ва муҳаббат назари билан қараганлар. Маш-

<sup>1</sup> Жалилов О. Офокхожа маноқиб. Андижон, «Ҳаёт» нашриёти, 2001. Б.7.

<sup>2</sup> Девони Машраб. Тошбосма. Т., 1900. Б.11.

раб ҳам бу хонадонга қалбини боғлаб, пиринг хоки пойларини кўзларига тўтиё қилиб яшаган, шоир ўз пирини йўлдан озганларга раҳнамо деб билган. Бу ҳол унинг «Амри пир» мухаммасида акс этган:

*Бора-бора пир сани охир Худога еткурур,  
Хизматини яхши қилсанг, муддаога еткурур.*

Машраб бўйича тадқиқот олиб бораётган Дилором Ҳамроева шоир ҳақидаги тадқиқотларидан бирини «Машраб ҳақида афсона ва ҳақиқатлар» деб номлаган. Мазкур мақолада у Машрабнинг биринчи устози мулло Бозор охунд ва Офоқхожа ҳақида ўзига хос фикрлаб, шоир ҳар икки устозини ҳам эҳтиром билан шеърларида тилга олганини, уларнинг маънавий устоз ва пиру муршид эканини, чунки у руҳоният киши эканини таъкидлаб, шундай фикрларни берган: Машраб ўзбек мумтоз шеърятининг энг ёрқин намояндаларидан бири. Шоир ижодининг тараққий этишида адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий давр, хусусан, устозларининг ўрни бекиёс. У илк сабоқни кимдан олгани маълум эмас. Фақат манқабаларда етти ёшда мактабга боргани, ўн беш ёшдан бошлаб эса мулло Бозор охунд қўлида таҳсил олгани ёзилади. Мулло Бозор охунд ўз даврининг эътиборли кишиларидан бўлган. Замондошлари уни девонажон лақаби билан улуғлайдилар. Уни Машраб шундай таърифлаган:

*Маърифатнинг гулзори Мулло Бозор девона,  
Ошиқларнинг сардори Мулло Бозор девона.*

*Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур  
Бухорода ул машҳур, Мулло Бозор девона.*

*Машраб ўзи девона, ишқ ўтига парвона,  
Йўл юродур сарсона, Мулло Бозор девона.*

Демак, у соҳибҳол ва мажзуб киши бўлган. Бу далил Машраб ҳаётини ўрганишимизда катта аҳамиятга эга. Чунки Машраб қиссаларида айтилганидек, мулло Бозор охундни танигунга қадар «авлиёи модаризод», «масти мустағрик» бўлмаган. Унда ҳозиржавоблик, ўткир мушоҳада, зеҳн

ва ўзига хос бир кайфият бўлганлиги табиий. Бироқ Машраб сулукдан жазбага етган. Яъни, аввал солиқ, сўнгра мажзуб бўлган. Айримларда эса аввал жазба ғалаба қилган. Улар шундан сўнг сулукка кирганлар. Албатта, жазба Ҳақнинг ўз севган бандасига эҳсон. Аммо пир шу йўл билан муридани тарбия этиши мумкин. Машраб бу вақтнинг ўзида сулук ва жазбадан тарбия топган. Ундаги бу хислатни кўрган Мулло Бозор охунд уни Қашқарга йўллади.

Машраб Ўшдан чиқиб, Қашқарга равона бўлди. Неча кун ташна, оч юриб довонга етди. Чарчаб, пирларининг ҳақиға бу муножотни ўқиди:

*Хоҳ ямону яхши ман, Тангрига хаста бандаман,  
Тақдирига танам қўйуб, ё қаламим десаммукин.*

*Йўл уза келди Маширабинг, қўл узат эй Офоқ хожам,  
Ман киму Ҳаққа етмагим ёки пирим десаммукин.*

Бобораҳим Машраб дастлабки таълимни асли наманганлик, Бухорода таҳсил олиб қайтган мулло Бозор охунддан олган бўлсада, бироқ ҳирқани қашқарлик ҳазрат Офоқхожа ҳузурда кийган. «Қиссаи Машраб»да шундай дейилади: “Дунёда икки Офоқ ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, яна бирлари Офоқхожамдурлар”.

Офоқхожа Махдуми Аъзамнинг чевараси эди. Офоқхожанинг тасаввуф адабиётига қўшган ҳиссаси катта. У киши зикри самонинг хуфия тариқасига мансуб эди.

Машраб «Мабдаи нур»да ўзидан аввал бутун мусулмон мамлакатларида ўтган машҳур мутасаввиф, авлиё, пир-муршидлар номини фахр билан тилга олади, уларнинг йўлини ҳақ йўл деб билади, фикрларини тарғиб ва ташвиқ қилади. У ислом оламида машҳур бўлган Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абдуқодир Гилоний, Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Хожа Ансорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби машҳур мутасаввифларни зўр ҳурмат билан хотирлайди.

Машойихлар ўзларини пайғамбарларнинг маънавий меросхўрлари деб ҳисоблайдилар. Машрабнинг пири Офокхожа тасаввуф мактаби ана шундай меросхўрларни – Машраб каби «кутбул-ақтоб»ларни етказиб берди ва улар юқорида номлари зикр этилган мутасаввифларнинг тасаввуфий қарашлари Шарқ оламида ёйилишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таълимотлари энди башарият мулкига айланиб бормоқда.

Ж.Юсупов Машраб шеъриятининг такомлида туркий ва форсийзабон мутафаккирларнинг таъсири катта эканини, шунингдек, у улуғ мутасаввиф ижодкорларга эргашганини, хусусан унинг шеърияти Ҳофиз шеъриятига уйғунлигини таъкидлаган: Бобораҳим Машрабнинг шеърият борасида туркий ва форсийзабон халқлар орасида маълум ва машҳур мақомга эришишларида ўтмиш ва замондош ижод аҳлининг адабий таъсирлари катта бўлган. Машрабнинг шеъриятдаги такомлида Аҳмад Ясавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Саййид Имомиддин Насимий, Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Машриқий, Мирзо Бедил, Сўфи Аллоҳёр каби шоирлар муаллими соний – иккинчи муаллим вазифасини ўтаганлар. Машраб шеъриятида бу буюк мутафаккирларга эргашиб, уларнинг ғазалиётларидан таъсирланиш натижасида юзага келган татаббўълар, назиралар жуда кўп учрайди.

Машрабнинг форсийда ёзган ғазаллари услуб ва бадий жихатлари билан Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий шеърларига яқин туради. Айниқса, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасаввуф ва инсон» номли китобларида қайд этганларидек, Машрабнинг форсийда ёзган ғазаллари мазмунан ва тилининг равлонлиги ҳамда ўйноқилиги билан Ҳофиз шеъриятини эслатади.

Машраб жуда кўплаб ошиқона ғазалларида Мансур Ҳаллож тимсоли-

ни гавдалантирган. Бу шоирнинг Мансур Ҳалложга бўлган ҳурмати, эътиқоди ва муҳаббатининг ниҳоятда кучли эканини кўрсатади:

*Минг шукр Худойимга Мансурга қўшулдим мен,  
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдургон.*

Лирик қаҳрамоннинг Мансурга қўшилиши ўша ошиқнинг Ҳаллож етган руҳий мақомига – камолатга етишиши эди, «аналҳақ» лафзини айтган пайтда, Мансур Худога қўшилган эди. Мансурга қўшилиш «аналҳақ»лик мақомига етиш, Аллоҳнинг руҳий вужудига сингишдир.

Мансурга қўшилган ошиқ ажалдан чўчимайди. Аксинча, уни шоду хуррамлик билан кутиб олади. Чунки ажал ваҳдатул-вужудни рўёбга чиқарувчи восита.

Машраб таълимот ғояларини куйловчи шоиргина эмас, аксинча, у таълимот ғоялари билан қуролланган ҳолда, Мансур Ҳаллож босиб ўтган долғали ишқ йўлини фидоийлик билан босиб ўтган ошиқдир. Ҳатто, уларнинг қисматлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Шу маънода, Машрабни Мансур Ҳалложнинг маслакдоши, издоши деб аташ мумкин<sup>3</sup>.

Абдурауф Фитрат Машрабнинг форсий шеърларида бедилона таъсир борлигини, Бедил Ҳиндистонда яшаб ижод этгани ҳолда Машрабнинг ундан илҳомлангани, сўнгра Румий ижодиёти уни ўзига мафтун қилганлигини қайд этган: “Машрабнинг шеърларида, айнуқса, форсий шеърларида Бедилнинг таъсири кўринадир. Бедил Машраб билан замондош бўлиб, ундан ўн йил сўнгра Ҳиндустонда ўлгон. Машраб Ҳиндустонга борғонда Бедил билан кўришдимми ё Бедилнинг шеърлари ўз хаётлик вақтида Ўрта Осиёга келиб, мундағи шоирларга таъсир қиларлик даражада машҳур бўлганми? Бу ҳақда қатъий бир нарса айтмоқ шу чоғда менга мумкин бўлмади.

Машраб ўзидан бурунғи ва муосир бўлган бир кўб мутасаввиф шоирларимиз

<sup>3</sup> Ўша манба. Б. 154.

каби ҳаяжонсиз шоирлардан эмас. Унинг шеърларида ҳар вақт кучли бир ҳаяжонни кўриб бориш мумкин. У кўбрак Жалолиддин Румийдаги суфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс эттиришга тиришадир<sup>24</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бобораҳим Машраб ижодига Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий ва Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож ва Саид Имомиддин Насимий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Лутфий ва Жомий, Фузулий ва Навоий, Мушфиқий ва Мирзо Бедил, Сўфи Аллоҳёр ва бошқа жуда кўплаб суфий мутафаккирлар таъсир этди. Машраб улар қолдирган ижод намуналаридан баҳраманд бўлди, улар илгари сурган таълимот ва ғоялардан илҳом олди, уларни ривожлантиришга ҳисса қўшди. У мутасаввифлардан Жалолиддин Румийга яқин бўлди, айниқса, пири комили Офокхожа илмига, унинг ўғит ва насиҳатларига риоя қилди, шеърларида уларни эътироф этди. Шу тариқа Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос беназир ва бетакрор бир мактаб яратди.

**Мўмин ҲОШИМХОНОВ**

фалсафа фанлари номзоди.



## МУҲАММАД АБДУЛҲАЙ АЛ-ЛАКНАВИЙ АСАРЛАРИ ХУСУСИДА

Йирик тарихчи Абдулҳай ал-Лакнавийнинг «ал-Фавоид ал-бахийя фи тарожум ал-ҳанафия» («Ҳанафий уламолари таржимаи ҳолларидан ёрқин фойдалар») номли асари ўрта асрларда фаолият кўрсатган алломаларимиз ҳақида маълумот берадиган муҳим манбалардан бири саналади.

Абдулҳай ал-Лакнавий, ўз навбатида, Мавло Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий (ваф. 990/1582)нинг *كتائب اعلام الاخيار من فقهاء مذهب النعمان المختار* «Катоиб аълам ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ал-Ну‘ъмон ал-мухтор» асарини мухтасар шаклга келтириб<sup>1</sup>, айрим ўринларда эса унга муайян қўшимчалар киритгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Одатда, бундай қўшимчалар киритишдан олдин «قال الجامع إن» (ал-Жоми‘ дейдики) ибораси қўйилган.

«Ал-Фавоид ал-бахийя» асари муқаддима (1–24-б.) ва икки рисоладан таркиб топган: биринчи рисола «التعليقات السنية» («ал-Таълиқот ал-сунния») – «Сунний изоҳлар», иккинчи рисола эса «طرب الامائل بتراجم الافاضل» («Тарабул-амосил битарожуми-л-афозил») – «Фозил олимларнинг таржимаи ҳолидан қувончли намуналар» деб номланган. Мазкур асардаги биринчи рисола (24–422-б.)да Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан турли мазҳабга мансуб бир юз саксон нафар олимнинг таржимаи ҳоли ва асарларининг қисқача мазмуни баён этилгани катта аҳамият касб этади. Иккинчи рисола (425–573-б.) эса, Мовароуннаҳрдан ташқари бошқа ўлкалардан етишиб чиққан икки юз ўттиз нафарга яқин уламнинг таржимаи ҳоллари ва ўша даврда машҳур бўлган асарларини шарҳлашга бағишланган.

Муаллиф ҳақида шуни ҳам таъкидлаш керакки, Абдулҳай ўз даврида танилган катта олим, муҳаддис, фақиҳ ҳамда мутакаллим имомдир. Ал-Лакнавий (1847–1886) атиги ўттиз тўққиз йил умр кўришига қарамасдан, шу қисқа ҳаёти давомида бир юз йигирмата асар ёзиб қолдирган ғоятда сермахсул ижодкордир. «Шарҳ Муатто Малик» асарида қайд этилишича, шундан саксон олтитаси араб тилида бўлиб, сарф илмига оид ет-

<sup>24</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Т.: Ёзувчи, 1997. Б. 98.

<sup>1</sup> СВР АН УЗССР. I том. № 311. № 91/ III.

тита, наҳв илмига оид иккита, мантиқ ва ҳикматга оид йигирмата, мунозара илмига оид иккита, тарихга оид ўн бешта, фикҳ ва ҳадис илмига оид ўттиз тўққизта асари илмий манбаларда қайд этилган. Бинобарин, «ал-Фавоид ал-бахийя» асари Лакнавийнинг йирик таснифотлари сирасига киради. Мазкур асар мовароуннаҳрлик кўплаб фақиҳлар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар келтириш билан қимматлидир. Ҳиндистондаги «Алигарҳ» номли университет кутубхонасида (араб тилида 1071 ва форс тилида 1870 китоб) «Субтаҳ» университетига араб тили ўқитувчиларидан Мавлоно аш-Шайх Муҳаммад Аюб ва Нажлаҳ, Муҳаммад Маҳдий Аюблар Абдулхай Лакнавий қаламига мансуб китобларни ҳада қилганлар<sup>2</sup>.

Абдулхай ал-Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-бахийя фи тарожум ал-ҳанафия” (الفوائد البهية في تراجم الحنفية) асари Мовароуннаҳр тарихи, унда яшаб ижод этган фақиҳлар, олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берилгани билан эътиборни тортади<sup>3</sup>. Бу асарда X–XV асрда яшаган мовароуннаҳрлик бир юз саксонга яқин фақиҳларнинг ҳаёти ва уларнинг асарлари ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин ва унда Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) фақиҳлари алоҳида ўрин тутди. X–XII асрлар давомида Яқин Шарқ мамлакатларида шиалик тазйиқи остида сўниб борган ҳанафий марказларини Салжуқийлар, Усманийлар императорлиги даврида айнан Мовароуннаҳр ҳанафий уламолари қайтадан тикладилар ва ўзлари барча янги марказлар учун устозлар бўлиб қолдилар.

Алломанинг меросида сақланиб қолган асарлар турли мавзуларни қамраб олгани билан ажралиб туради. Абдулхай ал-Лакнавий “Умдат ар-риоя” асарида Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича никоҳ масаласига алоҳида тўхталади. Айниқса, бу асарда уйланиш ҳукми бир неча хил бўлиши келтирилади<sup>4</sup>: Аллома қайси

<sup>2</sup> Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. «Ўнта тўла саволларга яхши жавоблар». Учинчи нашр. Ҳалаб. Мактаб ал-матбуот ал-исламия, 1414. Б. 12–16.

<sup>3</sup> Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-бахийя фи таражими ал-ҳанафийя (Ҳанафий уламолари таржимаи ҳолларидаги ёрқин фойдалар)/ Аҳмад аз-Заъбий таҳрири остиди. Биринчи нашр. Байрут-Ливан.: Дар ал-арком б. аби ал-арком, 1998. Б. 2. (Оғирлиги – 1126 грамм. Ўлчами-24x17). Янги нашри 2006 й. октябрь ойида чоп этилган. Қаранг: Интернет. Дар ал-калам ва дар ал-арком. 25.03.2009. Арабские рукописи Института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог. Под редакцией А. Б. Халидова. Часть 2. Указатели и Приложение. М.: Наука, 1986. 4914-15, 9803. С. 114. Қаранг: Интернет. <http://www.teptar.com/2179-muhammad.html>. Ал-Лакнавийнинг қўлёзмалари Санкт-Петербург Шарқшунослик факультетининг кутубхонасида сақланмоқда.

<sup>4</sup> Умдат ар-риоя, 2-жилд. Лакнау: Ассахул матоби’ҳ матба’аси, 1327/1909. Б. 4.

*В статье приводятся сведения о богатом научном наследии Абдулхая ал-Лакнавий. В частности, описаны его взгляды, отраженные в таких произведениях, как «Умдат ар-риоя», «Хидоя» и «Тарвих ал-жанон». А также в статье говорится о его книгах «Ал-Фавоид ал-бахийя фи тарожум ал-ҳанафия» и «Муқаддимат ал-жомий ас-сағир ал-мусаллат бин-нафъ ал-кабир».*

*Автор статьи отмечает большое значение творчества Лакнави в глубоком изучении научно-духовного наследия нашего народа.*

*The article provides information on the rich heritage of Abdulkhay al-Lucknawi. The author, in particular, elucidates the scholar's views that reflect in the works like “Umdat-ar-Riaya”, “Hidaya”, and “Tarvikh al-Janani”. Moreover, a reader can find some facts about the scholar's books “Al Favo'id al-Bahiyya fi tarajum al-hanafiya” and “Muqaddamat al-jami as-sag'ir al-musallat bin-nafi al-kabir”.*

*The author maintains that the study of Lucknawi's legacy has a lot to do with the scientifically-spiritual heritage of our nation.*

вақтда эркак кишига уйланиш вожиб, суннати муаккада, макруҳ ва мубоҳ бўлиш ҳолатларини фикҳий далиллар асосида батафсил тушунтириб беради.

Ал-Лакнавий «Хидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобеъинларнинг исмлари эллиқдан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номи ўн иккита, жўғрофий ва тарихий жойлар номи эллиқ бешта эканини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталади. Шунингдек, тўқсондан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобалар ва муҳаддисларнинг номлари ва уларга тегишли бўлган кўпгина маълумотлар ҳам бу асарнинг қадрини оширади.

Ал-Лакнавий “Тарвих ал-жанон би ташрих ҳукм ад-духхон” (“Тамаки ҳукми шарҳи бўйича дил роҳати”) асарида кўпчилик билишни хоҳлайдиган тамаки чекишга оид бевосита далиллар бўлмаса ҳам, балки билвосита далиллар борлигини таъкидлаб ўтади<sup>5</sup>. Аллома фикрига кўра тамаки чекиш инсон соғлиғи учун зарар бўлиб, чекиш ҳаром бўлмаган тақдирда ҳам макруҳ (танзихия) деган ҳукмни илгари сурилган.

Абдулхай ал-Лакнавий “Муқаддимат ал-жамий ас-сағир ал-мусаммат бин-нафъ ал-кабир” (“Кичик жомеъни мутолаа қилувчига катта фойда”) асарида ҳанафия фикҳига

<sup>5</sup> Ал-Лакнавий. Тамаки ҳукми шарҳи бўйича дил роҳати. Лакнау: Ассахул матоби’ҳ матба’аси, 1328/1908. Б. 52.

доир китобларнинг даражалари ва улардан қайсилари аҳамиятли ва қадрли эканини кўрсатиб ўтади<sup>6</sup>.

Абдулҳай ал-Лакнавийнинг “Жароҳат ва ҳукмни енгиллатишга оид китобга тўлдириш” (ҳадис илмига оид асар) асарини ёзишига ўзига замондош олиму фозилларнинг фақатгина ҳадис матнига эътибор қилиб, унинг санадига етарлича аҳамият бермаганлари туртки бўлган. Бунга сабаб жарҳ ва таъдил масалаларида етарли илмга эга бўлмаганларидир. Ўша даврдаги қанча фозиллар саҳиҳ иснодларни жарҳ қилиб, олимлардан қанчаси заиф иснодларни саҳиҳ деб фатво бердилар. Чунки улар бу борадаги Ҳофиз ал-Мизийнинг “Таҳзиб ал-камол”, аз-Заҳабийнинг “Мезон ал-иътидол”, “Таҳзиб ат-таҳзиб”, “Тақриб ат-таҳзил”, “ал-Муғний” ва Ибн Адийнинг “Комил” ва “Лисон ал-мизон” каби айрим асарларига енгил ва юзаки қарашиб, бу илмнинг нозик ва дақиқ жойларини эътибордан четда қолдирдилар. Бу ҳаммаси жарҳ-таъдил имомлари қўллаган истилоҳлар моҳиятини етарли қадар англамасликдан келиб чиқди. Ал-Лакнавий айнан шу мавзуга бағишлаб бир рисола ёзишга қарор қилади ва унда бу илмга оид барча зарур масалаларни қамраб олишга интилади.

Абдулҳай ал-Лакнавий асарларида келтирилган кўпгина фикҳий масалалар ўз даврида баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани учун унга алоҳида эътибор қаратилиб, тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абдулҳай Лакнавий «ал-Фавоид ал-баҳийа»да келтирилган асарлари илмий-маънавий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганишда Мовароуннаҳр олимларининг фикҳ ва ҳадис илмларида тутган мавқе ва ўринларини аниқлашга хизмат қилади.

**Сагидулла ЖАМАЛОВ**

Тошкент ислом университети тадқиқотчиси.



<sup>6</sup> Ал-Лакнавий. Муқаддимат ал-жамъ ас-сағир ал-мусаммат бин-нафъ ал-кабир. Лакнау: Ассаҳул матобий матбааси, 1328/1910. Б. 34.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ – ФАҚИХ ВА ШОИР

Ғафур Ғулом Марғилон ва Фарғона шаҳарларига ажойиб бир бағишлов ёзган бўлиб, у “Ассалом, эй шаҳри Сим, баҳри муҳаббат Марғилон” сатрлари билан бошланади. Саҳий ва дилкаш, нозиктаъб ва меҳмоннавоз инсонлар маскани Марғилон шаҳрини шоир бежиз “муҳаббат денгизи” деб таърифламаган. Ғўзал миллий урф-одатларимиз, умрбоқий маънавий кадриятларимизни авайлаб-асраб, янада камол топтириб келаётган, саноати, хунармандчилиги ва санъати билан машҳур бўлган бу мўъжаз шаҳардан улуғ уламолар ва фузалолар етишиб чиққан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган тантанада шундай деган эдилар: “Марғилон заминининг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, ширинсўз ва муомала, одоб-ахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади. Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади”<sup>1</sup>.

Тарихга назар солсак, Марғилонда нақшбандия ва кодирия тариқатлари пирлари маънавий-адабий муҳитнинг шаклланиб, камол топишига сезиларли ҳисса қўшганлигига гувоҳ бўламиз. Жаҳон отин Увайсий, Файзий Марғиноний каби катта шоирлардан сўнг яна бир улуғ шоир пайдо бўлди. Бу зот Хожажон хожа Низомиддин хожа ўғли Рожий Марғинонийдир.

Хожажон хожа 1834 йили Марғилон шаҳрида таваллуд топди. Дастлаб она шаҳрида таълим олган бўлажак шоир ва жамоат арбоби Қўқон, Андижон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, етук фақиҳ олим, тариқат билимдони ва шоир бўлиб етишди.

Рожий Марғиноний хаётининг 42 йили Қўқон хонлиги даврига, яна 42 йили эса чо-

<sup>1</sup> Каримов И. Асарлар. 16-жилд. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2008. Б. 68.

изменения в национальную экономику. Глобализация, с одной стороны, поставила под прессинг национальную экономику, как бы проверила на выживаемость, с другой, повлияла на выборе задач по дальнейшему развитию приоритетных отраслей и диверсификации экономики страны.

Сознавая важность поставленных задач по реформированию народно-хозяйственного комплекса и роль интеграционных процессов, руководство республики с первых лет независимости придавало особое значение кооперированию с мировой экономикой. В этих целях уже с 1992 г. в Узбекистане принимались и совершенствовались законы «Об иностранных инвестициях» и «О гарантиях иностранным инвесторам».

В построении модели своего развития при решении вопроса о привлечении иностранных инвестиций и внешних заимствований Узбекистан, в отличие от некоторых соседних государств, изначально придерживался принципа отказа от краткосрочных спекулятивных кредитов, и не допустил распродажу собственных богатств и экономического потенциала. Предоставляя преференции для зарубежных инвесторов, привлекая их инвестиции на выгодных условиях, государство использовало их в основном, в реальном секторе экономики (например, под такие крупные проекты как СП «UZDAEWOAvto», нефтеперерабатывающее предприятие в Бухарской области и многие др.). Продуманная внешнеэкономическая стратегия оправдала себя при нынешнем, протекающем с большими осложнениями мировом кризисе, когда многие страны мира (особенно развивающиеся) попали в уязвимое и сильно зависимое от внешних факторов и угроз положение.

По имеющимся данным, за годы независимости (на начало 2006 г.) объём зарубежных инвестиций, вложенных в национальную экономику, составил более 15 млрд. долларов США. В этот период в стране функционировало около 2,5 тысяч предприятий с иностранным капиталом, инвесторами которых выступали представители более 30 стран мира<sup>5</sup>.

В результате, структурных преобразований позитивные изменения произошли во внешней торговле. «В структуре экспорта в

течение последних лет четко прослеживается устойчивая тенденция роста доли готовой конкурентоспособной продукции и снижение удельного веса поставок продукции сырьевых отраслей. Доля несырьевых товаров в общем объеме экспорта в 2008 г. составила свыше 71 %. При этом доля экспорта традиционного для Узбекистана хлопка-волокна снизилась с 20 % в 2003 г. до 12 % в 2008 г. Качественно меняется география внешнеторговых отношений, прежде всего за счет увеличения торгового оборота с растущим азиатским рынком»<sup>6</sup>.

Активное экономическое сотрудничество Узбекистана ведется как на межгосударственном, региональном уровне, так и с международными финансовыми, торговыми институтами, такими как МВФ, Мировой банк, АБР, ЕБРР и т.д. В свою очередь глобализация ставит развитие национальной экономики под прессинг международных экономических процессов, хотя не отрицает и факторов ее саморазвития.

Необходимо отметить, что, по мнению специалистов, международные финансовые, торговые центры по отношению к развивающимся странам и странам с переходной экономикой придерживаются собственной программы регулирования мирохозяйственных отношений, действуя зачастую лишь по видимости рыночными, но по сути административными методами. Так если МВФ, представляя кредиты, фактически директивно определяют программу действий правительств соответствующих государств, то ВТО, провозглашая открытость экономик стран-членов, устанавливает жесткие правила таможенно-тарифной политики в угоду интересам развитых рыночных систем<sup>7</sup>. Отвергающие неолиберальную концепцию глобализации (по сути угрожающую суверенитету и экономической безопасности) развивающиеся страны зачастую попадают под жесткую критику с дальнейшими последствиями.

Примерно такая же тенденция сохраняется в торговых взаимоотношениях развитых стран по отношению к развивающимся странам как, например, страны ЦА региона, в структуре экспорта которых преобладают сырьевые товары и полуфабрикаты. Искусственно создавая барьеры и проводя политику

<sup>5</sup> Махмудов Э. Важный рычаг активизации экономики. // Народное слово. 2006. 11 марта.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. Т., 2009. С.14.

<sup>7</sup> См.: Кошанов А.К. Глобализация и защита национальных экономических интересов // Новая эпоха. Туркестан, 2006. № 1. С. 13.

протекционизма, эта экономическая политика способствует увеличению разрыва между богатыми и бедными странами, а также деглобализации экономических процессов в мире.

В последние десятилетия прослеживались усиления тенденций создания новых альтернативных транспортных артерий, торговых путей между Европой и Центральной Азией, по которым проходил Великий шелковый путь. Узбекистан заинтересован активно участвовать в подобных транснациональных проектах, преследуя, прежде всего собственные экономические выгоды. Но многие факторы, такие как геополитические особенности, разный уровень развитий стран, проблемы унификации таможенных и торговых правил, и политизация данного вопроса накладывают негативный отпечаток на развитие данных проектов.

С другой стороны, обвиняя регион, в том числе Узбекистан, в недостаточной интегрированности в мировую экономику, многие страны мира с огромными экономическими и геополитическими потенциалами, на деле мало содействуют решению Афганского вопроса, отрицательно влияющего на стабильность в ЦА, в том числе на привлекательность региона для деловой среды. Хотя на протяжении почти двух десятилетий Узбекистан инициирует многие проекты по решению данной проблемы, на деле адекватная реакция больше получает политический оттенок, чем практическую реализацию.

Противоречия в вопросе комплексного использования водных ресурсов бассейнов рек Сырдарья и Амударья между странами ЦА также негативно отражаются на региональных интеграционных процессах. Однако, противоречия в решении водной проблемы, в определенной мере, способствуют положительным изменениям в агропромышленном секторе экономики республики. Так например, посевные площади под хлопчатник постепенно сокращаются, в свою очередь, развивается дальнейшее внедрение водосберегающих технологий, и в частности, системы капельного орошения, выведению скороспелых и высокоурожайных селекционных сортов хлопчатника, которые отвечают по качеству волокна международным стандартам и требованиям.

В силу вышеуказанных объективных и субъективных причин интеграция Узбекистана в глобальную экономику идет после-

довательно, но не такими стремительными темпами, как например, в некоторых бывших советских республиках. При этом было бы наивным утверждение о том, что кризис обошел Узбекистан. Его последствия уже сказываются на развитии и эффективности экономики республики, а снижение цен на экспортную продукцию (драгоценные и цветные металлы, хлопок, уран, нефтепродукты, минеральные удобрения и др.), в свою очередь негативно отражается на деятельности соответствующих структур экономики.

Учитывая особенности современных мировых социально-экономических процессов правительством Республики Узбекистан своевременно принята антикризисная программа, по предотвращению и нейтрализации ее последствий, рассчитанная на 2009–2012 годы, которая уже положительно сказывается на развитии национальной экономики. Так, по итогам первого полугодия 2009 года ВВП Узбекистана вырос на 8,2% по сравнению с аналогичным периодом годом ранее<sup>8</sup>.

Вместе с тем, необходимо отметить, то что «реализуемая сегодня взвешенная, всесторонне продуманная политика по реформированию, либерализации и модернизации, в первую очередь экономики страны, диверсификации ее структуры создали достаточно мощный заслон, можно сказать, прочный и надежный буфер, предохраняющий нас от негативных воздействий кризисов и других угроз»<sup>9</sup>.

В целом, за короткий исторический период в Узбекистане создан достаточный запас прочности, необходимая ресурсная база для обеспечения устойчивого развития экономики и достойно противостоящая вызовам и угрозам мирового финансово-экономического кризиса.

**Шавкатжон РАХМАТУЛЛАЕВ**

к.и.н., докторант Института истории АН РУз.



<sup>8</sup> <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1248293160>

<sup>9</sup> Каримов И. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. Т.: Узбекистан, 2009. С. 27.

## ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ФОРС КЎРФАЗИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози кўламининг тобора кенгайиб бориши ҳар бир давлат олдида унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, инқирознинг мамлакат иқтисодиётига таъсир кучини юмшатиш ва уни бартараф этишдек долзарб вазифаларни қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Молиявий иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард-натияда мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий инқирози шароитида юқорида қайд этилган омиллар нафақат ривожланаётган ҳамда нисбатан суст ривожланаётган мамлакатлар, балки ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида бирдек аҳамиятга моликдир. Хусусан, бу омиллар иқтисодий тараққиёт жиҳатидан дунёда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Форс кўрфази араб мамлакатлари иқтисодиётига ҳам тегишлидир. Бу ўринда 1981 йилда интеграцион мақсадларда тузилган Форс кўрфази араб давлатлари Ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлган 6 та мамлакат – Баҳрайн, Кувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳақида сўз боради. 2008 йилда умумий олтин-валюта захиралари 30 миллиард доллардан ортиб кетган<sup>2</sup> бу Кенгашнинг аъзо мамлакатлари учинчи минг йилликка катта иқтисодий юксалиш ва ижтимоий ўзгаришлар билан кириб келди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Т., 2009. Б. 5-6.

<sup>2</sup> Аналитика: Экономика ОАЭ в свете глобального финансового кризиса. По материалам статьи Д-ра Алигейдара Рэй «Авиамост» №68, 2008.//www.dubaiinvest.com

2008 йилга келиб, бу минтақада киши бошига ўртача даромад 40.800 долларга, жами номинал ЯИМ (ялпи ички маҳсулот) эса 1 триллион долларга етиб, реал умумий иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ўртача 7%ни ташкил қилди<sup>3</sup>. Лекин шиддат билан ривожланаётган жаҳон молиявий инқирози табиийки бу мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Форс кўрфази араб давлатлари Ҳамкорлик Кенгашига аъзо давлатларнинг молия вазирларидан бири Иброҳим ал-Саафнинг таъкидлашича, жорий йилда бу мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ўртача 4–6%ни ташкил қилиши кутилмоқда<sup>4</sup>. Хусусан, «Reuters» агентлигининг йирик иқтисодчилар билан ўтказган сўровномасига мувофиқ, Саудия Арабистонида реал иқтисодий ўсиш суръати 4,9 % дан 2,4% гача, Бирлашган Араб Амирликларида 6,8% дан 2,7% гача, Қатарда 12% дан 9,5% гача, Кувайтда эса 5,5% дан 2,5% гача тушиб кетиши кутилмоқда<sup>5</sup>.

Шунингдек, бу минтақадаги жами номинал ЯИМ 2009 йилда 934,5 миллиард долларга, углеводород хом ашёси экспортдан тушадиган умумий даромад эса 38,8%га қисқариб, 376,3 миллиард долларга тенг бўлиши башорат қилинмоқда<sup>6</sup>. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий инқирози шароитида бу мамлакатлар сўнгги етти йил мобайнида биринчи марта бюджет тақчиллигига дуч келдилар. Хусусан, Уммон Султонлигида бу кўрсаткич 2 миллиард долларни, БААда 1,1 миллиард долларни ташкил этди<sup>7</sup>. 2008 йилда 157 миллиард доллар миқдоридagi рекорд профицит кўрсаткичларига эга бўлган Саудия Арабистонида эса ҳозирги кунда бюджет тақчиллиги 17 миллиард долларни ташкил қилмоқда<sup>8</sup>. Бу жараёнлар эса ўз навбатида ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши нисбатан суст бўлган араб мамлакатларига сармоялар киритишини қисқаришига олиб келади. Аҳолиси кўп бўлган биргина Миср Араб Республикасида киритилажак инвестицияларнинг ҳажми 2009 йилда икки ба-

<sup>3</sup> The World Fact book www.cia.gov.

<sup>4</sup> Ghazanfar Ali GCC to unify stand against crisis. // Arab News. www.arabnews.com

<sup>5</sup> Дубай. Экономический рост в Персидском заливе резко замедлится в 2009 году// www.k2kapital.com

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Подешевевшая нефть стала причиной дефицитов бюджетов богатых арабских стран // www.russarabs.com

<sup>8</sup> Ўша жойда.

*Эта статья посвящена развитию событий в странах Персидского залива в свете мирового финансового кризиса, возникшего в конце 2008 года. Статья отражает основные характеристики экономики региона и раскрывает те области, которые понесли наибольший урон в результате кризиса. Во-первых, рынок труда в регионе, который характеризовался высокой долей иностранной рабочей силы, подвергся существенному обратному оттоку мигрантов и резкому сокращению населения в крупных коммерческих и промышленных центрах. Во-вторых, высокая зависимость экономики стран Персидского залива от доходов нефтяного сектора экономики стала причиной возникновения дефицита бюджета вследствие падения цен и спроса на нефть на мировых рынках. Статья дает заключение, что мировой финансовый кризис еще раз подчеркнул важность реформ в наиболее уязвимых областях в регионе, такие как рынок труда и зависимость экономики от нефтяной промышленности.*

*This article is devoted to the events in the countries of Persian Gulf in the light of the world financial crisis that emerged in late 2008. The article reflects the main characteristics of the regional economy and reveals the areas which suffered the most as a result of crisis. Firstly, the regional labor market, which was characterized by a high portion of foreign labor, was affected by a significant reverse migration and a decrease in population at largest commercial and industrial centers. Secondly, high dependence of countries in the Persian Gulf on income from oil industry resulted in large budget deficits as a result of decrease in demand and price in world markets. The article concludes that the world financial crisis once again underlined the importance of reforms in the most vulnerable areas such as labor market and the dependence of the economy on oil industry.*

равар қисқариши кузатилмоқда<sup>9</sup>.

Жаҳон молиявий инқирози таъсирида Форс кўрфази араб давлатлари Ҳамкорлик Кенгашидаги минтақавий фонд индекслари ўртача 50%га тушиб кетди. Бундай жараённинг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича Кенгаш доирасида ликвидликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланила бошланди<sup>10</sup>. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликларида мамлакат вице-президенти, Дубай ҳокими шайх Муҳаммад ибн Рашид ал-Мактум ҳисобидан Молия Вазирлигига 34 миллиард доллар маблағ ўтказилди<sup>11</sup>. Бу маблағ мамлакат иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирози асоратларидан ҳимоя

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Что такое глобальный финансовый кризис означает для арабских фондовых рынках? // Go.worldbank.com

<sup>11</sup> Аналитика: Экономика ОАЭ в свете глобального финансового кризиса. По материалам статьи Д-ра Алигеядара Рэй «Авиамост» №68, 2008.//www.dubaiinvest.com

қилиш учун банк секторида ликвидликни қўллаб-қувватлаш ва уни оширишга йўналтирилган мақсадларда фойдаланиш учун банкларга ўтказилиши кўзда тутилган. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов кўрсатиб ўтганидек, молиявий инқирознинг асосий сабабларидан бири бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ бўлиб, бу муаммонинг кескинлашуви пул маблағларининг етишмаслигига олиб келмоқда<sup>12</sup>. Юқоридаги тадбирлар айнан шу муаммони бартараф этиш мақсадида қўлланилмоқда.

Бундан ташқари ҳукумат мамлакатдаги барча банк депозитларининг 3 йил муддатга қафолатланишини эълон қилди<sup>13</sup>. Ҳукуматнинг бу қароридан сўнг Бирлашган Араб Амирликлари биржаларида акция нархлари кескин кўтарилди, бу эса акция эгалари ва инвесторларнинг мамлакат бозори ва молиявий тизимига бўлган ишончини ифодалади.

2008 йилнинг сўнгги чорагида нефт нархларининг тушиб кетиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиб кетиши, асосий жаҳон валюта курсларининг ўзгариб туриши, фоиз ставкаларининг қисқариши, шунингдек асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари ва бозорга бўлган талабнинг тушиб кетиши Форс кўрфази араб давлатларининг меҳнат бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Шу кунга қадар Форс кўрфази араб мамлакатларида нефтдан келадиган катта даромадлар эвазига молиялаштириладиган қурилиш лойиҳалари ва бошқа соҳалар Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва Филиппин каби Осиё мамлакатларидан келган миллионлаб мигрантларни жалб қилган эди. Бироқ нефт нархларининг тушиши туфайли мамлакатлар даромадларининг қисқариши, яшаш даражасининг қимматлашиши, шунингдек ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг қисқариши натижасида иш ўринларининг қисқартирилиши минтақадаги аксарият муҳожирларнинг ўз ватанларига қайтиб бориб, иш қидиришларига ёки нолегал иммигрант бўлиб қолишларига мажбур қилиб қўйди.

Ваҳоланки, яқин вақтгача Бирлашган Араб Амирликларининг йирик бизнес марказларидан бири ҳисобланган Дубай амир-

<sup>12</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Т., 2009. Б.8.

<sup>13</sup> Ўша жойда.

лиги аҳолисининг 90 %ини муҳожирлар ташкил қилар эди. Дубай аҳолисининг ярмидан кўпроғи кўчмас мулк ва қурилишда банд эди. Эндиликда эса Швейцария “USB” банкининг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон молиявий инқирози таъсирида 2008 йилнинг сўнгги чорагида кўчмас мулк нархлари 8%га тушиб кетди. Бунинг натижасида Дубай аҳолисининг 2009 йилда 8%га, 2010 йилда эса яна 2%га қисқариши кутилмоқда<sup>14</sup>.

Шу кунга қадар Форс кўрфазидаги нефт казиб олувчи араб мамлакатлари ҳар йили 90 миллиард доллар миқдоридидаги маблағни айнан кўчмас мулк секторига ажратар эдилар ва бу кўрсаткич бу мамлакатларга кириб келадиган умумий инвестиция оқимининг 50% ини ташкил этарди<sup>15</sup>. Айни вақтда бу ерда сунъий ороллар яратилиши ишлари ҳам вақтинча тўхтатилди. Бу тармоқларнинг тўхтатилиши мазкур тармоқда банд бўлган ишчиларнинг 2009 йилда 20%га ва 2010 йилда эса яна 10%га қисқаришига олиб келиши мумкин<sup>16</sup>.

Гарчи жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари бу мамлакатларнинг кўчмас мулк бозорини четлаб ўтмаётган бўлсада, айни пайтда Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида айнан инқироз шароитида умумий қиймати 130 миллиард доллар атрофида бўлган яна янги 300 та йирик қурилиш лойиҳалари эълон қилинди. Бу лойиҳалардан 140 таси Бирлашган Араб Амирликларида жойлашган<sup>17</sup>.

Жаҳон молиявий инқирози бу мамлакатларнинг нафақат ишлаб чиқариш соҳасига, балки хизмат кўрсатиш соҳалари, хусусан, туризм, банк соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Чунончи, Араб банклари Байрут Иттифоқи раиси Аднон Аҳмад Юсуфнинг маълумот беришича, Яқин Шарқ минтақасидаги араб банкларининг умумий даромади 2009 йилда 40%га қисқариши кутилмоқда<sup>18</sup>. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, БАА ва Саудия Арабистони минтақасидаги активлари миқдори энг катта бўлган мамлакатлар саналади<sup>19</sup>.

“Emirates Bussines” газетасининг маълум қилишича, Форс кўрфази араб давлатлари Ҳамкорлик Кенгашининг 2008 йил 30 декабрда Маскатда бўлиб ўтган Саммитида мамлакат раҳбарлари инқироз шароитида 2012 йилдан бошлаб даромад солиғини жорий этишга келишиб олдилар. Ваҳоланки, айнан даромад солиғининг мавжуд эмаслиги хорижий ишчилар нигоҳида Абу-Даби, Дубай ва Шаржа Амирликларининг асосий афзал томони ҳисобланар эди.

Бугунга келиб, Форс кўрфази араб давлатлари Ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатларнинг 2010 йилда умумий ягона валютага ўтиш режаларининг зарурияти яққол намоён бўлмоқда. Зеро, бу мамлакатларнинг умумий валютага ўтишлари ва бу минтақада умумий Марказий Банкнинг фаолият кўрсатиши Кенгашига аъзо мамлакатлар иқтисодиётига молиявий инқирознинг таъсир кучини камайтириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон молиявий инқирози Форс кўрфазидаги ривожланган ва иқтисодий салоҳияти кучли мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада минтақада сўнгги 30 йил давомида шаклланиб келган анъанавий иқтисодий шарт-шароитлар, хусусан, меҳнат ва кўчмас мулк бозорларида кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. Айниқса, бу мамлакатлар иқтисодининг нефт омилига чамбарчас боғлиқлигидан молиявий инқироз сабабли нефт нархларининг пасайиши уларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Президент Ислон Каримов қайд этганидек, бундай шароитда мазкур давлатлар учун иқтисодиётни диверсификация қилиш, маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва малакали мутахассисларни кўпайтириш, иқтисодиётнинг хорижий меҳнат ресурсларига боғлиқлигини камайтириш, ягона ва умумий валюта тизимига ўтиш каби муаммоларни бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Зулайхо ҚОДИРОВА**

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси.



<sup>14</sup> Dubai's population predicted to shrink in 2009 and 2010 //Business Intelligence Middle East .January 15, 2009 (www.bi-me.com)

<sup>15</sup> Аналитика: Экономика ОАЭ в свете глобального финансового кризиса. По материалам статьи Д-ра Алигейдара Рэй «Авиамост» №68, 2008.//www.dubaiinvest.com

<sup>16</sup> Dubai's population predicted to shrink in 2009 and 2010 //Business Intelligence Middle East .January 15, 2009 (www.bi-me.com)

<sup>17</sup> Аналитика: Экономика ОАЭ в свете глобального финансового кризиса. По материалам статьи Д-ра Алигейдара Рэй «Авиамост» №68, 2008.//www.dubaiinvest.com

<sup>18</sup> Анастасия Ледюх. Прибыль арабских банков снизится в 2009 году на 40% // Русские Эмираты

<sup>19</sup> Уша жойда.

## БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Истиклол фарзандлари чинакам маънода бахтли ёшлардир. Зеро, бугун уларнинг энг замонавий шароитларда ўқиб, билим олишлари, ҳунар ўрганишлари, асрлар давомида сайқал топиб келган миллий кадриятларимиздан баҳраманд бўлган ҳолда ўз қобилият ва иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу, шубҳасиз, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Бундай бекиёс ғамхўрликлар самараси туфайли ўғил-қизларимиз ҳавас қилса арзигулик, барча қулайлик ва шароитларга эга мухташам ўқув биноларида илм олмоқдалар. Улардаги ўқув қуроллари ва жиҳозларини кўриб фахр ва ғурур ҳиссини сезади киши.

Ушбу мулоҳазалар кўнглимиздан ўтар экан, хаёлимизда «Бугун вояга етаётган ёшларимиз мустақиллик улугъ неъмат эканини, у қандай қўлга киритилганини тўла англаб етадиларми?» деган ҳақли савол пайдо бўлади. Ана шу саволларга ўрин қолдирмаслик учун Истиклол тенгдошлари, уларнинг ортидан келаётган навқирон авлод вакиллари билан маънавий йўналишда доимий иш олиб боришимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг маънавий дунё-қарашини кенгайтириш, республикамизда амалга оширилаётган маънавий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар билан ёш авлодни доимо таништириб бориш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади. Бундай йўналишдаги тадбирларда мутасадди раҳбарлар, ўқитувчилар ва зиёлилар иштирокида “Мустақиллик ўзи нима?”, “Ватан, она замин тушунчаси”, шунингдек, халқимизнинг ўлмас миллий-маънавий анъаналари бўлган ота-онага ҳурмат, “устозлар ёди ва эъзози”, “яхшилик қилишга доимо шошилиш”, “эзгуликка интилиб яшаш”, “халқ фаровонлиги учун жонни фидо айлашни билиш” каби тушунчаларнинг мазмунини

мурғак қалбларга жойлаш бугунги маънавий тарбиянинг долзарб масалаларидан қилиб белгиланди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси<sup>1</sup>.

Деярли ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан ўзбекистонлик йигит-қизларнинг спорт, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат соҳасида эришаётган юксак натижаларидан бохабар бўламиз. Ёшларимизнинг дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиши, хорижлик тенгдошлари орасида илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туриши бизни қувонтиради.

Улар эришаётган ютуқ ва муваффақиятлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо хотиржамликка берилиб бўлмайди. Бугунги глобаллашув шароитида, дунё тез ўзгараётган, турли давлатларнинг турлича манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган, бинобарин, ахборотлар хуружи авж олиб, ёшлар онги ва қалби учун мислсиз кураш тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда маънавий тарбия билан доимий равишда шуғулланишимиз, бу борада бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўймаслигимиз лозим. «Барчамизга аёнки, – деб таъкидлайди Президентимиз, – қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»<sup>2</sup>.

Тарбияли, одоб-ахлоқли, ватанпарвар – маънавиятли бўлиш учун бир кун эмас, йиллар керак. Фақат мактаб эмас, бу борада, оила, маҳалла ҳам тенги йўқ куч эканини эсдан чиқармаслик зарур. Дарсдан кейин болалар тарбияси асосан улар қарамоғида бўлади. Ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабат, ҳуқуқбузарлик, кийиниш маданиятига эътиборсизлик, оилалардаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга мазкур тарбия ўчоқлари ҳам бефарқ бўлмасликлари лозим. Тарбия жараёнига етарлича эътибор бермаслик маҳсули эртага жиноят, беҳаёлик,

<sup>1</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 62.

<sup>2</sup> Ўша манба. Б. 116.

турли диний экстремистик оқимларга кириб кетишлик ёки ғоявий таъсирларга тушиб қолишлик, жамиятимизда нолайик инсонларнинг пайдо бўлишига, оилаларнинг фарзанд доғидан куйишига сабаб бўлади. Улар нафақат оиласига, жамиятга, унда яшаётган турли миллат ва дин вакилларига, осуда ҳаётга, фаровон турмуш тарзига, тинчликка рахна солувчи кишиларга айланадилар.

Демак, ахлоқ инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи сифатдир. Ахлоқнинг таърифи қандай, ахлоқийликнинг мезони нималарда ифодаланади? – деган саволлар туғилади. Бу ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида кишиларнинг юриш-туришини, уларнинг жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ўзаро алоқалари, ижтимоий меҳнатга муносабатлари сингари ҳаракатларини тартибга солувчи меъёрий қоидалар мажмуидан иборатдир.

Кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи меъёр ва тамойиллар тизими бўлмиш ахлоқ этикадан – илми ахлоқдан, яъни ахлоқ назариясидан фарқланади.

Ахлоқ илми бир бутун фандан иборат бўлиб, турли қисмлар ва умумий қоидаларни ўз ичига олади. Шу умумий қоидаларни хотираларида сақловчилар унинг қисмларини ўрганишга ҳаракат қиладилар, кўнгилда сақлаб, ўзгаларга ҳам сингдиришга муяссар бўладилар. Умумий ахлоқий қоидалардан бири, ҳадисда келтирилган «Ўзинг учун суйган нарсани, бошқалар учун ҳам суй» деган ҳадиси шарифда чиройли айтилган. Мана шу ҳикматда энг соғлом ахлоқий фазилат ўз ифодасини топган. Бу умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ахлоқий фазилат ва маънавий кадрият ҳамдир. У бошқа кишилар билан муомалада қилинадиган амални, авваламбор ўзингга татбиқ этиш лозимлигини ифодаловчи талабдир.

Ҳадисда келтирилишича, “Нажот – ростгўйликдадир”<sup>3</sup>. Болани алдаш мумкин эмас. Чунки ахборот тизими тобора ривожланиб бормоқда. Кўпгина оилалар замонавий телекоммуникация ва Интернет воситаларидан фойдаланишади. Ота-она йўғида болалар телевизор кўрмайди,

*В данной статье подробно рассуждается об огромном значении воспитания молодого поколения в духе любви к родине, гуманизма, межнационального согласия и религиозной толерантности в наши дни, и особенно для будущего, а также об основных факторах и способах выполнения данной злободневной задачи – крайне важной для развития нашей науки и нашего общества.*

*Автор статьи, предлагая нашему вниманию широкую информацию о мерах, осуществлявшихся и осуществляющихся в этом направлении в нашей стране в годы независимости, приводит точные цифры и жизненные доводы. А также он с особенной гордостью отмечает всемирно известные достижения в этой сфере; вместе с тем в статье отдельно приведены полезные рекомендации, предложения для лиц и учреждений, ответственных за обучение и воспитание молодого поколения.*

*The article touches upon one of the most fundamental present-day issues, such as training the younger generation in the spirit of patriotism and religious tolerance as well as certain factors leading to the realization of these intentions.*

*The author of the article provides detailed information on the results of measures implemented in this direction throughout the period after the independence of the republic. There are also some recommendations and suggestions for those who bear responsibility for the upbringing and education of the youth.*

дунёдаги нарсалардан бохабар бўлгиси келмайди, деб айта олмаймиз. Чунки ўсмир болалар қизиқувчан бўлади.

Ҳозирги кунда мухлислар эътиборига ҳавола қилинаётган турли жанрлардаги ижод намуналарининг туб моҳияти, мазмуни ёшлар маънавиятини нимага етаклаши ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, улар томоша қилаётган санъат асарлари ўғил-қизларга нимани ўргатишига эътиборли бўлишимиз лозим.

Айрим енгил-елпи ёзилган ва эфирда такрор-такрор берилаётган «ижод» намуналари ўсиш, шаклланиш палласидаги ўсмир-ёшлар дидини чархлаш ўрнига ўтмаслаштиради, албатта. Фарзандларимизда оддий инсоний фазилатлар, самимий туйғулар мустаҳкамланишида мусиқа, кино санъатининг ҳам ҳаётий таъсири борлигини эътироф этиш жоиз. Бинобарин, оилада ҳам, жамиятда ҳам болалар, ўсмир-ёшлар доим тақлид қилишга мойил эканини унутиб бўлмайди. Бу уларнинг дунёни ўрганишга, ҳамма нарсани билиш ва удалашга бўлган эҳтиёжи билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга,

<sup>3</sup> Минг бир ҳадис. Т.: Мовароуннахр, 1995.

томошабинда ҳам ўз маънавиятига, дидига нисбатан масъуллик ҳисси бўлмоғи даркор. У нимани томоша қилиш, эшитиш ёки ўқишни танлай билиши ҳам керак. Чунки араб мақолларида келтирилганидек, “Ёшликда олинган илм-тарбия тошдаги нақш кабидир”<sup>4</sup>.

Шунинг учун ҳам ота-она ўз фарзандини бадий китоб, газета-журнал ўқишга, миллий кадриятларимизни ўзида мужассам этган фильмларни кўришга, кўшиқларни эшитишга ёшлигиданок ўргатиб борса, шунингдек, касб-хунарга рағбатлантириб, илмли, соғлом эътиқодли қилиб тарбияласа, у кўр-кўрона бошқаларга эргашмайди, ўз қарашларига эга бўлади. Шунинг учун ҳам такрор айтамикки, бола тарбияси учун ота-она масъул.

Таъкидлаш жоизки, дунёдаги фаол фуқаролик позициясига эга бўлган инсонларнинг Интернетдаги бузғунчи сайтлар ёшлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётгани борасидаги ҳақли фикрлари халқаро жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

“Associated Press” ахборот агентлиги маълумотида кўра, бугунги кунда 4 миллиондан ортиқ веб-ресурслар ўз миқозларига вояга етмаганлар иштирокида суратга олинган шахвоний расмларни тақдим қилмоқда. Сўнгги беш йилда Интернет тармоғидаги порноконтигент тўрт маротабага кўпайган. Болалар порнографияси бор сайтларда исталган вақтда 750 мингдан ортиқ ахлоқан бузук ҳолатдаги болалар суратларини топиш мумкин. Европа глобал тармоғида бузғунчи сайтлар мавжудлиги ҳамда вертуал фирибгарликлар таъсирига тушиб қолиши мумкинлигини инобатга олмаган ёшлар турли сайтларга “сайр қилиши” туфайли руҳий ва ҳатто жисмоний саломатлигига зиён етказувчи ахборотлар домига тортилаётганидан кўпчилик ташвишда<sup>5</sup>.

Г. Торонинг: “Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдан қаттиқ ерни, қояларни ёриб ўсиб чиқади. Яхшилик ҳам худди шундай. Ҳеч қандай тиғ, ҳеч қандай қурол инсон саховати қудратига тенг кела олмайди. Унга қарши турулмайди”<sup>6</sup>, деган фикрлари таълим-

тарбияга ёшлиқдан эътибор беришга ундайди. Ўзбекистонда узлуксиз таълим мазмуни ва тарбия тизими орқали ўқувчи ёшлар, талабаларда Ватани, халқига содиқлик ва меҳр-муҳаббат, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, инсонпарварлик, мустақил, эркин ва теран фикрлилик, ташаббускорлик, фидойилик, юксак масъулият ва бурч, қалби поклик, мустаҳкам иродалилик каби комил инсон учун зарур бўлган характер сифатлари махсус, илмий асосда шакллантириб борилади.

Мамлакатимизда ўқувчи ёшлар дунё-қарашини тарбиялаш масаласига бағишланган айрим тадқиқотларда эътиқод тарбияси муаммосига ҳам мурожаат қилинмоқда. Д.Мирзажонова ва М.Умаровалар бу ҳақда шундай ёзадилар: «Соғлом дунёқараш ҳамда эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг куйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиш мумкин:

а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит;

б) соғлом ғоялар;

в) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданият;

г) ёшларнинг маълумоти даражаси;

д) янгилик, илғор фикрлашга ўтиш;

е) ота-оналар саводхонлиги;

ж) боболар ва момолар тарбияси<sup>7</sup>.

Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни тарбиялашда оила ва оила аъзоларининг роли етакчилик қилади. Шу сабабли биз кичик ёшли ўқувчиларда эътиқод тарбиясини энг муҳим омил сифатида эътироф этамикки. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас даргоҳ, янги авлод тарбия қилинадиган асосий тарбия ўчоғи, деб билади. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни катта экани халқимизнинг «Қуш уясида кўрганни қилади» деган ҳикматида ҳам ўз ифодасини топган.

Соғлом эътиқодлилиқни шакллантириш юртимизда асрлар давомида шаклланган ислом динида эътиқод тарбиясининг мазмунига махсус тўхталиш зарурлигини тақозо қилади.

Ўқувчиларда виждонийликни тарбиялаш – соғлом эътиқодни шакллантиришнинг

<sup>4</sup> Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т., 1981. Б. 105.

<sup>5</sup> Ахлоқсизликка қарши. “Жамият” газетаси, № 38 (155). 2009. Б. 14.

<sup>6</sup> Торо Г. Тафаккур гулшани. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 58.

<sup>7</sup> Мирзажонова Д., Умарова М. Ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини ҳамда мафқуравий тасаввурларни шакллантиришнинг кулай имкониятлари // Тошкент: Uzluksiz ta'lim: Ilmiy-uslubiy jurnal, 2002. 3-сон. Б. 49.

марказий вазифаси бўлиб, ундан мақсад ҳар бир болада ўзининг ўқувчилик, фарзандлик, ватанпарварлик, бўлажак фуқаролик бурчларини мукамал англашига ва уларга амал қилишга, доимо ва ҳамма жойда ростгўй бўлишга, миллий одобга, ватанпарварликка, миллатлараро тотувликка, динлараро бағрикенгликка, миллий ғурурга интилиш ва унга зид хатти-ҳаракатни таний билиш ҳамда уларга қарши туриш, ваъда берса мукамал бажаришга, билмаган ҳолда хато ёки гуноҳ қилса, дарҳол ўзи кечирим сўрай олишга, ёлғончилик, тутуруқсизлик, субутсизликни доимо, ҳамма жойда қоралашга қодирликни шакллантиришдан иборат.

Бизнинг менталитетимиз диний-миллий асосларига кўра, фарзандларни турли ноўрин ва нотўғри хатти-ҳаракатлардан сақлаш, ақл-заковатли, ор-номусли қилиб тарбиялаш оила масъуллари учун мажбуриятдир. Бу масъулиятнинг қанчалик муҳим ва юксаклигини таъкидлаб, Муҳаммад пайғамбар оила бошлиқларига қарата шундай деган эдилар: «Сизларнинг ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бир раҳбар ўз қўл остидагиларга масъулдир»<sup>8</sup>.

Оилани муқаддас билиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, америкалик файласуф Ж.Сантаяна таъкидлаганидек: “Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир”<sup>9</sup>. Оила муҳити қанчалик мусаффо бўлса, унда тарбия топган фарзандлар ҳам шунчалик пок ва беғубор бўладилар. Фарзандлар гўзал ахлоқли, одобли бўлишлари учун эса, аввало, улар оилада, мактабда ва кўпчилик орасида тўғри тарбияланиши керак.

Демак, фарзанд тарбияси келажак авлод бахтли-саодатли бўлишининг асоси бўлгани учун ҳам бу масала доимо муҳим аҳамият касб этади.

Ҳадисларда келтирилган яна бир ҳикматда: “Гўзал ахлоқли киши шу гўзал ахлоқи сабабидан нафл намоз ва нафл рўза тутувчилар ҳамда кечаларда ибодат қилувчилар даражасига кўтарила олади», – дейилади.

Демак, гўзал ахлоқ исломда инсонга хос яхши фазилат ва баркамолликнинг ифодаси ҳисобланади. Чунки кечалари нафл намоз ўқиш, нафл рўза тутишнинг савоби шу кишининг ўзи учун фойдалидир. Унинг учун бу амалларнинг савоби охиратда бўлади. Аммо гўзал ахлоқнинг фойдаси шу оламда бошқалар учун ибратли ишларда ифодаланади. Гўзал ахлоқ соҳибининг баркамоллиги жамиятда бошқа одамлар учун сабоқ бўлиб хизмат қилади, унинг амалий хатти-ҳаракатлари бошқалар учун ибратдир. Шу боисдан гўзал ахлоқнинг фойдаси ўзи ва бошқалар учун ҳам тааллуқлилиги уқтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшлар ўртасида маънавий тарбияни янада мустаҳкамлашимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида йигит-қизларнинг бугунги дунёқараши, билими, хабардорлик даражаси ва албатта, қизиқишлари, талаб-эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишимиз муҳимдир. Чунки улар – миллатнинг келажаги, бугунги бунёдкорлик ишларимизни эртага ишонч ва эътиқод билан давом эттирадиган, янги юксак марраларни эгаллайдиган ворисларимиздир.

Зотан, виждони соф, эътиқоди соғлом, сабр-бардошли ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам, ота-она ва фарзанднинг ҳам юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши юқорида таъкидлаб ўтилган эзгу мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

**Илём МИРЗИЁТОВ**

педагогика фанлари номзоди



<sup>8</sup> Муҳйиддин ан-Нававий. Риёз ас-солиҳин. Байрут. 1996. Б. 248.

<sup>9</sup> Сантаяна Ж. Тафаккур гулшани. Т.: Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 399.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, илмий ходимлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.  
Илмий-таҳлилий ахборот нашри бир йилда тўрт марта чоп этилади.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТ**  
«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2009

Мухаррирлар:

**Б. Эралиев, С. Очилов**

Бадий муҳаррир:

**А. Қамбаров**

Мусахҳих:

**У. Инсонбоева**

Дизайнер-саҳифаловчи:

**И. Караджаев**

Матн терувчилар:

**С. Жўраева, М. Акбарова**

Босишга рухсат этилди 02.10.2009. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 7,44. Нашр табоғи 7,40. Адади 500 нусха. Буюртма № 95.  
Шартнома № 01–07–09. Баҳоси шартнома асосида.

**«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси  
босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.**